

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
(МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ЗАМОНАВИЙ МАТЕРИАЛШУНОСЛИК ВА
НАНОФИЗИКА” МОДУЛИ БЎЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тузувчи:

А.А. Холмуминов

Тошкент – 2017

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР	16
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ	159
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	174
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	176
VII. ГЛОССАРИЙ.....	178
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	189

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. .

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Замонавий материалшунослик ва нанофизика” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Мазкур модулни амалга оширишда соҳага оид илғор илм-фан ютуқлари ва юқори технологик жараёнлар моҳиятларини назарга олиш, уларга таянган ҳолда маъруза, амалий машғулотларини ташкил этиш, етакчи илм-фан ва ишлаб чиқариш муассасарида олиб борилаётган устувор ва истиқболли йўналишлардаги илмий ва амалий тадқиқотлар билан танишиш муҳим аҳамият касб этади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Замонавий материалшунослик ва нанофизика” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини табиий фанларнинг металл, нометалл, керамика, полимерлар, композитлар физикаси ва нанофизикаси соҳалари ҳамда замонавий материалшунослик ривожланиш омиллари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, бу борада республикамиз ва хорижий етакчи илмий марказлар эришаётган асосий ютуқлар, замонавий илмий йўналишлар ва тадқиқотлар усуллари билан таништириш ҳамда уларни амалий қўллаш юзасидан кўникма ва малакаларга эга бўлишига эриштиришдан иборатдир.

Модулнинг вазифалари:

- табиий фанларнинг металл, керамика, полимерлар, композитлар физикаси ва нанофизика соҳалари, уларнинг замонавий материалшуносликдаги илмий ва амалий моҳияти, ривожланиш тенденцияси, истиқболли илмий-тадқиқот йўналишлари ҳақидаги асосий билимларни ўргатиш;

- замонавий материашунослик ва нанофизика соҳасида ҳамда унинг устувор йўналишида республикамиз ва хорижий илмий марказлар эришаётган ютуқлар, долзарб тадқиқотлар, шунингдек, бу борадаги илмий адабиётлар ҳақидаги таҳлилий маълумотлар билан таништириш;

- замонавий материашунослик ва нанофизика йўналишида замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш мезонларини ўзлаштириш, шунингдек, ўқитиш жараёнида илм-фан ютуқлари, янги усуллар ва ускуналардан фойдаланиш ҳамда илғор инновацион технологияларни қўллаш олишни ўргатиш;

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Замонавий материашунослик ва нанофизика” модул курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- замонавий материалшуносликда металллар, керамика, табиий ва синтетик полимерлар физикаси, композитлар ва нанофизиканинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари, уларнинг тадқиқот объектлари, предметлари ҳамда материалшунослик йўналишидаги принципал ўрни ҳақидаги асосий билимларга эга бўлиши;

Тингловчи:

- табиий фанлар соҳасида ўқув машғулотларида янги педагогик технологиялар ва илғор тажрибалардан фойдаланиш, машғулотларнинг ўзлаштирилишини таҳлил қилиш, юқори савияларга эришишга ижодкорона ёндашиш каби амалий кўникма ва малакаларни эгаллаши;

Тингловчи:

- маъруза, амалиёт ва мустақил таълим машғулотларини бир бирига мутаносиб тарзда ташкил этиш, машғулотлар жараёнида кузатиладиган ижобий ҳолатларни тақдирлаш ва салбий иллатларни бартараф этиш, ўзлаштиришни таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш компетенциялари эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Замонавий материашунослик ва нанофизика” модулини ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилади, жумладан:

- амалий машғулотларни олиб боришда лаборатория тажрибалари, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, коллоквиум, тадқиқотлар асбоб-ускуналари ва қурилмаларидан, етакчи илмий муассасалар имкониятларидан фойдаланиш, шунингдек, бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш тавсия этилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва

узвийлиги

“Замонавий материашунослик ва нанофизика” модули мазмуни ўқув режадаги “Юқори энергиялар физикаси ва астрофизикасининг замонавий ҳолати” ва “Амалий оптика, спектроскопия, лазер физикаси, фотоника” модули билан боғланган ҳолда табиий фанлар соҳасида педагог кадрларнинг касбий педагогик тайёргарлиги ва малакасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар “Замонавий материашунослик ва нанофизика” асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентлик ва малакасига эга бўладилар. Модул бўйича фанларни ўзлаштириш олий ўқув юртларида замонавий материалшунослик ва нанофизика соҳаларида таълим олаётган бакалавриатура ва магистратура талабалари учун махсус фанларни ўқитишни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, модул доирасида ўзлаштирилган билимлар мазкур фан соҳалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда амалий асос бўлиб хизмат қилади.

“Замонавий материашунослик ва нанофизика” Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	қўчма машғулот	
1	Материалшунослик физикаси асослари ва замонавий материаллар шакллантиришнинг физик омиллари ҳамда устувор йўналишлари.	6	4	2	2	-	2
2	Металлар, қуйи ва юқори молекуляр бирикмалар, улар асосидаги замонавий материаллар физикаси, илмий ва амалий аҳамиятлари ҳамда истиқболлари.	6	6	2	2	2	-
3	Композицион материаллар, таркиби, тузилиши, турлари, ҳолатлари, тизимлари, морфологиялари, махсус физик ҳоссалари.	6	6	2	4	-	-
4	Нанофизика асослари, илмий-тадқиқот объектлари ва предмети, наноматериаллар яратилишидаги устуворлиги.	6	4	2	2	-	2

5	Наноструктуралар, нанотизимлар ва нанокомпозитлар шаклланиши, ноёб физик хоссалари ва амалий истиқболлари.	6	6	2	2	2	-
Жами		30	26	10	12	4	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Материалшунослик физикаси асослари ва замонавий материаллар шакллантиришнинг физик омиллари ҳамда устувор йўналишлари

Материалшунослик физикасининг предмети, материаллар таснифи, каттиқ ва суюқ ҳолатлари, таркиби, тузилиши ва муҳим физик хоссалари, хом-ашёлари, шакллантирилишининг физик омиллари ва имкониятлари. Металлар, нometаллар, керамика, полимерлар, композитлар физикаси ва нанофизикасининг устувор соҳалари ва йўналишлари ҳақидаги асосий тушунчалар.

2-мавзу: Металлар, қуйи ва юқори молекуляр бирикмалар, улар асосидаги замонавий материаллар физикаси, илмий ва амалий ҳамда истиқболлари.

Металлар, қуйи ва юқори молекуляр бирикмалар асосидаги материаллар турлари ва таснифлари. Материалларнинг аморф-кристалл ҳолатлари, фазавий диаграммалари, механик, термик, оптик, электрофизик, физик-кимёвий ва биофизик хоссалари. Уларнинг замонавий материаллар яратишда қўлланиши имкониятлари, физик омиллари ва технологиялари ҳамда илмий тадқиқотлар ва уларнинг истиқболлари.

3-мавзу: Композицион материаллар, таркиби, тузилиши, турлари, ҳолатлари, тизимлари, морфологиялари, махсус физик хоссалари

Композицион материаллар таркиби, турлари ва асосий хоссалари ҳамда амалий қўлланиш соҳалари. Композицион материаллар яратишнинг физик омиллари. Метал, керамик, полимер композитлар, уларнинг физик ҳолатлари ва тавсифлари. Композит тизимлар морфологияси ва унга хос махсус ва ноёб хоссалари. Замонавий материалшуносликда композитлар физикасининг ўрни ва устуворлиги.

4-мавзу: Нанофизика асослари, илмий-тадқиқот объектлари ва предмети, наноматериаллар яратилишидаги устуворлиги

Нанофизика предмети, нанообъектлар, нанодисперс тизимлар, наноструктуралар ва наноматериаллар шаклланиши, уларнинг махсус ва ноёб физик хоссалари. Наноматериалшунослик асослари, унда фундаментал ва амалий фанлар, технологиялар ва ишлаб чиқаришнинг ҳамжиҳатлиги. Меттал, керамика, полимерлар, композитлар асосида наноматериаллар шакллантириш имкониятлари. Нанообъектлар ва уларнинг наноматериаллар яратишдаги роли ва устуворлиги.

5-мавзу: Наноструктуралар, нанотизимлар ва нанокомпозитлар шаклланиши, ноёб физик хоссалари ва амалий истиқболлари

Нанофизика ва нанотехнологиялар узвийлиги ҳамда устувор илмий-тадқиқот соҳалари ва йўналишлари. Нанофизиканинг классик ва замонавий табиий фанлар ривожланиши, янги илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳаларининг очилиши борасидаги етакчилиги, аҳамияти ва равнақи. Нанодисперс тизимлар, наномеханика, наноэлектроника, металл ва яримўтказгичли наножиҳозлар, оптик наносенсорлар, наноқатламли қуёш элементлари,

нанопленкалар, нанотолалар, наносорбентлар, нанотрубкалар, наногеллар, нанокомплекслар, нанокомпозитлар ва ш.к.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот

Материалшунослик физикаси асослари ва замонавий материаллар шакллантиришнинг физик омиллари ҳамда устувор йўналишлари

Металл ионларини полимер макроионлари билан металл-комплекслар ҳосил қилишини, уларнинг оқувчанлигини, яъни қовушоқлигини ўзгаришини гидродинамик усулда назорат қилиш орқали тадқиқот қилишни ўзлаштириш. Маълумки, эритмада металл-комплекслар каби янги фаза ҳосил бўлса, унда ички ишқалиш, яъни қовушоқлик ўзгаради. Бундай ўзгаришни энг оддий гидродинамик усулда, яъни, вискозиметрия ёрдамида назорат қилиш самаралидир. Ушбу машғулотда айнан шу усулнинг имкониятлари ўзлаштирилади.

2-амалий машғулот

Металлар, қуйи ва юқори молекуляр бирикмалар, улар асосидаги замонавий материаллар физикаси, илмий ва амалий ҳамда истиқболлари.

Амалий жиҳатдан кенг қўлланиб келинаётган полиэтилен гранулалар ва полиэтилентерефталат толалар асосида термомеханик пресслаш усулида қатламли материаллар шакллантириш принципларини ўзлаштириш. Олинган қатламли материалларнинг сифатини ушбу термопластлар асосида ишлаб чиқарилаётган ва автомобил созиқда амалий қўлланиб келинаётган шу каби қатламли материаллар билан қиёсий таққослаш.

3-амалий машғулот

Композицион материаллар, таркиби, тузилиши, турлари, ҳолатлари, тизимлари, морфологиялари, махсус физик ҳоссалари

Шаффоф полиэтилен пленканинг деформацион чўзишда руй берадиган механо-анизотропик ўзгаришларини, поляризация-оптик усулда назорат қилишни ўзлаштириш. Қўш нур синиши кўрсаткичини қайд этиш орқали пленканинг деформацион ўзгаришдаги ориентация факторини аниқлаш. Оптик ва механик анизотропиялар ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш.

4-амалий машғулот

Нанофизика асослари, илмий-тадқиқот объектлари ва предмети, наноматериаллар яратилишидаги устуворлиги

Сорбцион усул принципи сув буғларини материал таркибига диффузион кириб боришини назорат қилишга асосланган бўлиб, унинг ёрдамида сорбцион жараён кинетикаси, материалдаги ғобакларнинг ўлчамлари, солиштирма сирти ва ҳажми каби кўрсаткичлар аниқланади. Амалий машғулотда ушбу параметрларни амалий аниқлашнинг асосий принциплари ўзлаштирилади.

5-амалий машғулот

Наноструктуралар, нанотизимлар ва нанокөмпозитлар шаклланиши, ноёб физик хоссалари ва амалий истиқболлари

Нанотолали нотўқима материаллар ғобакларининг нанодапазонда бўлиши, улар асосида нанофилтрлар тайёрлаш имкониятини беради. Бундай материаллар муҳим икки жиҳати билан бошқа филтрлардан фарқланади: биринчидан, наноўлчамли заррачаларни филтрлайди, иккинчидан, нанотолаларнинг сиртий фаоллиги ҳисобига ғоваклар филтрланаётган моддаларни селектив тарзда ушлаб қолиш имкониятига эга бўлади. Ушбу жараёнлар машғулотда амалий ўзлаштирилади.

Яримўтказгичли металлоксидлар асосида шакллантирилган наноқатлам-ли материалларнинг солиштирма электр ўтказувчанлигини тўрт зондли усулда аниқлашнинг принциптал жиҳатлари ўзлаштирилади. Тажрибалар махсус йиғилган қурилмада ўтказилади ва тадқиқот натижалари асосида наноматериалнинг электр ўтказувчанлик қобилияти баҳоланади.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Кўчма машғулотлар модул соҳаси бўйича етакчи олий таълим кафедралари ва илмий-тадқиқот муассасалари лабораториялари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари бўлимларида ташкил этилади. Мазкур машғулотлар соҳага оид долзарб мавзуларда тажриба-синов ва лаборатория машғулотлари ҳамда танишув амалиёти шаклларида олиб борилади. Шунингдек, таъкидланган муассасалар ва корхоналар етакчи мутахассислари томонидан республика ва хорижий илмий марказларда соҳа йўналишида амалга оширилаётган илғор илмий ва амалий тадқиқотлар бўйича таҳлилий шарҳлар берилиши масқадга мувофиқдир.

Кўчма машғулотлар учун куйидаги мавзулар тавсия этилади:

1-амалий машғулот (кўчма)

Нанотолалар шакллантиришнинг электроспиннинг усули

Юқори кучланиш таъсирида фильерадан (анод) чиқаётган эритмани экранга (катод) тортилиши туфайли эритувчини буғланиб кетиши ва макромолекуляр занжирларни бир бирига ориентацион ўралиб қалинлиги наноўлчамларда бўлган толалар, яъни нанотолалар шакллантирилади. Ушбу амалий машғулотда мазкур жараён амалга оширишнинг принципциал жиҳатлари ўзлаштирилади.

2-амалий машғулот (кўчма)

Нанодисперс тизимларнинг реологик хоссалари

Нанодисперс тизимлар, яъни таркибида наноўлчамли заррачалари бўлган концентранган эритма ёки гелнинг оқишида деформационн ўзгаришларини, яъни реологик тавсифлари, жумладан, эффектив қовушоқлиги ва қовушоқ оқувчанлигининг фаоллик энергияларини аниқлашнинг принциплари ўзлаштирилади. Ушбу амалиёт тадқиқоти “Реотест-2” қурилмасида ёки махсус йиғилган “Реометр” қурилмасида ўтказилади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (замонавий материалшунослик ва нанофизика асосларини ўзлаштириш, бу соҳадаги билимларни амалий қўллаш малакасини эгаллаш, материалшунослик ва нанотехнологиялар ривожланишида физиканинг ўрнини англаш, ўзлаштирилган билимларни узлуксиз равишда синаб ва мустаҳкамлаб бориш);
- амалий тажрибалар ва уларни муҳокамалари (материалшунослик ва нанофизикага оид амалий тажрибалар ўтказиш, натижаларни муҳокама этиш, замонавий материаллар таснифларини англаш, физик хусусиятлари ҳақидаги назарий ва амалий билимларни ўқув ва илмий тадқиқотларда қўллай олиш малакасига эгаллаш);
- ўзлаштирилган билимларни таҳлил этиш ва мустаҳкамлаш (маърузалар ва амалий машғулотлар бўйича ўзлаштирилган билимларни замонавий материалшунослик ва нанофизика нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, зарур ҳолларда кўшимча адабиётлар материаллари билан бойитиш, чуқурлаштириш ва янада мукамаллаштириб бориш кўникмасини эгаллаш).

ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**0,8 балл**.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Замонавий материалшуносликнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Замонавий материалшуносликнинг кучли томонлари	Материалшунослик фанлари ва муҳандислигининг ҳамкорлиги
W	Замонавий материалшуносликнинг кучсиз томонлари	Замонавий материаллар яратишнинг ноёб хом-ашёлар ва янги технологияларга эҳтиёжининг юқори эканлиги
O	Замонавий материалшуносликнинг имкониятлари (ички)	Инновацион ишлаб чиқаришнинг кенг қўлланиши ва самарадорлиги
T	Тўсиқлар (ташқи)	Замонавий материалларни ишлаб чиқаришда қўшимча харажатлар пайдо бўлиши

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айтилган пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони аниқлашга таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади мавзу

Намуна:

Материаллар қиёсий таҳлили					
Металл		Керамика		Полимер	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Мустаҳкам, каттик, электр-иссиқликни	Оғир, юқори ҳароратда қайта	Юқори ҳароратларга чидамли,	Мўрт, оғир, нафис	Енгил, паст ҳароратларда қайта ишла-	Юқори ҳароратлар ва кучли

яхши ўтказди	ишланади, занглайди	хом-ашё захираси катта		нади, захира-си катта	механик таъсирларга чидамсиз
<p>Хулоса: Барча материаллар ҳам ўзининг афзаллиги ва камчилиги билан бир бирдан жиддий фарқланади. Лекин, уларнинг комплекс тарзда амалий қўлланиши камчиликлари бартараф этилишига ва афзалликларини янада оширишга имкон беради.</p>					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none">✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);✓ ахборотни умумлаштириш;✓ ахборот таҳлили;✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none">✓ якка ва гуруҳда ишлаш;✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Композит материал шакллантириш учун компонентлар танланди.

Уларни суюқ фазага ўтказиб аралаштиришда суюқланиш ҳарорати ҳархилги бўйича муаммо келиб чиқди. Композит олиш учун янгица илмий ёндашиш талаб этилмоқда.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1-мавзу: Материалшунослик физикаси асослари ва замонавий материаллар шаклантиришнинг физик омиллари ҳамда устувор йўналишлари

Режа

1. Материалшунослик физикасининг предмети, материаллар таснифи, шаклантирилишининг физик омиллари ва имкониятлари;
2. Металл ва керамик материаллар ҳамда уларнинг физик тавсифлари;
3. Полимер ва композит материаллар ҳамда уларнинг физикаси тавсифлари;
4. Ақлли ва электроник материаллар ва ўларнинг қўлланиши;
5. Наноматериаллар ва уларнинг ўзига хос ноёб хоссалари.
6. Материалшунослик физикасининг асосий йўналишлари

Таянч иборалар: *замонавий материалшунослик, материалшунослик турлари ва йўналишлари, металл, керамик, полимер, композит, ақлли, электроник материаллар, наноматериаллар, махсус ва ноёб материаллар.*

1. Материалшунослик физикасининг предмети, материаллар таснифи, шаклантирилишининг физик омиллари ва имкониятлари

Материалшунослик - бир қатор фан соҳаларини ўзида бирлаштирган, материалларнинг хоссаларини ўзгаришини ҳам қаттиқ, ҳам суюқ ҳолатларда турли факторларга боғлиқ ўрганади. Шу боис материалшунослик - металл, нометалл, керамик, органик бирикмалар ва полимерлар асосидаги материалларнинг хосса ва хусусиятлари ҳамда уларнинг олиниш, структуравий шаклланиш, ўзаро таъсирлашиш, бирикиш ва парчаланиш қонуниятлари ҳақидаги фандир ¹. Умумий ҳолда мазкур фан материаллар тузилиши, хоссалари ва улардаги жараёнларни ўрганишга йўналтирилган бўлиб, у материаллар муҳандислиги билан узвий боғлиқдир. Чунки материаллар муҳандислигининг асосини фундаментал ва амалий билимлар белгилайди ҳамда уларга таянган ҳолда иқтисодиёт эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Маълумки, материаллар асосини ер юзидаги элементлар ва бирикмалар

¹ Introduction to Materials Sciences and Engineering. Techbooks/GTS, 2005. - P.22.

ташқил этади¹. 1-жадвалда бу ҳақда маълумотлар берилган. Келажакда уларнинг сафи янги кашф этилган космик элементлар билан бойитилади.

Table 1.1 The most common elements in planet earth's crust and atmosphere by weight percentage and volume

Element	Weight percentage of the earth's crust
Oxygen (O)	46.60
Silicon (Si)	27.72
Aluminum (Al)	8.13
Iron (Fe)	5.00
Calcium (Ca)	3.63
Sodium (Na)	2.83
Potassium (K)	2.70
Magnesium (Mg)	2.09
Total	98.70
Gas	Percent of dry air by volume
Nitrogen (N ₂)	78.08
Oxygen (O ₂)	20.95
Argon (Ar)	0.93
Carbon dioxide (CO ₂)	0.03

1-жадвал. Ер қобиғи ва атмосферада тарқалган элементлар [1]

Элементлар	Ер қобиғидаги массавий фоизи, %
Кислород (O)	46,60
Кремний (Si)	27,72
Алюминий (Al)	8,13
Темир (Fe)	5,00
Кальций (Ca)	3,63
Натрий (Na)	2,83
Калий (K)	2,70
Магний (Mg)	2,09
Жами	98,70
Газлар	Қуруқ ҳаво ҳажмидаги фоизи, %
Азот (N ₂)	78,08
Кислород (O ₂)	20,95
Аргон (Ar)	0,93
Карбонат ангидрид (CO ₂)	0,03
Жами	99,99


Ушбу элементлар ва бирикмалар асосида турли хил материаллар табиий ва синтетик жараёнлар воситасида шакллантирилади. Бу соҳада янгидан янги

¹ Introduction to Materials Sciences and Engineering. Techbooks/GTS, 2005. - P.22.

материаллар яратиш борасида узлуксиз равишда изланишлар олиб борилади. Жумладан, машинасозлик соҳаси учун юқори ҳароратларга чидамли, ўта мустаҳкам материаллар яратиш долзарб бўлса, электротехникада эса шу каби янги материалларни яратилиши юқори ҳароратларда самарали ишлайдиган электроника қурилмалари ва асбоблари ишлаб чиқариш йўналтирилгандир.

Авиасозликда материалларнинг ўта мустаҳкамлиги ва енгиллиги устувордир. Кимёвий технология ва материаллар муҳандислигида устуворлик жиҳат коррозияга чидамли маҳсулотларни яратишга қаратилган бўлади. Турли саноат тармоқлари ақлли материаллар ва қурилмалар ҳамда микроэлектрон тизимлар яратиш ва уларни ноёб хоссаларни аниқлашда сенсорлар ва активаторлар сифатида амалий қўллаш борасида фаолият юритади. Ҳозирда материалшуносликда яна бир долзарб йўналиш сифатида наноматериаллар бўлиб, уларни яратиш ва амалий қўллаш бўйича дунёнинг бир қатор етакчи мамлакатларида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кимёвий ва механик хоссалари билан наноматериаллар бир қатор афзалликларга эга эканлигини, айниқса, тиббиёт ва электроника соҳасида ўзига хос ноёб хусусиятларни намоён қилиши, уларга бўлган талабни янада ошириб юбормоқда.

Замонавий материалларни ишлаб чиқариш материалшунослик ва конструкцион материалларни умумлаштирган соҳасини вужудга келтиради ҳамда уларни таркибий моҳияти қуйидаги чизма орқали тушунтирилади ¹



¹ Introduction to Materials Sciences and Engineering. Techbooks/GTS, 2005. - P.22.

Бунга асосан, материалларнинг фундаментал ва амалий асослари мажмуаси конструкцион материаллар тузилиши, хоссаси, қайта ишлаш ва ишлаб чиқарувчанлик ҳақидаги маълумотлар базасини вужудга келтиради. Улар асосида тузилган ушбу диаграммада материаллар фанлари ва техниканинг қандай қилиб фундаментал фанлардан муҳандислик фанларига томон билимлар кўпригини шакллантириши намоён этилган¹.




Диаграмма учта ҳалқа ва улар орасида фанлар йўналиниш тартиби ифодаловчи ёйсимон стрелкалардан иборатдир. Марказий ҳалқада фундаментал фанлар, ўрта ҳалқада материалшунослик ва сиртки ҳалқада муҳандислик ифодаланган.

Материалшунослик ва муҳандисликка бевосита боғлиқ бўлган фанлар пушти рангдаги сектор кўринишида келтирилган. Бу сектор мазмунан билимлар кўприги деб эътироф этилган. Материалшунослик ва муҳандисликка энг яқин соҳалар бу металллар, керамика ва полимерлардир. Бунга бугунги кунда жадал ривожланиб келаётган наноматериаллар киради.

Материаллар турлари. Замонавий материаллар ўзларнинг моҳиятига қараб учта асосий яъни фундаментал синфларга ажратилади: *металл материаллар; полимер материаллар; керамик материаллар*. Уларнинг муҳим жиҳатлари механик, электрик ва физик хоссаларидир. Ушбу асосий уч синф муҳандисликда муҳим бўлган яна иккита амалий синфлар бўлинади: *композит материаллар ва электроник материаллар*. Замонавий материаллар

¹ Introduction to Materials Sciences and Engineering. Techbooks/GTS, 2005. - P.22.

синфига яна иккита гуруҳга оид материаллар, яъни “ақлли” материаллар ва наноматериаллар киради. Таъкидланган материаллар ҳақида тўхталамиз.

2. Металл ва керамик материаллар ҳамда уларнинг физик тавсифлари

а) Металл материаллар. Ушбу материаллар ноорганик моддалар бўлиб, улар бир ёки бир нечта металл элементлар тузилган бўлади ва улар таркибига нометалл бирикмалар ҳам кириши мумкин. Металл материаллар таркибини ташкил этувчи асосий элементлар темир, мис, алюминий, никель, титан ва шу қабила ҳисобланади. Нометалл элементлардан углерод, азот, кислород ва қабила металл материаллар таркибида учрайди.

Одатда, металллар кристалл тузилишда бўлиб, уларнинг атомлари тартибли жойлашган бўлади. Шу боис металллар энг асосий ва энг яхши иссиқлик ва электр ўтказувчан материаллар ҳисобланади. Металллар ва улар асосидаги шакллантириладиган қотишмалар одатда икки синфга бўлинади: - биринчи гуруҳ *темерли металллар* ва улар асосидаги *қотишмалар* бўлиб, таркибида темирнинг катта фоизи, жумладан, пўлат ёки чўён мавжуд бўлади: - иккинчи гуруҳ, *рангли металллар* ва улар асосидаги *қотишмалар* бўлиб, улар таркибида темир деярли бўлмайди. Рангли металлларга алюминий, мис, рух, титан, никель қабила киради¹.

Қотишмаларни тайёрлашда кимёвий ёндашиш ва турли композитлар шаклланиши ўта долзарбдир. Компонентларни тўғри танланиши супер қотишмалар тайёрлашга имкон беради. Масалан, никель асосли, темир-никель-кобалт асосли супер қотишмалар юқори босимларда ишлайдиган аэроавтик турбо двигателларида қўлланилади (1-расм). Металл қотишмалар



асосида материаллар ишлаб чиқаришда металлларнинг кимёвий табиати ва композицион структуралар ташкил этиш қобилияти инобатга олинган ҳолда, улардан махсус кукунлар тайёрланиб ҳом-ашёлар сифатида қўлланилади.

1-расм. Металл қотишмадан ясалган турбо двигатель сурати

¹ Introduction to Materials Sciences and Engineering. Techbooks/GTS, 2005. - P.22.

Бундай ёндашиш кам энергия сарфлаган ва вақтдан ютган ҳолда махсус ва ноёб тузилиш ва хоссали материаллар ва улар асосидаги маҳсулотлар яратиш имкониятларини беради.

б) *Керамик материаллар.* Ушбу гуруҳ материаллари ноорганик материаллар тоифасига киради ҳамда уларнинг таркибида металл ва нометалл элементлар ўзаро кимёвий бириккан ҳолда шаклланган бўлади. Керамик материаллар кристалл, аморф ёки уларнинг аралашмалари асосида шаклланади. Кўпчилик керамик материаллар юқори мустаҳкамликка эга, юқори иссиқлик таъсирига чидамли, аммо синувчанлик тенденциясига эга бўлади^{1,2}. Керамик материалларнинг афзаллиги, уларнинг енгиллиги, юқори мустаҳкамлик ва қаттиқликка эга бўлиши, яхши иссиқликка чидамли ва емирилишга бардошлиги намоён бўлади (3 ва 4-расм).



3-расм. Керамик материаллар асосидаги жиҳозлар [1].



4-расм. Титан ва карбонитрид асосдаги керамикадан ишлаб чиқарилган юқори самарали шарикли подшипник .


¹ Introduction to Materials Sciences and Engineering. Techbooks/GTS, 2005. - P.22.

² William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.

Керамик материалларнинг қўлланиши, ҳақиқатан, чекламаган бўлиб, улар аэро-космонавтикадан тортиб то оддий метал материалларгача, тиббий-биологик дан автомобилсозликкача, бир қатор махсус ва ноёб индустрия соҳаларида ўз ўрнини топган^{1 2}. Керамик шиша материалларда иккита камчилик кузатилади: - биринчидан улар қайта анча мураккаб, иккинчидан мўрт ва металлларга нисбатан ишқаланишдаги емирилиши анча кичикдир. Умуман олганда, керамик материаллар ҳам ишлаб чиқаришда ўзининг салмоқли ўрни билан эътироф этилади.

3. Полимер ва композит материаллар ҳамда уларнинг физикаси тавсифлари

а) Полимер материаллар. Кўпчилик полимерлар чизикли ёки тўрсимон молекуляр тузилишга эга бўлиб, одатда органик (углерод тутган) бирикмалар асосида синтез қилинган бўлади. Устмолекуляр тузилиши бўйича полимер материаллар аморф-кристалл ҳолатда бўлади ва кристалл қисмлари аморф занжирлар билан бириккади. Полимер материалларнинг мустаҳкамлиги ва эластиклиги кенг масштабда ўзгаради. Кўпчилик полимер материалларнинг электр ўтказувчанлиги жуда кичикдир ёки умуман электр токини ўтказмайди ҳамда диэлектрик хоссасини намоён қилади. Шу боис бир қатор полимерлар электр изоляторлар сифатида кенг қўлланади^{1,2}. Аммо, полимерга хос физик табиат, улардан рақамли видео дисклар ишлаб чиқариш имкониятини беради (2-расм).



2-расм. Поликарбон пластик видео дисклар [1].

¹ Introduction to Materials Sciences and Engineering. Techbooks/GTS, 2005. - P.22.


² William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.

Ҳозирда полимер материалларнинг қўлланиши металлардан кам эмас ва унинг захираси метал ресурсларига қараганда анча каттадир. Полимерлар кимё, физика, биология ва технологиялар соҳасларида кенг қўлланилмоқда. Айниқса, полимерларга хос эластомерлик ўта ноёб хоссалардандир. Полимер аралашмалар асосида машинасозлик, спорт анжомлари, турли туман маиший ва техника учун жиҳозлар тайёрланади. Полимерлар толалар кийим кечак ва турли техник материаллар яратишда кенг қўлланилади. Полимерлардан буюмлар ва жиҳозлар ишлаб чиқариш, уларнинг эритмалари ёки суюлтмалари асосида амалга оширилади. Полимерлар массасини энгиллиги ва металларга нисбатан паст ҳароратларда (100 – 250 °С) суюқланиши уларни қайта ишлаш технологиялари учун катта афзаллик беради.

б) Композит материаллар. Композитлар икки ёки ундан ортиқ таркиб материаллари (фазавий ёки уч томонлама) қўшилиб шаклланган, улардан бири асос (матрица) бўлган янги материалдир. Ҳосил қилинган композит одатда таркибини ташкил этган компонентлар хоссаларидан ўзгача яхшироқ ва мукамалроқ хоссаларга эга бўлади. Кўпчилик композит материаллар танланган тўлдирувчи ёки армирловчи материаллар асосида қўшилувчан смола боғламловчи восита махсус хоссали ёки хоҳланган тавсифли материаллар олиш имконини беради. Композитлар кўп турларда бўлинади. Энг катта миқдорларда ишлаб чиқариладиган композитлар турига толали ёки заррачалар тўлдирувчи сифатида матрица ҳажмида бўлган материаллар киради. Бундай матрицалар сифатида металлардан алюминий, керамикадан алюминий оксиди, полимерлардан эпоксид смола кенг қўлланилади. Шу боис композитлар турлари қўлланилган матрицага нисбатан *металл матрицали композит (ММК)*, *керамик матрицали композит (КМК)*, *полимер матрицали композит (ПМК)* деб юритилади ^{1,2}. Толали ёки заррачали тўлдирувчилар ҳам асосий уч синфдан ихтиёрий биридан танланиши мумкин. Бу синфларни углерод, шиша, арамид, карбид силикони ва бошқа шу каби материаллар ташкил этади. 4-расмда углерод тола – эпоксид смола асосидаги композит материалларнинг СУ-17 транспорт самолётининг қайси қисмларида қўллан^{1,2}илганлиги рангли тасвирланган. Ушбу қаноилари узунлиги 165 фут бўлган СУ-17 самолётга 15000 фунт замонавий композит материаллар қўлланилган.

¹ Introduction to Materials Sciences and Engineering. Techbooks/GTS, 2005. - P.22.

² William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.



4-расм. СУ-17 транспорт самолёти.

Композицион материаллар бир қатор соҳаларда, айниқса, аэро-космонавтика, автомобилсозлик, турмуш эҳтиёжида, спорт жиҳозлари ишлаб чиқаришда кўплаб металл компонентлар алмаштирмоқда.

Замонавий композит материалларнинг муҳандислик амалиётида кенг қўлланадиган икки улуғвор тури деб шишатолали-армировчи материал тўлдирувчи ва полистирол ёки эпоскид смола матрица сифатида ишлатилган композит ва шунингдек, углерод толалар тўлдирувчи сифатида эпоскид смоллага қўшилган композитлар эътироф этилади.

Умуман олганда, композит материаллар замонавий материалшунослик ва ишлаб чиқаришларда асосий соҳа ва йўналишлардан ҳисобланади. Уларга бўлган эҳтиёжлар ниҳоятда юқори бўлиб, унда замонавий материалшунослик физикаси бирламчи восита ва асосий фан сифатида қўлланилади.

4. Ақлли ва электроник материаллар ва уларнинг қўлланиши

а) Электроник материаллар. Ушбу тур материаллари салмоғи ҳажмдор материаллар ишлаб чиқаришда асосийлардан бўлмаса, аммо улар замонавий муҳандислик технологиялари ўта муҳим материаллар тури ҳисобланади ^{1,2}.

¹ Introduction to Materials Sciences and Engineering. Techbooks/GTS, 2005. - P.22.

² William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.

Электроник материаллар яратишда энг муҳим элементлар бири тоза кремний бўлиб, унинг турли хил модификацион ўзгаришлар электрофизик ва технологик тавсифлари ўзгартириш ҳамда ундан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин [1]. Масалан, унинг асосида ҳозирда ниҳоятда кенг қўлланилаётган кичик ҳажмли микросхемалар ишлаб чиқарилмоқда (5-расм).



5-расм. Замонавий микропроцессор чипида электроник материаллар

6-расм. Робототехникада электроник материаллар қўлланиши

Бундай материал ва маҳсулотлар жуда кенг соҳаларда, жумладан, сунъий йўлдошлар, замонавий компьютер техникаси, ҳисоблаш машиналари, рақамли индикаторлар ва соатлар, робототехника каби тармоқларни асосий элементлари ва таянч деталлари ёки жиҳозлари ҳисобланади (6-расм). Кремний асосли яримўтказгичлар ҳозирда умумий электротехника ва электроника, шунингдек, замонавий наноэлектроникада асосий электроник материал сифатида қўлланилмоқда. Айниқса, куёш элементлари яратишда у асосий элемент ва ресурс ҳисобланади.


б) Ақлли материаллар. Айрим материаллар кўп йиллар мобайнида амалий қўлланиб келинади ва улар ташқи муҳит (ҳарорат, механик кучланиш, ёруғлик, намлик, электр ва магнит майдонлар) таъсирида ўзининг муҳим (механик, электрик ва бошқа) хоссаларини, тузилиши ва функциясини ўзгартириш қобилиятига эга бўлади. Бундай материаллар умумий ҳолда “*ақлли*” материаллар деб юритилади^{1,2}. Ақлли материаллар ёки тизимлар, кўп ҳолларда сенсорлар ёки активаторлар сифатида қўлланилади. Сенсорлар

¹ Introduction to Materials Sciences and Engineering. Techbooks/GTS, 2005. - P.22.

² William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.

мухитнинг ўзгаришини сезувчи воситалар бўлса, активаторлар эса ўзига хос функционал хоссани ёки уни намоён қилишни амалга ошириш учун хизмат қилади. Масалан, айрим ақлли материаллар ҳарорат, ёруғлик, электр майдон таъсирлари ўзгарганда рангини ўзгартиради ёки бошқа ранг ҳосил қилади.

Бир қатор технологик муҳим бўлган ақлли материаллар активатор функциясида *шаклини хотирасида сақловчи қотишма* ёки *пъезоэлектрик* керамик жиҳозлар сифатида қўлланилади. Айниқса, биотиббиёт соҳасида шаклини хотирасида сақловчи қотишмалардан деворлари бўшашиб қолган артерияларни мустаҳкамлиги оширувчи девор сифатида ёки торайиб қолган артерияларни кенгайтирувчи восита сифатида фойдаланилади (7-расм)..



а

б

7-расм. Шаклини хотирасида сақловчи қотишманинг торайган артерияни кенгайтирувчи (а) ва артериянинг деворларини мустаҳкамлиги оширувчи (б) сифатида қўлланиши.

Бунда никель-титан ёки мис-рух-алюминий асосидаги қотишмалар қўлланилади ва зангламайдиган симлар ёрдамида артерияга киритилади ^{1,2}. Пъезоэлектрик материаллардан ясалган акваторлар механик кучларнинг таъсири остида электр майдонини ҳосил қилади. Аксинча, электр майдони ўзгариши айрим материалларда механик ҳодисалар ёки ўзгаришларни вужудга келишига сабаб бўлади. Булар электр ва механик кучлар асосида тебранувчан материалларни яратишга имкон беради. Бундай принциплар асосида микроэлектромеханик тизимлар (МЭМ) ёки микромашиналар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд



5. Наноматериаллар ва уларнинг ўзига хос ноёб хоссалари.

¹ Introduction to Materials Sciences and Engineering. Techbooks/GTS, 2005. - P.22.

² William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.

Наноматериаллар. Замоनावий материалларнинг ушбу тури асосан ўлчами, яъни масшабини (заррачалар диаметри, қирралари ўлчами, қатлам қалинлиги) 100 нм ($1 \text{ нм} = 10^{-9} \text{ м}$) дан кичиклиги ва физик, физик-кимёвий хоссаларни юқори савия, самара ва кўрсаткичларда намоён қилиши билан анъанавий материаллардан кескин фарқ қилади. Наноматериаллар шартли равишда бўлинган бир қатор турлари мавжуд бўлиб, уларнинг асосий вакиллари нанометалл, нанополимер, нанокерамик, наноэлектроник ва нанокомпозит деб юритилади. Бу борада ўлчами 100 нм дан кичик бўлган керамик кукунлар, металл заррачалар, полимер пленкалар, электроник ўтказгичлар ўзининг наноматериаллар ёки наноструктурали материаллар сифатидаги табиатини намоён қилган.

Наноматериаллар шаклланиш принциплари ва улар асосида олинадиган турли шаклли маҳсулотлар 8-9- расмда ифодаланган ^{2,3}.



8-расм. Наноматериаллар шакллантириш

9-расм. Нанозаррачалар

6. Материалшунослик физикасининг асосий йўналишлари

Материалшунослик физикасини тадқиқот объектларининг табиатини инобатга олган ҳолда шартли тарзда қуйидаги йўналишга ажратиш мумкин.

^{2,3} William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.

³ Dieter Vollath Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners. – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co.KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.



Замонавий материаллар ишлаб чиқаришнинг физикага боғлиқ қуйидаги ривожлашинида қуйидаги анбана кузатилмоқда:

- металл (пўлат) ва қотишма материаллар улуши камаймоқда, полимерлар, композитлар, керамик ва биоматериаллар улуши ошмоқда.
- космановтика, самолётсозлик, автомобилсозлик, тиббиёт, тўқимачилик ва енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, компьютер технологиялари ва ҳ.к. устуворликка эга бўлмоқда. Уларнинг моҳияти қуйидагичадир:

Космик материалунослик - космик фазода қўллаш учун яроқли материалларнинг яратиш ва тадқиқот қилиш.

Нанотехнология - ўлчами нанометрли тартибда бўлган материаллар ва конструкцияларни яратиш ва тадқиқот қилиш.

Кристаллография - кристаллар физикасини ўрганиш, кристаллар дефектларини аниқлаш ва ҳ.к.

Металлургия (металишунослик) - металлларнинг хоссаларини ўрганиш.

Керамика - золяция, электроника, яримўтказгичлар учун керамик материаллар яратиш ва тадқиқот қилиш, шунингдек, композицион керамик материаллар ишлаб чиқиш ва уларнинг физик хоссаларини ўрганиш^{2,3,4}.

Биоматериаллар - инсон танасига имплатат сифатида қўлласа бўладиган

^{2,3} William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.

³ Dieter Vollath Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners. – Wiley-VCH Verlag GbH & Co.KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

материалларни тадқиқот қилиш.

Полимер ва композицион материаллар - абийй ва синтетик полимер асосидаги махсус хоссали материаллар, полимерлар асосида композитларни яратиш ва тадқиқот қилиш.

Полимер композитлар қуйидаги асосий гуруҳларга бўлинади:

- қатламли пластиклар ёки текстолитлар. Биринчи тўлдирувчи толасимон материал қўлланади;
- қуйма ёки прессланган композитлар. Композит қирқилган толалар, хом иплар, пишиқ иплар билан тўлдирилади;
- ориентирланган армирланган пластиклар. Бунда шиша ёки синтетик толалар, иплар, жгутлар бир бирига параллел этиб жойлаштирилади ҳамда улар устига боғламчи қуйилади;
- шишапластиклар. Композит шиша толалар ёки каноп толалар (газмоллар) асосида паст ҳароратларда пресслаш орқали шакллантирилади.

Материалшунослик асосини белгиловчи ва унинг ривожланишида таянч бўладиган фанлар бўлимлари қуйидаги кетма-кетликда таъкидланган:

МАТЕРИАЛШУНОСЛИК ТАЯНАДИГАН ФАНЛАР БЎЛИМЛАРИ

- **Термодинамика** — материаллар барқарорлиги, фазаларини ўзгариши ва фазавий диаграммалари тузиш каби бирламчи вазифалар ўрганилади.
- **Термик таҳлил (термогравитометрия)** — материаллар хоссаларини ҳарорат таъсири остида ўзгаришини, турли газлар таъсирида ҳам ўзгариши ўрганилади.
- **Кинетика** — модаларнинг фазавий ҳолатини ўзгариши, структурасини термик парчаланиши и диффузиясини ўрганилади.
- **Қаттиқ жисмлар кимёси** — қаттиқ фазада кузатиладиган кимёвий жараёнлар ўрганилади..
- **Қаттиқ жисм физикаси** — қаттиқ материалларда, масалан, яримўтказгичлар ва ўтаўтказувчан материалларда квант эффе́ктларини ўрганилади.
- **Полимерлар физикаси** — макромолекулалар асосидаги материалларнинг структураси ва физик хоссалари ўрганилади.
- **Композитлар физикаси** — матрица ва тўлдирувчи асосида шаклланган материаллар тузилиши ва физик хоссалари ўрганилади.
- **Наноматериаллар физикаси, кимёси ва технологияси** — наноўлчамли материалларнинг олиниши, тузилиши ва хоссалари физика, кимё ва технологияларнинг алоҳида бўлими сифатида ўрганилади.

Замонавий материалшуносликнинг бирламчи вазифалари қуйидагичадир:

“Мустаҳкамликнинг физик асослари”

“Нурланишнинг материал ёки модда билан ўзаро таъсирланиши”

“Қаттиқ жисмлар радиацион физикаси”

“Материалшуносликда моделлаштириш”

“Материалларни компьютерли лойиҳалашнинг физик асослари”

Материал хоссаси - бу материалнинг ташқи факторлар таъсирига маълум даражада ёки шаклда сезгирлик намоён қилиш қобилиятидир. Одатда бу хоссалар 4 гуруҳга бўлинади:

- *механик*;
- *физик*;
- *кимёвий*;
- *технологик*.

Материалшуносликда алоҳида яна бир хосса эътироф этилади, бу - физик-кимёвий хоссалардир.

Механик хоссалар материалларни ташқи кучлар (механик, деформацион), иссиқлик ва бошқа таъсирларига мавжуд структурасини парчаламасдан қаршилик кўрсата олиш қобилиятини ифодалайди.

Механик хоссалар - пластик ва мустаҳкамлик хоссаларга ажратилади.

Пластик хосса - материалнинг массаси ўзгармаган ҳолда шакли ва ўлчамининг ўзгаришини ифодаловчи деформацияланиш қобилиятини тавсифлайди.

Деформациянинг асосий турлари – чўзиш, сиқиш, силжиш, буралиш ва қайрилишдир. Улар қайтар ва қайтмас ҳамда қолдиқ деформациялар бўлиши мумкин. Қайтар деформация ташқи таъсир олиб ташланганса тўлиқлигича бартараф бўлади.

Эгилувчан деформация - бу қайтар деформация бўлиб, ташқи таъсир олиб танланса дарҳол тўлиқлигича бартараф бўлади, эластик деформация эса бартараф бўлиши учун маълум вақт талаб этади.

Пластик деформация - бу қайтмас деформация бўлиб, ташқи таъсирлар туфайли вужудга келади ва таъсирлар олиб ташланса ҳам сақланиб қолади^{2,3,4}

Мустаҳкамлик хоссаси - бу материалнинг маълум шароит ва

^{2,3,4} William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction*. John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.

3. Dieter Vollath *Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners*. – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

4. Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS*, 2012, - P.169


чегараларда механик, иссиқлик ва бошқа таъсирлар натижасида вужудга келадиган ички кучланиш ва деформациясига парчаланмасдан қаршилик кўрсатиш қобилиятини ифодалайди.

Механик хоссалар стандартлар талабларига мувофиқ механик синовлар ўтказиш орқали аниқланади.

Механик синовлар:

- статик; - динамик; - судралувчанлик; - чарчовлик; - емирилувчанлик.

Пластик деформация ташқи таъсирлар остида ўзоқ вақт мобайнида секин ошиб борадиган ва қолдиқ деформациясини вужудга келтирмайдиган бўлса, у судралувчанлик дейилади.



Материалшунослик моделлаштириши куйидагича бўлади (10-расм).

10-расм. Материалшуносликда моделлаштириш асословчи чизма

Материалшунослик объектга нисбатан шартли равишда учта асосий тармоққа йўналтирилади, яъни: “Модель”, “Программа”, “Алгоритм”. Унда алгоритмда моделга тўғридан тўғри йўналтирилган тарзда ёки программа орқали йўналтирилган ҳолатда иш юритилади. Бу мантиқий боғланиш материаллар моделлаштириш самарали ҳисобланади.

Умуман олганда материалларнинг *структура (structure)* ва *хоссалари (properties)* иккита ўта муҳим жиҳатга, яъни материалшунослик ва муҳандисликка таянган ҳолда *қайта ишлаш (processing)* ва *қўлланиш (performance)* га боғлиқ бўлади^{2,4} ва куйидагича эътироф этилади (11-расм):




11-расм. Материалшунослик ва муҳандисликнинг тўрт ташкилий асослари ва уларнинг ўзаро кетма-кетлиги.


^{2,4} William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction.* John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.

4. Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS,* 2012, - P.169

Кейинги гистограммаларда ²турли металллар, керамикалар, полимерлар ва композитларнинг хона ҳароратида зичлиги, каттиқлиги, мустаҳкамлиги, ёрилишга барқарорлиги ва электр ўтказувчанлиги қиёсий таққосланган (12-17 –расм).




12-расм. Турли материалларнинг хона ҳароратида зичлигини кўрсаткичлари




13-расм. Турли материалларнинг хона ҳароратида каттиқлигини кўрсаткичлари


²² Dieter William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.



14-расм. Турли материалларнинг хона ҳароратида мустаҳкамлигини кўрсатгичлари



15-расм. Турли материалларнинг хона ҳароратида ёрилишга барқарорлигини кўрсатгичлари



16-расм. Турли материалларнинг хона ҳароратида ёрилишга барқарорлигини кўрсатгичлари

Материалшуносликка илмий ёндашиш ва муҳандислик физикасининг имкониятларидан кенг фойдаланиш бир ҳил маҳсулотларни турли ҳил материаллардан ишлаб чиқариш мумкин. Бу 17-20- расмларда акс этган.



17-расм. Металл жиҳозлар



18-расм. Керамик жиҳозлар



19-расм. Полимер жиҳозлар



20-расм. Электроник материаллар

Шунингдек, аксинча бир материалдан бошқа турдаги материаллар асосида ясаладиган маҳсулотлар ишлаб чиқиш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, бундай материалларни яратиш замонавий материалшунослик физикаси асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Назорат саволлар:

1. Материалшунослик нима ҳақидаги фан?
3. Материалшунослик предмети нима?
4. Наноматериалшунослик нима?
5. Замонавий материалшунослик нималарни ўз ичига олади?
6. Металл ва керамик материаллар таркибига нималардан иборот?
7. Металл нанозаррачаларни барқарорлаштиришда нима учун керак?
8. Қандай материаллар “ақлли” материаллар деб юритилади?
9. Композитлар деганда нимани тушинасиз ва улар нима учун шаклантирилади?
10. Полимер материаллар бошқа материалларда қандай жиҳатлари билан фарқланади?
11. Электроник матерималлар қандай принципал жиҳатлар эга бўлиши керак бўлади?
12. Керамик материаллар асосини нималар ташкил этади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Introduction to Materials Sciences and Engineering. Techbooks/GTS, 2005. - P.22.
2. William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.
3. Dieter Vollath Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners. – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co.KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.
4. Mustafa Akay. Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.
5. www.nanometer.ru/
6. www.mitht.ru/e-library
7. www.crism-prometey.ru
8. www.nanowerk.com/nanotechnology/labs/Tech_ Uni_ Berlin

2-мавзу: Металлар, қуйи ва юқори молекуляр бирикмалар, улар асосидаги замонавий материаллар физикаси, илмий ва амалий ҳамда истиқболлари.

Режа

1. Металлар, қуйи ва юқори молекуляр бирикмалар асосидаги материаллар турлари ва таснифлари.
2. Материалларнинг аморф-кристалл ҳолатлари, фазавий диаграммалари, механик, термик, оптик, электрофизик, физик-кимёвий ва биофизик хоссалари.
3. Замонавий материаллар яратишда таркибни танлаш ва қўлланиши имкониятлари.
4. Материалшуносликда физик омиллар ва технологиялар ҳамда комплекс илмий тадқиқотлар ва уларнинг истиқболлари.

Таянч иборалар: *металлар, нометаллар, қуйи молекуляр бирикмалар, юқори молекуляр бирикмалар, кристалл ва аморф ҳолатлар, фазавий диаграммалар, материалларда физик жараёнлар.*

- 2.1. Металлар, қуйи ва юқори молекуляр бирикмалар асосидаги материаллар турлари ва таснифлари.

Материаллар анъанавий тарзда асосий учта йирик гуруҳга, яъни металллар, керамикалар ва полимерларга бўлинади ¹.

Металл материаллар металл хом-ашёлардар, жумладан, титан, темир, мис, никель, алюминий каби ёки уларнинг бир қатор қотишмалар, бронзалар асосида шаклланади.

Керамик материаллар порсилан, силикон (кремний), карбит, шиша ва синтетик бирикмалар, жумладан, цирконий кабилар асосида шаклланади.

Полимерлар умуман олганда углерод, водород, кислород ва шу сингари табиатда кенг тарқалган бир қатор элементлар асосида синтез қилинган макромолекула бўлиб, улар асосида турли хил материаллар олинади. Масалан, полиэтилен, полипрополен, поливинилхлорид, полиэтиленоксид,

¹ Dieter William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.

полиэтилентерефталат, полиамид каби кўплаб синтетик ва целлюлоза, пектин, фиброин, кератин, коллаген, ДНК и РНК каби табиий полимерлар замонавий материалларни ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

Буларга қўшимча, яна иккита гуруҳ бўлиб, улар композитлар ва биоматериаллар деб юритилади. Композитлар ўта муҳим материаллардан бўлиб, улар таркибига турли тўлдирувчилар киритилиши ҳисобига турли туман хоссали материаллар олиш имконини беради. Бундай материалларнинг айримлари таркибидаги компонентларни танланишига асосланиб ва ноёб хоссаларни намоён қилишига қараб баъзида супер муҳандислик материаллари ҳам деб юритилади. Масалан, шиша толалар шундай керимик материалдир.

Биоматериаллар – табиий хоссаларни ўзида сақланган материаллар бўлиб, улар аҳамий аҳамияти ва қўлланиши бўйича ўта муҳим ҳисобланади. Улар гуруҳига, ёғоч, пахта, ипак, жун каби табиий шароитда синтез бўлган улкан макромолекуляр бирикмалар киради. Табиий полимерлардан сунъий полимер материаллар олиш имконияти, улардан ноёб ёки махсус хоссали материаллар яратиш имкониятини беради ².

Авалом бор, металл, керамик ва полимер бирикмалар учун муҳим бўлган бир қатор жиҳатлар бор. Улар икки асосий фактор орқали ифодаланади: - кимёвий боғлар ҳосил қилиб бирикиш; - қаттиқ фазада оддий микроструктуравий бирикма ҳосил қилиш.

Кейингиси анча мураккаб тавсифли бўлиб, ҳар бир компопонентнинг қай даражада материалда жойлашганлигига боғлиқ тарзда материалнинг хоссаси намоён бўлади. Кўпчилик керамик материаллар таркибида метал тутиш имкониятига эга бўлади, масалан, керамик ўта ўтказувчан материаллар шундай таркибга эга.

Бир қатор полимерлар металллардан юқори даражада кўпроқ электрон ўтказувчанликни намоён қилади ҳамда улар ёрутиш батериялари ва электрон асбоблар ва қурилмалар ясашда қўлланилади.

Металлар. Умуман олганда металллар элементлар даврий системанинг катта қисмини ташкил этади. Бу қуйидаги 1-жадвалда кўрсатилган. Металлнинг ташқи электрон конфигурациясини ўзгартириш орқали, яъни турли туман конфигурациясидан бирини ўзгартириш билан металл

² Dieter William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.

структураси шаклини ва даврий системада эътироф этилган хоссасини ўзгартиш мумкин¹.

Натижада металл элемент уч структурадан бирини эгаллайди. Ушбу фактнинг намоён бўлиши ташқи металл электронларнинг кристалл структураси бўйича кўзгатилиши ва ядрога қолдиқ бўлиб қолиши, умуман олганда, тахминан қонинарли амалга ошади.

Қотишмалар, яъни икки ва ундан ортиқ элементлар асосида шаклланган материал бўлиб, структуранинг турли хиллиги эришишига имкон беради. Қотишманинг икки асосий жиҳатларини таъкидлаб ўтиш жоиздир².

1-жадвал. Металлларнинг даврий системадаги жойлашиш тартиби

Li A2 0.3509	Be A3 α 0.2286 с 0.3585											B	C
Na A2 0.4291	Mg A3 α 0.3209 с 0.5211											Al A1 0.4050	Si
K A2 0.5321	Ca A1 0.5588	Sc A3 α 0.3309 с 0.5268	Ti A3 α 0.2951 с 0.5686	V A2 0.3024	Cr A2 0.3885	Mn	Fe A2 0.2867	Co	Ni A1 0.3524	Cu A1 0.3615	Zn A3 α 0.2665 с 0.4947	Ga	Ge
Rb A2 0.5705	Sr A1 0.6084	Y A3 α 0.3648 с 0.5732	Zr A3 α 0.3232 с 0.5148	Nb A2 0.3300	Mo A2 0.3147	Tc A3 α 0.2738 с 0.4393	Ru A3 α 0.2706 с 0.4282	Rh A1 0.3803	Pd A1 0.3890	Ag A1 0.4086	Cd A3 α 0.2979 с 0.5620	In 0.1663	Sn
Cs A2 0.6141	Ba A2 0.5023	La	Hf A3 α 0.3195 с 0.5051	Ta A2 0.3303	W A2 0.3165	Re A3 α 0.2761 с 0.4458	Os A3 α 0.2734 с 0.4392	Ir A1 0.3839	Pt A1 0.3924	Au A1 0.4078	Hg	Tl A3 α 0.3457 с 0.5525	Pb A1 0.4950

Тўлдирилган қотишмалар структураси кўп ҳолларда оддий металлникига ўхшаш бўлади, аммо бир нечта металл атомлари фаол ёки тавсифли атомлар жойлашиши бўйича тақсимланган бўлади. Агар қотишмага бир типдаги атом

¹ . William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction.* John Wiley & Sons. Ins. 2007. – P. 975.

2. Richard J. D. Tilley *Understanding solids : the science of materials.* -John Wiley & Sons Ltd, 2004. –P. 193.

киритилса, металл атомлари орасига жойлашади. Улар биргаликда физик хоссаларни намоён қилади. Аммо металллар орасига диффузион тарзда кирган атомлар ва металл (она) ўртасида ўзаро таъсирлашиш амалга ошиши муҳимдир. Одатда, бундай ҳолларда металл боғлар ҳосил бўлади, аммо, водород боғлар ва ион боғларни шаклланиши тақиқланмаган. Бундай материаллар бир жиҳатдан композитларга ўхшаш бўлади.

Таркиби соф металллар кристалл структуралардан учтасидан бирини бирини эгаллайли: А1 – мис структураси (кубик); А2 – вольфрам структураси (ҳажмий марказлашган кубик); А3 – магний структураси (гексагональ). Ҳозирда бундай структураларнинг кўпчилигини турлари аниқланган, уларнинг айрими 2-жадвалда тавсифларига биноан келтирилган.

2-жадвал, Металларнинг турли хил кристалл структуралари ¹

Li A2 0.3509	Be A3 a 0.2286 c 0.3585											B	C
Na A2 0.4291	Mg A3 a 0.3209 c 0.5211											Al A1 0.4050	Si
K A2 0.5321	Ca A1 0.5588	Sc A3 a 0.3309 c 0.5268	Ti A3 a 0.2951 c 0.5686	V A2 0.3024	Cr A2 0.3885	Mn	Fe A2 0.2867	Co	Ni A1 0.3524	Cu A1 0.3615	Zn A3 a 0.2665 c 0.4947	Ga	Ge
Rb A2 0.5705	Sr A1 0.6084	Y A3 a 0.3648 c 0.5732	Zr A3 a 0.3232 c 0.5148	Nb A2 0.3300	Mo A2 0.3147	Tc A3 a 0.2738 c 0.4393	Ru A3 a 0.2706 c 0.4282	Rh A1 0.3803	Pd A1 0.3890	Ag A1 0.4086	Cd A3 a 0.2979 c 0.5620	In 0.1663	Sn
Cs A2 0.6141	Ba A2 0.5023	La	Hf A3 a 0.3195 c 0.5051	Ta A2 0.3303	W A2 0.3165	Re A3 a 0.2761 c 0.4458	Os A3 a 0.2734 c 0.4392	Ir A1 0.3839	Pt A1 0.3924	Au A1 0.4078	Hg	Tl A3 a 0.3457 c 0.5525	Pb A1 0.4950

Металларнинг структуралари турли шаклларда бўлиши “аллотропия” дейилади. Уларда ҳароратнинг ошиши билан кузатиладиган айрим ўзгаришлар 3-жадвалда тавсифланган.

¹ William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction.* John Wiley & Sons. Ins. 2007. – P. 975.

3-жадвал. Металларнинг аллотропик структуралари

Element	Room-temperature structure	High-temperature structure	Transition temperature/ °C
Ca	A1	A2	445
Sr	A1	A2	527
Sc	A3	A2	1337
Ti	A3	A2	883
Zr	A3	A2	868
Hf	A3	A2	1742
Y	A3	A2	1481
Fe	A2	A1	912
Co	(A3)	A1	435

Айниқса, кўпчилик гексагональ (АВАВ) ёки кубик (АВСАВС) структуралардан шаклланган материаллар ўта зич жойлашган структуралар эга ҳисобланади. Улар бири кобальт металли бўлиб, у ўзининг юқори зичликка эга бўлиши намоён этади. Ҳарорат 435 оС пастга кескин тушса, кобальт структураси кристалл ячейканинг А, В, С сиртлари бўйлаб атомлари тартибсиз жойлашади. Бундай структуравий шаклланиш А3 структурага пастроқ ҳароратларда изчил “ киздириб юмшатиш”, яъни “отжиг” орқали ўтказилиши мумкин. Бунда материалнинг физик хоссаси А1 ва А2 структураларникига қараганда анча юқорироқ бўлишига эришилади. Аксинча, А3 структурадан А1 структурага ҳароратни ошириш орқали ҳам ўтиш мумкин бўлади¹.

Қотишманинг қаттиқ эритмаси. Қотишмалар муҳим хоссаларидан бири, уларнинг компонентларига, яъни соф металлларига нисбатан юқори тавсифлар ва хоссаларга эга бўлишидир. Кўпчилик қотишмалар ноодатий ва мураккаб структураларга эга бўлади ва улардан иккита турини таъкидлаб ўтиш жоиздир.


Биринчиси, қотишмага металл тўлдирувчи бўлиб киритилган ҳолат ва иккинчиси металл структурани ташкил этган элементлар орасига киритилган ҳолат. Биринчи ҳолатда киритилган металл қотишмадаги бошқа бир

¹ William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction.* John Wiley & Sons. Ins. 2007. – P. 975.

металлга ўхшаш жойлашади ва хоссани намоён қилади.

Иккинчи, ҳолатда эса ўта кичик металл атомлари кристалл структурадаги атомлар орасидаги бўшлиқларга сингиб жойлашади ҳамда мураккаб хоссаларни намоён бўлишига сабаб бўлади. Ушбу икки хил структурада ташқи атомлар худди тўлдирувчилар сингари металл структурасига киритилган бўлиб, металл структура матрица сингари улар тутиб туради. Шу боис қотишма ноёб ва махсус физик хоссаларни намоён қилиши кузатилади.

Тадқиқотлар шундай эффектлар кузатилади, улар айрим шаклланишни таҳлил этишни тақазо этади^{1,2,3}. Масалан, мис-никель ёки мис-олтин асосидаги тўлдириш принципи асосида шакллантирилган қотишма қаттиқ эритма кўринишида бўлиши керак, аммо, атомлар қаттиқ эритмада силжишни амалга оширади ва янги тартибланган қаттиқ фазали эритма ҳосил бўлади. Бу ҳолат деярли барча қотишма тизимларида, айниқса, “отжиг” жараёни нисбатан пастрой ҳароратларда амалга оширилган қаттиқ эритмаларда яққол кузатилади. Масалан, мис-олтин қотишмани суюқланиш ҳарорати 890 °C дан то 410 °C гача интервалда қиздириб, кейин катта тезликда совитилса, унда мис ва олтин атомлари А1 структура тугунлари бўйича тассоддий, яъни тартибланмаган тарзда тақсимланиб жойлашади (1а-расм). Шундай бўлсада,



1-расм. Кубик кристалл структура: а - тартибланмаган CuAu;
б – тартибланган Cu₃Au; с –тартибланган CuAu.

^{1,2,3} 1. William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction.* John Wiley & Sons. Ins. 2007. – P. 975.

2. Richard J. D. Tilley *Understanding solids : the science of materials.* -John Wiley & Sons Ltd, 2004. –P. 193.

3. Dieter Vollath *Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners.* – Wiley-VCH Verlag GmbH &Co.KGaa, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

қотишмани 400 °С маълум муддат қиздирилса мис ва олтин атомлари силжиб янги позицияларга ўтиб жойлашади. Бунда тартибланиш қотишманинг таркибига боғлиқ бўлади ва икки хил тўйинишга эга структура шаклланиши кузатилади: Cu_3Au ва CuAu . Мис билан тўйинган Cu_3Au структура 1б – расмда тасвирланган. Бунда олтин атомлари кубук элементар ячейканинг бурчакларида ва мис атомлари марказда жойлашган бўлади. Бошқа бири, яъни CuAu асосидаги тартибланган қотишма структурасида бир хил миқдорда атомлар иштирок этади (1с-расм) ва улар мис ва олтин кетма-кетлигида жойлашишган бўлади.

Металл шишалар. Агар иссиқлик таъсирида суюлтирилган металллар тахминан 10^{-5} - 10^6 К /с тезликда совитилса, металллар нокристалл ҳолатга ўтиши мумкин. Бундай усулда нокристалл металл материалларни олиниши илк бора $\text{Au}_{75}\text{Si}_{25}$ аралашмасида амалга оширилган. Бунинг натижасида қотирилган металл шиша кўринишида бўлган ва металл шишалар олиш имкониятлари кўрсатиб берган. Қуйидаги 4-жадвалда бир қатор металл шишаларнинг таркиби ва муҳим хоссалари ҳақида маълумот берилган^{1,4}.

4-жадвал. Силикат шишалар муҳим тавсифлари [3]

Table 6.3 Some silicate glasses

Name	Typical composition	Important property	Principal uses
Soda glass	15 % Na_2O : 85 % SiO_2	Cheap	Window glazing
Soda-lime glass	72 % SiO_2 : 14 % Na_2O : 14 % CaO	Cheap	Window glazing
Borosilicate (Pyrex [®])	80 % SiO_2 : 13 % B_2O_3 : 7 % Na_2O	Low coefficient of expansion	Cooking ware, laboratory ware
Crown glass	9 % Na_2O : 11 % K_2O : 5 % CaO : 75 % SiO_2	Low refractive index	Optical components
Flint glass	45 % PbO : 55 % SiO_2	High refractive index	Optical components, 'crystal' glass
Lead glass	Up to 80 % PbO : SiO_2	Absorbs radiation	Radiation shielding
Silica	100 % SiO_2	Very low coefficient of thermal expansion	Optical components, laboratory ware, optical fibre

^{1,4} William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction.* John Wiley & Sons. Inc. 2007. – P. 975.

⁴ Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS,* 2012, - P.169.

Бундан мураккаброқ тизимларда тадқиқотлар олиб бориш шишасимон металл материаллар шакллантириш принциплари очишга имкон берган ва бундай жараёнлар ҳатто совитиш тезлиги 10 К/с гача тушилиб олиб борилган. Бундай усулда олинадиган материаллар ўзининг юпқалиги билан амалий қизиқиш ўйғотган, масалан, уларни амалий қўллаш махсус кўзойнак ва оптик жиҳозлар, магнетик пластинкалар яратиш қўл келган^{1,5}.

GLASS 167




Figure 6.16 The random network structure of corner-linked $[\text{SiO}_4]$ tetrahedra in a silicate glass

2-расм. Силикат шишада (SiO_4) бурчакли тикилиши асосида шаклланган тетраэдрнинг тўрсимон структураси

Одатда, барча материалларнинг хоссалари, уларнинг ички элементларнинг ўзаро таъсирлашиш боғларини қай тарзда ташкил

1. William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction*. John Wiley & Sons. Ins. 2007. – P. 975.

⁵. S. Siti Suhaily, H.P.S. Abdul Khalil, W.O. Wan Nadirah and M. Jawaid *Bamboo Based Biocomposites Material, Design and Applications* Additional information is available at the end of the chapter 2013. <http://dx.doi.org/10.5772/56057>

этилганлиги ва микроструктураларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Металлларнинг асосий ўзига хос хусусиятлари уларнинг яхши электр ва иссиқлик ўтказувчанлигидир. Металл материалларда металл боғлари мавжудлиги, уларда жуда кичик ташқи кучлар, яъни электр кучланиши ёки иссиқлик таъсирида эркин электронларни металл бўйлаб ҳаракатланишига имкон беради. Шунини алоҳида, таъкидлаш жоизки, металлларда электр ўтказувчанлик миқдори уларнинг иссиқлик ўтказувчанлик муаммоси билан жиддий боғлангандир. Бундай боғлиқлик Wiedemann– Franz қонуни бўйича қуйидагича эътироф этилади:

иссиқлик ўтказувчанлик (thermal conductivity)	$3Tk^2$
электр ўтказувчанлик (electrical conductivity)	$\frac{1}{4} e^2$

бу ерда k - Больцман доимийси; T - мутоқ ҳарорат, e – электрон заряди.

Металлларнинг ёруғлик ва иссиқликка нисбатан юқори қайтарувчанлик қобилияти улардаги эркин электронга боғлиқдир. Металл сиртига ёруғлик фотонлари таъсир этганда, Ферми сатҳи атрофидаги эркин электронлар фотонни ютиши мумкин, чунки улар атрофида жуда кўп энергетик бўш ҳолатлар мавжуддир. Шунингдек, электрон осонгина қайта қуйи сатҳга ўз жойига ўтиши ва фотонлар эса қайта нурланиши мумкин. Буни аниқ тарзда амалга ошириши Ферми сиртининг аниқ шаклини ва Ферми сиртида энергия сатҳларини сонига боғлиқ бўлади.

Керамикалар. Ушбу материаллар асосини ноорганик бирикмалар ташкил этади ва улар юқори ҳароратларда кимёвий реакциялар орқали шакллантирилади. Кўпчилик керамикалар асосан оксидлар, аммо, кремний, азот, оксинитридлар, гибридлар ва бошқа ноорганик бирикмалар асосида ҳам шаклланган бўлади (5-жадвал). Керамикалар кимёвий инерт материаллар ҳисобланади. Улар қаттиқ, иссиққа чидамли ва электр изоляторлик хоссаларига эга материаллардир. Анъанавий керамик материаллар силикат асосидадир. Аммо, кейинги даврларда таркибни модификация қилиш орқали муҳим хоссали керамиклар яратилмоқда, жумладан, механик мустаҳкам, электрокерамик материаллар, электроника учун махсус керамикалар, шиша керамикалар ва бошқаларни ишлаб чиқаришга эътибор қаратилмоқда¹.

¹ William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction.* John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.

5-жадвал. Керамикалар асосини ташкил этадиган кремний структуралари

Table 6.2 A summary of silicate structures

Structure	Formula	Mohs Hardness	Examples
Isolated silicate groups:			
Monomer	$[\text{SiO}_4]^{4-}$	8–5	Mg_2SiO_4 , forsterite, (<i>olivines</i>) $\text{Ca}_3\text{Cr}_2(\text{SiO}_4)_3$, uvarovite, (<i>garnets</i>)
Dimer	$[\text{Si}_2\text{O}_7]^{6-}$	5	$\text{Sc}_2\text{Si}_2\text{O}_7$, thortveitite
Three-ring	$[\text{Si}_3\text{O}_9]^{6-}$	7–4	$\text{BaTi}(\text{Si}_3\text{O}_9)$, benitoite
Four-ring	$[\text{Si}_4\text{O}_{12}]^{8-}$	7–4	$\text{Ca}_3\text{Al}_2(\text{BO}_3)(\text{Si}_4\text{O}_{12})(\text{OH})$, axinite
Six-ring	$[\text{Si}_6\text{O}_{18}]^{12-}$	6–4	$\text{Be}_3\text{Al}_2(\text{Si}_6\text{O}_{18})$, beryl $\text{NaMg}_3\text{Al}_6(\text{BO}_3)_3(\text{Si}_6\text{O}_{18})(\text{OH})_4$, tourmaline
Chains:			
Single	$[\text{SiO}_3]^{2-}$	7–4	MgSiO_3 , enstatite, (<i>pyroxenes</i>)
Double	$[\text{Si}_4\text{O}_{11}]^{6-}$	5	$\text{Ca}_2\text{Mg}_5\text{Si}_8\text{O}_{22}(\text{OH})_2$, tremolite, (<i>amphiboles</i>)
Sheets:			
Single silicate layer	$[\text{Si}_2\text{O}_5]^{2-}$	3–1	$\text{Na}_2\text{Si}_2\text{O}_5$
Double silicate layer	$[\text{SiO}_2]$	3–1	$\text{CaAl}_2\text{Si}_2\text{O}_8$ (half Si replaced by Al)
Single silicate plus single hydroxide layer	$[\text{Si}_2\text{O}_5]$ plus hydroxide	3–1	$\text{Al}_2(\text{OH})_4\text{Si}_2\text{O}_5$, kaolinite, (<i>clays</i>) $\text{Mg}_3(\text{OH})_4\text{SiO}_5$, chrysotile, (<i>clays</i>)
Single silicate plus double hydroxide layer	$[\text{Si}_4\text{O}_{10}]$ plus hydroxide	3–1	$\text{Al}_2(\text{OH})_2\text{Si}_4\text{O}_{10}$, pyrophyllite, (<i>clays</i>) $\text{Mg}_3(\text{OH})_2\text{Si}_4\text{O}_{10}$, talc, (<i>clays</i>)
Single silicate plus double hydroxide	$[\text{Si}_3\text{AlO}_{10}]$	3–1	$\text{KAl}_2(\text{OH})_2\text{Si}_3\text{AlO}_{10}$, muscovite, (<i>micas</i>) $\text{KMg}_3(\text{OH})_2\text{Si}_3\text{AlO}_{10}$, phlogopite, (<i>micas</i>)
Networks:			
Silicate	$[\text{SiO}_2]$	8	SiO_2 , quartz
Aluminosilicate	$[(\text{Si},\text{Al})_4\text{O}_8]$	7–5	KAlSi_3O_8 , <i>feldspars</i>

Шиша керамиклар кристалланмаган, яъни аморф ҳолтдаги материал ҳисобланади. Анъанавий керамик материаллар одатий мақсадлар, идишлар, декоратив жиҳозлар, плита-тагликлар, изоляторлар сифатида ишлатилса, янги илмий асосланиб ва муҳандислик принципларига таяниб ишлаб чиқарилаётган керамик материаллар, айниқса, уларнинг таркибини металл ёки полимерлар бойитилган бўлса, ноёб ва махсус хоссали материаллар сифатида юқори технологик материаллар сифатида қўлланилмоқда.

Керамик материаллар қўлланиш турлари қуйдагиларни ўз ичига олади:

- металл компонентнинг сиртини қоплаш учун қаттиқ материал (титан нитрид (TiN), вольфрам карбид (WC));
- инерт юқори ҳароратларга чидамли компонентли материал (валиклар, ички ёнув цилиндрлар, шпинделлар ва ҳ.к.);
- юқори тезликда кесувчи-ўткир жиҳозлар, абразивлар (алюминий оксид Al_2O_3 , кремний карбид SiC ва диамонд).

Электркерамикалар ўта-юқори-соф материаллар бўлиб, улар ноёб электроник хоссаларга эга бўлади. Ҳатто, супер ўтказувчан материаллар улар асосида тайёрланади. Электркерамикалар фаол элементлар шаклида газ сенсорлари, ҳарорат сенсорлари, батериялар ва ғовакли ячейкалар учун самарали ишлайдиган материал ҳисобланади. Шу сингари керамик магнитлар мавжуд бўлаб, улар одатда кўпчилик моторларда кенг қўлланади. Керамикалар, шунингдек, ёруғлик флуоресцентлар ва компьютер дисплейлари деталлари сифатида қўлланиши билан ҳам машҳурдир.

Шиша керамикалар. Ушбу тур материаллари каттиқ фазали бўлиб, уларнинг асосининг катта қисмини кристалл фаза ташкил этади. Умуман олганда шиша керамика композит материал бўлиб, унинг керамик асоси кристалл фазани ва шиша қисми аморф фазани ташкил этади. Компонентлар танлаш ва уларни комбинацион жойлаштириш натижасида юқори ҳароратларга чидайдиган ва юқори механик тавсифлар ва кўрсаткичларга эга материал олиш мумкин^{1,4}. Бунда шишанинг микроструктураси ўта муҳим




Figure 6.19 Nucleation (part a) and growth (parts b and c) in a glass ceramic

бўлиб, унинг қай даражада шаклланган бўлиши кеерамиканинг хоссаларини юқори кўрсаткичларда ёки маълум бир мақсадларга мўлжалланган материал сифатида шакллантиришга имкон беради. Масалан, бу ҳақда 3-расмга қаранг.

3-расм. Шиша керамиканинг таркибий тавсифлари

^{1,4} William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction.* John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.

4. Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS,* 2012, - P.169.

Тавсирдаги структурани вужудга келишида шакллантириш жараёнининг ҳар бири босқичининг роли муҳим бўлиб, уларни жиддий назорат қилиш лозим бўлади. Бунда икки жараён амалга ошиши, яъни компонентларнинг суюқ – оқувчан ҳолатда ва фазадан қаттиқ (оқмайдиған) фазага ўтиши назарда тутилаяпти. Биринчиси бунда керамик компонент кристалланиши ҳисобига амалга ошса, иккинчиси шиша фазани аморф ҳолат қаттиқ фазага айланишидир. Бунда компонентлар суюқ фазада араланиши ва уларнинг оқувчанлиги, яъни етарли даражада қовушоқликка эга бўлиши талаб этилади. Одатда, керамик компонентнинг кристалланиш ҳарорати билан шишанинг қотиш ҳарорати маълум даражада фарқланади. Бунга боғлиқ тарзда материалнинг шаклланишини ўзгариши табиийдир.

Яна иккита фактор шиша керамикалар олинишида муҳим саналади. Булар материални шакллантиришда суюлтма ва микроструктураларнинг араланиш факторларидир. Одатда, суюқ фазали шишада керамик компонент кристалл фазасини шаклланади ва буни назорат қилиш зарур бўлади. Чунки, кристалланиш ва шишаланиш ҳароратлари бир бирига боғлиқ бўлади ҳамда кристалланиш жараёни ҳажмни ўзгариши билан амалга ошади.

Баъзи шиша керамикалар, масалан, микроструктурали қўшимчалар асосида бўлса, улар ультрагранит материаллар ҳисобланади ва юқори ҳароратли кварц асосида шаклланиши ва бунда юқори физик тавсифларга эга бўлиши кузатилади³. Масалан, 4-расмда унинг тузилиши тавсирланган.




Figure 5.30 The structure of the high-temperature form of SiO_2 , β -quartz, drawn as corner-shared tetrahedra projected down the hexagonal c axis (normal to the plane of the page). This projection obscures the fact that the tetrahedra form three-dimensional spirals, not rings

4-расм. Юқори ҳароратга чидамли SiO_2 ва β -кварц асосидаги шиша керамика

³ Dieter Vollath *Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners.* – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co.KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

Шунингдек, ушбу гуруҳга оид бир қатор материаллар кейинги йиллар амалга кенг қўлланмоқда. Масалан, перовскит асосли материаллар қуёш элементлари яратишда асосий элемент эътироф этилмоқда (5-расм).




Figure 5.32 (a) The cubic ReO_3 structure represented as corner-shared ReO_6 octahedra; (b) the idealised cubic perovskite ABO_3 structure. The framework is identical to that in part (a) and consists of corner-shared BO_6 octahedra, containing an A cation in the central cage site (note $B \neq$ boron)

5-расм. Перовскит структурасини ифодаланган чизма [1].

Ушбу структуралар ўзининг ноёблиги билан улар асосида шакллантирилган материалларда, жумладан, шиша керамикаларда ҳам муҳим тавсифларни номён қилади. Ҳозирда перовскит асосида наноқатламли қуёш элементлари шакллантирилган бўлиб, уларнинг қуёш ёруғлигини электр токига айлантириш кўрсагичлари кремний асосли материалларникидан юқрироқ эканлиги аниқланган.

Юқори молекуляр бирикмалар - полимерлар. Ҳозирда иқтисодиётда, турмуш эҳтиёжари ва саноат ишлаб чиқаришида энг кўп қўлланаётган материаллардан бири бу юқори молекуляр бирикмалар, яъни полимерлар асосидаги материаллардир. Полимерлар табиий ва синтетик шароитда синтез бўлади^{1,4}. Табиий полимерлар гуруҳига ДНК, РНК, полисахаридлар (целлюлоза, хитин, хитозан, пектин, крахмал ва ҳ.к.), оксиллар (фиброин,

¹ William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction.* John Wiley & Sons. Ins. 2010. – P. 1000.

4. Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology* & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.

кератин, коллаген, желатин, альбумин, инсулин ва ҳ.к), каучуклар каби бирикмалар кирса, синтетик полимерлар гуруҳига полиэтилен (ПЭ), полиэтиленоксид (ПЭО), полиэтилентерефталат (ПЭТФ), полакрилонитрил (ПАН), полистирол (ПС), полипропилен (ПП), поливинилхлорид (ПВХ), полиамид (ПА) каби бир қатор юқори молекуляр бирикмалар киради [4].


Табиий полимерлар асосан ўсимлик ва тирик жонзотлар организмда синтез бўлади ва бундай синтезлар организмдаги махсус кодлар воситасида амалга ошади. Бундан йўл билан организмлар ўзига зарурий бўлган биоматериалларни шакллантиради. Бу жараёнлар организм тириклигида организмнинг табиий хотираси асосида бошқариш принципи бўйича деярли доимий равишда давом этади. Биоматериаллар биринчи навбатда организм учун керакли материаллар бўлса, иккинчи навбатда инсоният учун, турмуш ва саноат, умуман барча ишлаб чиқариш соҳалари учун муҳим хом-ашё ва озук манбаи бўлган материаллардир.

Шуни таъкидлаш жоизки, табиий полимерларни қайта ишлаш орқали сунъий материаллар олинади. Бу материаллар айрим хоссалари бўйича табиий полимерлар афзалликка эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, табиий оксил коллагендан озук-овқат ва енгил саноат учун ўта зарур бўлган желатин оксили олинади. Бу ўз хоссасига кўра желатиндан анча фарқли ва муҳим жиҳатлари билан бир қатор афзалликларни намоён қилади.


Синтетик полимерлар бевосита кимёвий синтез йўли билан олинади. Бунда хом-ашё сифатида газ ва нефть маҳсулотлари, махсус органик ва ноорганик бирикмалар, минераллар ва металллар кенг қўлланилади. Полимерлар кимёвий синтези ҳам ўз моҳиятига кўра асосий икки гуруҳга ажратилади, яъни радикал *полимерланиши* ва *поликонденсация*. Албатта, поликонденсация механизми табиий синтезда ҳам асосий ҳисобланади.

Полимерлар ичида энг оддий тузилишга эга бўлган бу синтетик полиэтилен (ПЭ) бўлса, энг мураккаб тузилишга эга бўлганлари бу оксиллар ва ДНК, РНК лардир.


Ушбу чизмада этилендан полиэтилен синтез бўлишини ифодаланган



Полисахаридларда элементар звенолар бирикиш тартиби ва улардаги атомларни жойлашганлик ҳолатига боғлиқ равишда макромолекулалар турли тавсифларга эга бўлади. Одатда полисахаридлар ўсимликлар (крахмал, целлюлоза, лигнин, пектин кабилар) ва ҳайвонлар (хитин, глюкоамин кабилар) организмларини ташкил этувчи макромолекуляр бирикмалар ҳисобланади. Масалан, α -Д-глюкопираноза (амилоза) звеноларни поликонденсацион реакциясида α -(1,4)-глюкозид боғи ҳосил қилиб бирикса *крахмал* ёки β -(1,4)-глюкозид боғини ҳосил қилса *целлюлоза* синтез бўлади ^{4,6}:




α -(1,4)-глюкозид боғи - крахмал



β -(1,4)-глюкозид боғи - целлюлоза

Краxмал селлюлозадан фарқли α -(1,6)-глюкозид боғи бўйича ҳам бирикиши ва тармоқланган занжирлар ҳосил қилиши ҳам мумкин. Крахмал молекулалари компакт жойлашсада, улар орасида водород боғлари деярли ҳосил бўлмайди ва шу боис осон эрийди. Селлюлоза фақат чизиқли занжирга эга бўлади ва одатда молекулалари ипсимон шаклда жойланган ва улар орасида кучли водород боғлари мавжуд бўлади ҳамда сувда эримайди.

Пектин полисахариди галактурон кислоталари асосида синтез бўлади ва яхши эрийди




бу ерда $R = CH_3$ ёки H каби функционал элементлар.


^{4,6} Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS*, 2012, - P.169.

⁶ Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS*, 2012, - P.169.

Хитин, яъни ҳайвонот оламида организмни ҳимояловчи қобиғи вазифасини ўтовчи полисахариднинг молекулалари Н-ацетилглюкозамин звеноларни β-(1,4)-глюкозид боғлари ҳосил қилиши асосида синтез бўлади. Хитин молекуласидаги атомлар ва функционал гуруҳларнинг жойлашиши унга физик мустаҳкамликни беради ва шу боис уни эритиш айрим тузлар ва кислоталар муҳитида амалга оширилиши мумкин:



Оқсиллар синтези кўп босқичли мураккаб жараён бўлиб, махсус органелла – рибосомаларда синтез бўладиган оқсилнинг тузилиши ҳақидаги маълумот акс этган генетик кодлар асосида рўй беради. Бундай маълумот аминокислоталар қандай тартибда оқсил молекуласини ташкил этиши, яъни *бирламчи тузилиши* ҳақида бўлади ва ДНК молекуласининг маълум бир қисмида, яъни хромосомасида кодлаштирилган бўлиб, ген деб юритилади. Бу маълумот оқсил синтез бўлишидан олдин ДНК дан м-РНК (маълумотли РНК) га кўчирилади ва рибосомага ўтказилади. Одатда аминокислоталар тўғридан тўғри синтезга киришишлари учун етарлича фаол бўлишмайди ва уларни фаоллаштириш учун аденоинтрифосфат (АТФ) ферменти энергия беради^{4,6}.




Натижада мавжуд 20 хил аминокислоталар турли хил комбинатсион тартибда


⁴ Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.*

⁶ Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.*


учтадан бўлиб бирикади ва синтез учун қобилиятли бўлган *61* хил триплет ҳосил қилади. Ҳар бир триплетни т-РНК (транспорт-РНК) кетма-кет равишда рибосомага олиб киради ва м-РНК га генетик код бўйича бирикиши олиб боради. Агар триплет таркиби генетик кодга мос келса, ундан олдин келган триплетга аминокислалар орқали конденсатсион тарзда, яъни битта сув молекуласи ажратиб чиқариб, *пептид боғи* ҳосил қилиб кимёвий бирикади ва улар оксил молекуласининг асосини ташкил этади, яъни:



Асоси *сахарофосфат* занжирлар бўлган элементар звеноси *рибоза* ёки *дезоксирибоза* моносахаридларидан иборат полинуклеотидлар *рибонуклеин кислоталар* (РНК) ёки *дезоксирибонуклеин кислоталар* (ДНК) га бўлинади. Поликонденсатсия реакцияси туфайли РНК занжирида *рибоза* қолдиқлари ва ДНК занжирида эса *2-дезоксирибоза* қолдиқлари бириккан бўлади ва улар *нуклеотид* звенолар ҳам дейилади.



ДНК нинг бирламчи тузилиши



ДНК нинг иккиламчи тузилиши


РНК макромолекуласи нуклеотид зеноси таркибига *аденин, гуанин, ситомин* ва *уратсил* каби молекуляр бирикмалар киради. ДНК макромолекуласи нуклеотид зеносида *уратсил* ўрнига *тимин* иштирок этади. ДНК макромолекуласи массаси $50 \cdot 10^7$ гача бўлиб, асосан хужайранинг ядросида, РНК макромолекуласи массаси 10^4 гача бўлиб, асосан хужайраларни рибосомалари ва противоплазмалари таркибида бўлади. ДНК ва РНК макромолекулалари *бирламчи* ва *иккиламчи* тузилишларга эга бўлади. ДНК ва РНК бирламчи тузилиши занжирларнинг нуклеотид таркиби ва нуклеотид зеноларнинг кетма-кетлигини англатади. ДНК нинг иккиламчи тузилиши эса иккита параллел (тармоқланмаган) нуклеотид занжирларнинг умумий ўқ атрофида ўралиши натижада ҳосил бўлган икки спирални ягона тизими кўринишида кўплаб водород боғлари асосида шаклланган бўлади.

Табиий ва синтетик полимерлар асосидаги материаллар ўзининг бир қатор физик хоссалари билан бошқа материаллардан фарқ қилади ва яққол афзалликларга эгадир. Замонавий материалшуносликда анъанавий кенг кўламда қўлланиб келатган полимерлар қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал. Материалшуносликда кенг қўлланадиган полимерлар

Table 14.3 A Listing of Repeat Units for 10 of the More Common Polymeric Materials

Polymer	Repeat Unit
 Polyethylene (PE)	$\begin{array}{c} \text{H} \quad \text{H} \\ \quad \\ -\text{C}-\text{C}- \\ \quad \\ \text{H} \quad \text{H} \end{array}$
 Poly(vinyl chloride) (PVC)	$\begin{array}{c} \text{H} \quad \text{H} \\ \quad \\ -\text{C}-\text{C}- \\ \quad \\ \text{H} \quad \text{Cl} \end{array}$
 Polytetrafluoroethylene (PTFE)	$\begin{array}{c} \text{F} \quad \text{F} \\ \quad \\ -\text{C}-\text{C}- \\ \quad \\ \text{F} \quad \text{F} \end{array}$
 Polypropylene (PP)	$\begin{array}{c} \text{H} \quad \text{H} \\ \quad \\ -\text{C}-\text{C}- \\ \quad \\ \text{H} \quad \text{CH}_3 \end{array}$
 Polystyrene (PS)	$\begin{array}{c} \text{H} \quad \text{H} \\ \quad \\ -\text{C}-\text{C}- \\ \quad \\ \text{H} \quad \text{C}_6\text{H}_5 \end{array}$



Полимерлар синтези пайтида термодинамик сабабларга кўра уларнинг молекуляр массалари турлича бўлиб қолади. Унинг термодинамик ва аналитик усулларда ўртача сонли (M_n) ва гидродинамик усулларда ўрта массали (M_w) молекуляр массалари аниқланади. Қуйидаги 7-8 – жадвалларда бу ҳақда маълумотлар берилган^{4,6}.

7-жадвал. Ўртача сонли молекуляр массани (M_n) аниқланиши

Table 14.4a Data Used for Number-Average Molecular Weight Computations in Example Problem 14.1

Molecular Weight Range (g/mol)	Mean M_i (g/mol)	x_i	$x_i M_i$
5,000–10,000	7,500	0.05	375
10,000–15,000	12,500	0.16	2000
15,000–20,000	17,500	0.22	3850
20,000–25,000	22,500	0.27	6075
25,000–30,000	27,500	0.20	5500
30,000–35,000	32,500	0.08	2600
35,000–40,000	37,500	0.02	750
			$\overline{M}_n = 21,150$

^{4,6} Mustafa Akay. Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.

⁶ Mustafa Akay. Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.

8-жадвал. Ўртача массали молекуляр массани (M_w) аниқланиши

Table 14.4b Data Used for Weight-Average Molecular Weight Computations in Example Problem 14.1

Molecular Weight Range (g/mol)	Mean M_i (g/mol)	w_i	$w_i M_i$
5,000–10,000	7,500	0.02	150
10,000–15,000	12,500	0.10	1250
15,000–20,000	17,500	0.18	3150
20,000–25,000	22,500	0.29	6525
25,000–30,000	27,500	0.26	7150
30,000–35,000	32,500	0.13	4225
35,000–40,000	37,500	0.02	750
			$\bar{M}_w = 23,200$

Ўртача массали молекуляр массани ўртача сонли молекуляр массага нисбати полимер молекулаларининг полидисперслигини ифодалайди. Ушбу жадваллардан $(M_w)/(M_n) = 23200/21150 = 1,1$ га тенгдир. Бу ҳол полимерни тор полидисперс эканлигидан далолат беради. Чунки $(M_w)/(M_n) = 1,1 - 2,5$ бўлса тор полидисперс, агар $3 < (M_w)/(M_n) < 5$ ўртача полидисперс ва $6 < (M_w)/(M_n)$ бўлса кенг полидисперс ҳисобланади^{4,6}.

Полимерларнинг молекуляр массалари, конфигурациялари ва конформациясига тарзда геометрик шакллари қуйдаги кўринишларда бўлиши мумкин (6-расм).




Figure 14.7 Schematic representations of (a) linear, (b) branched, (c) crosslinked, and (d) network (three-dimensional) molecular structures. Circles designate individual repeat units.

⁴ Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.*

⁶ Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.*





Figure 14.6 Schematic representation of a single polymer chain molecule that has numerous random kinks and coils produced by chain bond rotations. (From L. R. G. Treloar, *The Physics of Rubber Elasticity*, 2nd edition, Oxford University Press, Oxford, 1958, p. 47.)

6-расм. Полимерлар тузилишининг шакллари

Буларга боғлиқ тарзда полимерларнинг структуралари бўйича классификацияси қуйидаги кўринишда бўлади (8-расм).

8-расм. Полимерларнинг структуравий классицифакицияси^{4,6}

Figure 14.8
Classification scheme for the characteristics of polymer molecules.



⁴ Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology* & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.

⁶ Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology* & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.

Полимерлар устмолекуляр тузилишлари қуйидаги шаклларда бўлади (9-расм)

Figure 14.11
Electron micrograph
of a polyethylene
single crystal.
20,000 \times . [From
A. Keller, R. H.
Doremus, B. W.
Roberts, and
D. Turnbull
(Editors), *Growth
and Perfection of
Crystals*. General
Electric Company
and John Wiley &
Sons, Inc., 1958,
p. 498.]






Figure 14.12 The
chain-folded
structure for a plate-
shaped polymer
crystallite.

Figure 14.14 A
transmission
photomicrograph
(using cross-polarized
light) showing the
spherulite structure
of polyethylene.
Linear boundaries
form between
adjacent spherulites,
and within each
spherulite appears a
Maltese cross. 525 \times .
(Courtesy F. P. Price,
General Electric
Company.)






Figure 14.13 Schematic representation of the detailed structure of a spherulite.

Полимер материалларнинг механик хоссалари унга берилган кучланиш ва унинг деформацион ўзгариши термомеханик диаграммаси бўйича баҳоланади [1]. Бу махсус намуналар узиш машинасида синалади (10-расм).




Figure 15.4 Schematic tensile stress-strain curve for a semicrystalline polymer. Specimen contours at several stages of deformation are included. (From Jerold M. Schultz, *Polymer Materials Science*, copyright © 1974, p. 488. Reprinted by permission of Prentice Hall, Inc., Englewood Cliffs, NJ.)

10-расм. Полимер материалларнинг термомеханик диаграммаси

Полимерларнинг ноёб физик хоссали материаллар ҳисобланади.

Назорат саволлари

1. Металлар на нометемалл материаллар турлари нималардар иборат?
2. Металларнинг асосий хусусиятлари ва материалшуносликдаги роли?
3. Материалларнинг аморф-кристалл ҳолатлари деганда нимани тушунаси?
4. Фазавий диаграммалар ва улар материалшуносликда нимани ифодалайди?
5. Керамика материалларнинг ютуқ томонлари нималарда акс этади?
6. Керамика ва металл аралашмалари асосида нималар шаклланади?
7. Полимерлар асосида қандай хоссали материаллар шакллантириш мумкин?
8. Металл ва металл қотишмалар қандай афзалликларга эга?
9. Электр ўтказувчанликда металлар, керамика ва полимерлар имкониятлари?
10. Шишалар ва уларнинг материалларини хоссалари қандай ўзгартирилади?
11. Термопластлар нима ва улар турига нималар киради?
12. Полимерларнинг тузилиши ва хоссаларининг ўзига хос жиҳатлари нима?

Фойдаланилган адабиётлар

1. William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2007. – P. 975.
2. Richard J. D. Tilley Understanding solids : the science of materials. -John Wiley & Sons Ltd, 2004. –P. 193.
3. Dieter Vollath Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners. – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co.KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.
4. Mustafa Akay. Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.
5. S. Siti Suhaily, H.P.S. Abdul Khalil, W.O. Wan Nadirah and M. Jawaid Bamboo Based Biocomposites Material, Design and Applications Additional information is available at the end of the chapter 2013. <http://dx.doi.org/10.5772/56057>
6. www.mitht.ru/e-library
7. www.crism-prometey.ru
8. www.nanowerk.com/nanotechnology/labs/Tech._Uni._Berlin

3-мавзу: Композицион материаллар, таркиби, тузилиши, турлари, ҳолатлари, тизимлари, морфологиялари, махсус физик хоссалари

Режа

1. Композицион материаллар таркиби, турлари ва асосий хоссалари ҳамда композицион материаллар яратишнинг физик омиллари
2. Метал, керамик, полимер композитлар, уларнинг физик параметрлари ва тавсифлари.
3. Композит тизимлар морфологияси ва унга хос махсус ва ноёб хоссалари.
4. Замонавий материалшуносликда композитлар физикасининг ўрни ва устуворлиги ҳамда амалий қўлланиши.

Таянч иборалар: *Композицион материаллар, композитлар, металл композитлар, керамик композитлар, полимер композитлар, морфология, махсус ва ноёб хоссалар.*

Кўпчилик замонавий технологиялар маҳсулотлар ишлаб чиқаришда унинг хоссалари яхшилаш ва орзонлаштириш, иқтисодий ва экологик талаблардан, айниқса, ноёб ва махсус тавсифли маҳсулотларга эҳтиёж бўлганда, шубҳасиз, қўллаётган материалнинг хоссаларини мақсадли танлашга, уларни таркибини ўзининг мақсадига мувофиқ этиб ўзгартиришга ҳаракат қилади. Шу йўналишдаги интилишлар тарихан хом-ашё материаллардан икки хил тарзда фойдаланишга олиб келган: таркиби бир хил элементдан иборат бўлган асосий материал; -таркиби икки ва ундан ортиқ элементдан ёки компонентдан иборат бўлган, яъни уларнинг комбинацияси асосида шаклланган композицион материал, яъни композит. Асосий материал, масалан, металл, керамика, полимер кабилар бўлса, композитлар эса уларнинг аралашмалари асосида шаклланган бўлади¹².

Умуман олганда композитлар матрица ва тўлдирувчидан иборат бўлади, яъни компонентлар бири матрица сифатида бошқа тўлдирувчи компонентларни ўз ҳажмида тутиб турган ҳолда шаклланган бўлади. Бунда матрицанинг физик хоссалари тўлдирувчи ҳисобига ўзгаради ва натижада янги хоссали материал пайдо бўлади. Тўлдирувчи композитнинг хоссасини

¹ William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction.* John Wiley & Sons. Ins. 2010– P. 1000

² Richard J. D. Tilley *Understanding solids : the science of materials.* -John Wiley & Sons Ltd, 2004. –P. 193.

хам ижобий, ҳам сальбий томонга ўзгартириши мумкин. Бунга тўлдирувчи танлашда алоҳида эътибор берилади. Композитлар, яъни камида икки компонентли материаллар ўта узоқ тарихга эга бўлиб, иносониятнинг материалларга эҳтиёжи пайдо бўлган даврлардаёқ уни кашф эта бошлаган.

Ҳозирда эса бундай материаллар улкан ҳажмлар ишлаб чиқарилмоқда ҳамда ниҳоятда кўп ва кенг қўлланилмоқда. Композитлар одатда мультифазали материал ҳисобланади. Улардаги компонентларнинг нисбати, аввалом бор, компонентларнинг хусусий хоссалари ва композитда қандай хоссаларни намоён қила олиш қобилиятига қараб белгиланади. Одатда, тўлдирувчи компонентнинг миқдори матрица миқдоридан уч мартадан камроқ этиб танланади^{1,2,3}.

Маълумки, кўпчилик компонентлар матрица ёки тўлдирувчи сифатида танланиши мумкин ва бундай компонентлар сирасига металл қотишмалар, керамикалар ва полимерлар кирази ва материалшуносликда муҳим (1-расм).




Figure 1.1. Relationships between classes of engineering materials, showing the evolution of composites

1-расм. Материаллар турлар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги

1 William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction.* John Wiley & Sons. Ins. 2010– P. 1000

3. Dieter Vollath *Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners.* – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

Масалан, перлит пўлати таркиби бир бири билан ўзаро такрорланиб келадиган феррет ва цемент асосидаги микроструктураларидан иборат бўлади (2-расм). Шунингдек, табиатда ҳам кўплаб бундай композитлар мавжуд. Масалан, ёғочнинг мустаҳкамлиги ва эгилувчанлигини таъминловчи биополимер -целлюлоза толалари ўзига нисбатан қаттиқ бўлган лигнин биополимери туган ҳолда композит хоссасини намоён қилади. Шунингдек, суяк ҳам композит ҳисобланади, у таркибини юмшоқ оқсил коллаген ва қаттиқ, мўрт минераль апатит ташкил этади ^{1,3}.




Figure 9.27 Photomicrograph of a eutectoid steel showing the pearlite microstructure consisting of alternating layers of α ferrite (the light phase) and Fe_3C (thin layers most of which appear dark). 500 \times . (Reproduced with permission from *Metals Handbook*, 9th edition, Vol. 9, *Metallography and Microstructures*, American Society for Metals, Materials Park, OH, 1985.)

2-расм. Перлит пўлати асосидаги композитнинг кўриниши

Демак, композитнинг кўп фазали материал эканлиги инобатга олсак, унда комнонентларга ҳам маълум талаблар қуйилади. Аввалом бор, улар кимёвий бир бирига ўхшаш бўлмаллиги лозим, аксинча улар алоҳида фазалар ҳосил қилмаслиги мумкин. Кўпчилик металл қотишма ва керамикалар бундай таърифга мос келмаслиги кузатилади, чунки улар табиатан бир хиллик жиҳатлари, яъни ноорганик элементлар эканлиги улар орасида кимёвий реакциялар амалга ошишига олиб келиши сабаб бўлади ва унинг натижасида фазаларга бўлган талаб бажарилмайди.

¹ William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction*. John Wiley & Sons. Ins. 2010– P. 1000

³ Dieter Vollath *Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners*. – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

Композицион материалларни ишлаб чиқаришда илмий тадқиқотчи олимлар ва инженерлар янги авлод экстраординар материаллар, яъни ноёб ва махсус композитлар яратишда металллар, керамика ва полимерларни амалий қўллаш бўйича деярли бир хил тассавурга эга эканлиги кузатилади. Бу боис улар ҳамкорлигида механик тавсифлари яхшиланган, жумладан, қаттиқлиги, мустаҳкамлиги оширилган ва атроф муҳит ҳарорати ва иссиқлик таъсирига чидамли композитлар яратиш тенденциялари амал қилиб келмоқда.

Кўпчилик композитлар материалга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда фақат икки фазалидир, яъни матрица ва тўлдирувчидан иборатдир. Матрица узлуксиз бўлиб, бошқа фазанинг узлукли элементлари ўраб туради (3-расм).




Figure 16.1 Schematic representations of the various geometrical and spatial characteristics of particles of the dispersed phase that may influence the properties of composites: (a) concentration, (b) size, (c) shape, (d) distribution, and (e) orientation. (From Richard A. Flinn and Paul K. Trojan, *Engineering Materials and Their Applications*, 4th edition. Copyright © 1990 by John Wiley & Sons, Inc. Adapted by permission of John Wiley & Sons, Inc.)

3-расм. Матрицага киритилган тўлдирувчи, яъни диспер геометрик шаклнинг турли комбинацияларда жойлашиш чизмаси

Бунда композитнинг хоссаси таркибий фазалар хоссалари, нисбий миқдорлари ва тўлдирувчи дисперс фазанинг геометрик шаклини функцияси сифатида ифодаланади. Дисперс геометрик фаза тўлдирувчи заррачанинг шакли ва ўлчами, тақсимланиш тартиби ва ориентацион ҳолатига боғлиқдир^{1,4}.


Композицион материаллар таснифи, яъни классификациясининг оддий чизмаси 4-расмда ифодаланган. Бунга биноан композитлар учта асосий

¹ William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction*. John Wiley & Sons.
⁴ Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology* & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.

бўлимлардан иборат бўлади: - армирловчи заррачалар қўлланилган; - армирловчи толалар қўлланилган; - структураланган.

Бунда армирловчи заррачалар ўлчами барча геометрик йўналишлар бўйича бир хил, а армирловчи толаларда эса геометрик ўлчам тола йўналишлари бўйлаб ҳар хил бўлади. Структуравий композитларда композицион материал ва бир жинсли материал комбинацияси шаклланади. 4-расмда армирловчи заррачалар йирик заррачали ва дисперсион-мустаҳкамланган композитлар қуйи гуруҳларга бўлинган. Уларнинг фарқи армирлаш ёки мустаҳкамлаш механизмига асослангандир.

Figure 16.2 A classification scheme for the various composite types discussed in this chapter.



4-расм. Композитлар классификациясининг чизмаси

Йирик заррачалар билан армирланганда матрица ва заррачалар ўртасида атом ёки молекуляр даражада таъсирлашиш эмас, балки матрица билан заррача ўртасида таъсирлашлар назарда тутилади ва бундай қарашлар тўлиқ (сплошной) муҳит учун ўринлидир. Ушбу заррачалар фазаси матрица фазасидан оғирроқ бўлади Бунинг натижасида иккала ҳолда ҳам заррачалар матрицани механик ҳаракатига ёки хусусий силжиш тўсқинлик қилади. Бундай ҳолда композитга ташқи кучланиш белса матрица кучланишнинг бир қисмин армирловчи заррачаларга беради. Композитнинг кучайтирилганлик даражаси ёки механик хоссаларини яхшиланиши матрица ва заррача ўртасидаги боғларнинг қанчалик кучли эканлигига боғлиқ бўлади ⁵.

Йирик заррачали композитлар учала типдаги материаллар металл,

⁵ . S. Siti Suhaily, H.P.S. Abdul Khalil, W.O. Wan Nadirah and M. Jawaid Bamboo Based Biocomposites Material, Design and Applications Additional information is available at the end of the chapter 2013. <http://dx.doi.org/10.5772/56057>

керамика ва полимерлар билан бирга ишлатилиши мумкин. Керметлар металл-керамик композитлардан биридир. Бундай композитлар энг кўп тарқалгани цементланган карбид бўлиб, у керамиканинг ўта қийин суюқладиган заррачаларидан иборат бўлади. Масалан, вольфрам карбид (WC) ёки вольфрам титан (TiC) йирик заррачалари, улар учун матрица сифатида одатда кобальт ёки никель қўлланилади. Бу композитлар қирқувчи воситалар, абразивлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Таҳлиллар ҳозирча, ҳеч бир материал металл-керамика композити каби юқори кўрсаткичлар намоён қилолмагани кўрсатмоқда. Бундай композитларда заррачалар фазасининг улуши 90 % ҳам юқори бўлиши мумкин. Шу тоифадаги материаллардан биринг чизмаси 5-расмда ифодаланган⁴.




Figure 16.4 Photomicrograph of a WC–Co cemented carbide. Light areas are the cobalt matrix; dark regions, the particles of tungsten carbide. 100×. (Courtesy of Carboloy Systems Department, General Electric Company.)

5-расм. Цементлашган карбид WC-Co микрофотографияси: - оқ ранг кобальт матрица; - қора ранг вольфрам-карбид.

Маълумки, кўпчилик эластомерлар ва пластиклар турли заррачалар билан армирланган бўлади. Аммо, шундай тўлдирувчи ҳам борки, у углерод асосли бўлиб қурум (сажа) деб юритилади. Бу тўлдирувчи газ ва нефь, ҳатто нефть қолдиқларини ёндирилганда ҳосил бўладиган майда заррадир. Уни

⁴. S. Siti Suhaily, H.P.S. Abdul Khalil, W.O. Wan Nadirah and M. Jawaid Bamboo Based Biocomposites Material, Design and Applications Additional information is available at the end of the chapter 2013. <http://dx.doi.org/10.5772/56057>

резиналарга қўшилиши, ҳосил бўлган композитнинг кескин механик хоссалари яхшилайди. Масалан, автомобил шишаларга 15-30 % гача сажани қўшилиши, шиналарнинг узоқ муддат механик кучланиш таъсири остида хизмат қилишини таъминлайди. Сажа заррачаларига нисбатан қуйидаги талаблар мавжуд, уларнинг диаметри 20-50 нм бўлиш ва уларнинг матрица ҳажмида тўлиқ тақсимланлигига эришилган бўлиши лозим (6-расм).

Керамик композитларнинг бир түри бу бетонлардир. Бетонлар йирик заррачалар асосида цемент ва тошлар асосида шаклланиши маълум. Буларда иккала фаза ҳам бир бирига диспергирланади, яъни аралашган бўлади.




Figure 16.5 Electron micrograph showing the spherical reinforcing carbon black particles in a synthetic rubber tire tread compound. The areas resembling water marks are tiny air pockets in the rubber. 80,000 \times . (Courtesy of Goodyear Tire & Rubber Company.)

6-расм. Синтетик каучук ва сажа (курум) асосидаги композит электрон микроскопик тасвири.

Дисперс-мустаҳкамланган композитлар. Металл ва металл қотишмалар жуда қаттиқ ва инерт материаллар заррачаларнинг жуда кичик ҳажмий фоизда қўшилиши билан ниҳоятда юқори кўрсаткичларда кучайтирилиши мумкин. Дисперс фаза металл ёки нометалл, оксид материаллардан бўлиши мумкин. Кучайтириш механизми заррачаларнинг ўзаро таъсирлашиши ва матрицада дислокацияси ҳамда дисперсион қотишини ўз ичига олади. Кучайтириш эффекти ҳарорат юқори бўлганда ҳам узоқ муддат сақланади. Бунинг учун дисперс фаза матрица билан таъсирлашмайдиган бўлиши лозим. Айрим қотишмаларга мустаҳкамлик

оширилганлиги иссиқлик таъсирида йўқолишади. Бунга сабаб, композитда қолдиқ ҳосил бўлиши ёки қолдиқни эриши бўлиши мумкин.

Никель асосли қотишмаларнинг иссиқликка чидамлилиги 3 % ҳажмда торий оксид қўшиш орқали жиддий оширилади. Бундай материаллар торий –дисперсион (TD) композит ҳам деб юритилади. Бундай эффект алюминий-алюминий оксид тизимида ҳам кузатилади.

Армировчи толали композитлар. Технологик жиҳатдан энг муҳим композицион материаллардан бири дисперсион фаза сифатида армировчи толалар қўлланилган композитлардир. Бундай композитлар одатда юқори мустаҳкамликка эга ёки қаттиқликка эга бўлиб, уларнинг ушбу тавсифлари компонентларнинг ўлчами ва шакли ва миқдорига боғлиқ бўлади. Мазкур тавсифлар ўзига хос мустаҳкамлик ва модул параметрлари оқали ифодаланади. Армировчи толалар ишлатилган композитлар толалар узунлигига қараб гуруҳларга ажратилади. Бу ҳақда 4-расмда таъкидланган.

Армировчи толали композитларнинг механик тавсифлари нафақат толанинг узунлигига, балки матрицадаги толаларга бериладиган ташқи кучланишнинг қай даражада эканлигига ҳам боғлиқдир. Кучланиш таъсир этиш коэффициентини қанчалик даражада толалар ва матрица ўртасидаги боғларга яқинлиги ҳам муҳимдир. Чунки толанинг сиртида унинг матрица билан боғланиш энергияси мавжуд бўлиб, айнан, ўша соҳага кучланишнинг таъсири яққол намоён бўлади ва бу жараён 7-расмда ифодаланган.




Figure 16.6 The deformation pattern in the matrix surrounding a fiber that is subjected to an applied tensile load.

7-расм. Армировчи толали композитнинг ташқи кучланиш таъсирида деформацияланишида “матрица-тола” фазалар чегарасидаги ўзгаришлар


Шуни таъкидлаш жоизки, маълум даражада толанинг критик узунлигига (l_c) эътибор бериш лозим, чунки бу параметр композитнинг самарали тарзда

мустваҳкамлигини оширишга хизмат қилади. Ушбу критик (l_c) параметр толанинг диаметрига (d), унинг анчалик чузилганлигига (σ) ва матрица-тола боғланишинг мустваҳкамлигига (τ) боғлиқ аниқланади.

$$l_c = d\sigma/2\tau$$

Ушбу формулага биноан композитга кучланиш берилганда, унинг кучланиш – ҳолати боғланиш графиклари 8-расмда ифодаланган. 8а-расмда кучланиш толаларнинг ўқиға йўналтирилган ҳолатда ўзгариш тавсирланган. Толанинг узунлигини узайиши 8а-расмда ифодаланган. 8с –расм толанинг кучланиш профилига боғлиқлиги акс эттирилган. Ушбу тавсирлардан толанинг узлуксиз бўлиши муҳим эканлиги кузатиладиган ¹.

Figure 16.7
Stress–position profiles when fiber length l (a) is equal to the critical length l_c , (b) is greater than the critical length, and (c) is less than the critical length for a fiber-reinforced composite that is subjected to a tensile stress equal to the fiber tensile strength σ_f^* .



8-расм. Композитда толанинг ташқи кучланиш таъсирида деформацион ўзгаришларини ифодаланиши

¹ William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2010– P. 1000

Толаларнинг жойлашиши ва бир бирига нисбатан ориентацияланган бўлиши, толанинг концентрацияси ва матрица ҳажмида тақсимланган бўлиши армирловчи толали композитнинг мустаҳкамлик ва бошқа физик тавсифлари жиддий таъсир этади. Ориентация бунда икки жиҳат билан ифодаланади: 1 – толаларнинг маълум бир йўналишда параллел ориентацияланиши, 2 – ихтиёрий ёки тасоддифий жойлашиши. Бу ҳолда 9-расмда ифодаланган.

Толаларнинг одатий росталаниши 9а-расмда, ориентирланга ҳолат 8в-расмда ва тасоддифий ҳолати 9с-расмда ифодаланган. Бу ҳолатлардан иккитаси, 9а ва 9в-расмлардаги ҳолатлар композитнинг толаларнинг тартибланиши ва ориентацияси ҳисобига анизотропик хоссаларни намоён қилишига сабаб бўлади. 9с-расмдаги ҳолатда, яъни толаларнинг тартибсиз ҳолатда эканлиги композитнинг изотроп материал эканлиги таъминлайди.




Figure 16.8 Schematic representations of (a) continuous and aligned, (b) discontinuous and aligned, and (c) discontinuous and randomly oriented fiber-reinforced composites.

9-расм. Композитда толаларнинг деформацияланиши.

Шунга боғлиқ тарзда ушбу композитлар анизотропик физик хоссаларни намоён қилади. Масалан, композитни толаларнинг ориентацион йўналиши бўйлаб механик мустаҳкамлиги юқори бўлади. Толаларга ориентациясига

нисбатан перпендикуляр йўналишда эса мустаҳкамлик анча кичик кўрсагичларга эга бўлади. Толалар тартибсиз бўлганда композит материал изотропик хоссага эга бўлади. Бунда ташқи куч қайси йўналишда берилишдан қатъий назар механик хоссаларнинг табиати ва параметрлари жиддий фарқланмайди (10-расм).

16.5 Influence of Fiber Orientation and Concentration • 637




Figure 16.9 (a) Schematic stress–strain curves for brittle fiber and ductile matrix materials. Fracture stresses and strains for both materials are noted. (b) Schematic stress–strain curve for an aligned fiber–reinforced composite that is exposed to a uniaxial stress applied in the direction of alignment; curves for the fiber and matrix materials shown in part (a) are also superimposed.

10-расм. Толалар ориентацияси ва концентрациясини композит механик хоссасига таъсири

Толалар билан шакллантирилган композитнинг структуравий ва физик тавсифлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал. Толали композитларнинг физик тавсифлари

Table 16.1 Typical Longitudinal and Transverse Tensile Strengths for Three Unidirectional Fiber–Reinforced Composites. The Fiber Content for Each Is Approximately 50 Vol%

Material	Longitudinal Tensile Strength (MPa)	Transverse Tensile Strength (MPa)
Glass–polyester	700	20
Carbon (high modulus)–epoxy	1000	35
Kevlar–epoxy	1200	20

Армирловчи толалар диаметрлари ва тавсифларига биноан учта синфга бўлинади: туклар, ип-толалар, симлар.

Туклар нисбатан анча ингичка якка толалар бўлиб, кристалл структурага эга бўлади. Узунлигини диаметрига нисбати жуда катта миқдорлар билан тавсифланади (2-жадвал).

2-жадвал. Таркибида турли хил толали тўлдирувчилар бўлган материалларнинг тавсифлари³

646 • Chapter 16 / Composites

Table 16.4 Characteristics of Several Fiber-Reinforcement Materials

<i>Material</i>	<i>Specific Gravity</i>	<i>Tensile Strength</i> [GPa (10^6 psi)]	<i>Specific Strength</i> (GPa)	<i>Modulus of Elasticity</i> [GPa (10^6 psi)]	<i>Specific Modulus</i> (GPa)
Whiskers					
Graphite	2.2	20 (3)	9.1	700 (100)	318
Silicon nitride	3.2	5–7 (0.75–1.0)	1.56–2.2	350–380 (50–55)	109–118
Aluminum oxide	4.0	10–20 (1–3)	2.5–5.0	700–1500 (100–220)	175–375
Silicon carbide	3.2	20 (3)	6.25	480 (70)	150
Fibers					
Aluminum oxide	3.95	1.38 (0.2)	0.35	379 (55)	96
Aramid (Kevlar 49)	1.44	3.6–4.1 (0.525–0.600)	2.5–2.85	131 (19)	91
Carbon ^a	1.78–2.15	1.5–4.8 (0.22–0.70)	0.70–2.70	228–724 (32–100)	106–407
E-glass	2.58	3.45 (0.5)	1.34	72.5 (10.5)	28.1
Boron	2.57	3.6 (0.52)	1.40	400 (60)	156
Silicon carbide	3.0	3.9 (0.57)	1.30	400 (60)	133
UHMWPE (Spectra 900)	0.97	2.6 (0.38)	2.68	117 (17)	121
Metallic Wires					
High-strength steel	7.9	2.39 (0.35)	0.30	210 (30)	26.6
Molybdenum	10.2	2.2 (0.32)	0.22	324 (47)	31.8
Tungsten	19.3	2.89 (0.42)	0.15	407 (59)	21.1

^a The term *carbon* instead of *graphite* is used to denote these fibers, because they are composed of crystalline graphite regions, and also of noncrystalline material and areas of crystal misalignment.

3. Dieter Vollath Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners. – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

Ип-толалар, одатда толалар деб эътироф этиладиган материаллар аморф-кристалл ёки аморф ҳолатда бўлади. Диаметри унча катта бўлмайди. Асосан полимерлар ёки керамикалардан тайёрланади. Масалан, полимер арамид толалар, шишатоалалар, углерод толалар, бор толалар, алюминий оксид ва кремний карбид толалар бунга мисол бўлади. 2-жадвалда булар ҳақда маълумотлар берилган.

Ингичка симлар нисбатан катта диаметрга эга бўлади. Буларнинг асосий вакиллари пўлат, мис, молибден, вольфрам, алюминий, никель симлардир. Композитларда симлар, масалан, автомобил шиналарида радиаль пўлат арматура сифатида қўлланилади, шунингдек, ракеталар қобиклари ўрашда, шлангларнинг юқори босимга чидамани ошириш учун уларнинг таркибига киритилади, жумладан, юқори вакуумли ёки босимли шлангларда бундай қўлланиш амалга оширилади. Бу ҳада ҳамда 2-расмда маълумот берилган.

Кейинги 3-жадвалда армирловчи толалар билан шакллантирилган композитларнинг физик тавсифлари. Бундай толалар сифатида шишали ва карбонли толалар танланган. Уларнинг ўзига хос жиҳатлари акс эттирилган.

3-жадвал. Шиша ва карбон асосли толала билан шакллантирилган композитларнинг айрим физи ва структурвай тавсифлари.

<i>Composite</i>	<i>Fiber Type</i>	<i>Vol. Fraction Fibers</i>	<i>Fiber Strength (MPa)</i>	<i>Ave. Fiber Length (mm)</i>	<i>Critical Length (mm)</i>
A	glass	0.20	3.5×10^3	8	0.70
B	glass	0.35	3.5×10^3	12	0.75
C	carbon	0.40	5.5×10^3	8	0.40
D	carbon	0.30	5.5×10^3	8	0.50

Композитларни шакллантиришда арамидли толалар қўлланиши, уларни юқори мустаҳкамлик ва юқори модулга эга материалларга айланиши асос бўлади. Бундай арамидлар полимер асосли бўлиб, уларнинг айримлари номи полипарафелин, терефталамид толалар деб юрилади. Аслида, уларнинг номи Кевлар ва Номекс ҳам аталган. Уларнинг тасвири, яъни кимёций формуласи 11-расмда ифодаланган. Кевлар ўта мустаҳкам полимер материал бўлиб, унинг асосида ниҳоятда мутаҳкам хоссали материаллар тайёрланади. Жумладан, мотор тасмалари, ҳайдовчи ва пассажирлар учун ҳимояланиш тасмалари, парашутлар учун материаллар, улкан кемалар учун боғламловчи тасмалар ва шу каби ўта мустаҳкамлар тола асосли ёки толали материаллар.




Figure 16.10 Schematic representation of repeat unit and chain structures for aramid (Kevlar) fibers. Chain alignment with the fiber direction and hydrogen bonds that form between adjacent chains are also shown. [From F. R. Jones (Editor), *Handbook of Polymer-Fibre Composites*. Copyright © 1994 by Addison-Wesley Longman. Reprinted with permission.]

11-расм. Кевлар молекулалари ва уларнинг ўзаро боғланиш графиклари.¹

Таркибида шиша, углерод, арамид толалар бўлган эпоксид матрицали композитларнинг айрим муҳим тавсифлари 4-жадвалда келтирилган.

4-расм. Турли тола компонентли композитларнинг тавсифлари

/ Composites

Table 16.5 Properties of Continuous and Aligned Glass, Carbon, and Aramid Fiber-Reinforced Epoxy-Matrix Composites in Longitudinal and Transverse Directions. In All Cases the Fiber Volume Fraction Is 0.60

Property	Glass (E-glass)	Carbon (High Strength)	Aramid (Kevlar 49)
Specific gravity	2.1	1.6	1.4
Tensile modulus			
Longitudinal [GPa (10^6 psi)]	45 (6.5)	145 (21)	76 (11)
Transverse [GPa (10^6 psi)]	12 (1.8)	10 (1.5)	5.5 (0.8)
Tensile strength			
Longitudinal [MPa (ksi)]	1020 (150)	1240 (180)	1380 (200)
Transverse [MPa (ksi)]	40 (5.8)	41 (6)	30 (4.3)
Ultimate tensile strain			
Longitudinal	2.3	0.9	1.8
Transverse	0.4	0.4	0.5

Жадвалдан шиша, углерод ва арамид асосли композитларнинг юқори

¹ William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction*. John Wiley & Sons. Inc. 2010– P. 1000

физик тавсифларга эга эканлиги кўриниб турибди. Булар ичида углеродли толалар муҳим жихатлари билан фарқланади. Лекин кевлар толанинг кўрсаткичлари нисбатан анча муҳим бўлиб, бундай толаларнинг амалий аҳамияти ниҳоятда салмоқлидир.


Композитлар ичида металл-матрицали композитларни ўрни бекиёсдир. Уларнинг айримларининг физик тавсифлари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал. Айрим толали металл-матрицали композитларнинг тавсифлари.

Table 16.9 Properties of Several Metal-Matrix Composites Reinforced with Continuous and Aligned Fibers

<i>Fiber</i>	<i>Matrix</i>	<i>Fiber Content (vol%)</i>	<i>Density (g/cm³)</i>	<i>Longitudinal Tensile Modulus (GPa)</i>	<i>Longitudinal Tensile Strength (MPa)</i>
Carbon	6061 Al	41	2.44	320	620
Boron	6061 Al	48	—	207	1515
SiC	6061 Al	50	2.93	230	1480
Alumina	380.0 Al	24	—	120	340
Carbon	AZ31 Mg	38	1.83	300	510
Borsic	Ti	45	3.68	220	1270

Шунингдек, толали керамик-матрицали композитлар мавжуд бўлиб, уларнинг айрим тавсифлари 11-расмда ифодаланган.



11-расм. Керамик-матрицали композитларнинг физик тавсифлари

Ноёб хоссали материаллар яна бир тури углерод-углерод композитлар бўлиб, улар ракета моторлари, фрикцион машиналар, аэрокемалар ва юқори тавсифли автомобиллар каби соҳаларда кенг қўлланади. Уларнинг муҳим

хоссалари ҳақидаги айрим маълумотлар б-жадвалда келтирилган.

б-жадвал. Углерод-углерод асосли композитлар тавсифлари

Table 16.10 Room Temperature Fracture Strengths and Fracture Toughnesses for Various SiC Whisker Contents in Al_2O_3

<i>Whisker Content (vol%)</i>	<i>Fracture Strength (MPa)</i>	<i>Fracture Toughness ($MPa\sqrt{m}$)</i>
0	—	4.5
10	455 ± 55	7.1
20	655 ± 135	7.5–9.0
40	850 ± 130	6.0

Асосий жараёнлар бири толали композитларнинг шаклланишидир. Бу жараёнлар бири қуйидаги 12- расмдаги чизмада ифодаланган³

658 • Chapter 16 / Composites




Figure 16.13 Schematic diagram showing the pultrusion process.


12-Толали композитлар шакллантиришнинг принципиал чизмаси

Полимерлар асосидаги композитларни шакллантириш календерлаш усули қўлланиши, пленкасимон материаллар олиш имконини беради. Бунда механик чузиш ва иссиқлик таъсирида термик қайта ишлаш принциплари қўлланилади. Бундай усул аралаш компонентли материаллар, махсус хоссали композитлар олинади. Бунинг принципиал чизмаси 12-расмда ифодаланган.

3

3. Dieter Vollath Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners. – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

Figure 16.14
Schematic diagram illustrating the production of prepreg tape using a thermoset polymer.



12-расм. Каландер принциплари асосида композитлар шаклланиши

Материалларнинг яна бир тури ламинар композитлардир. Уларнинг шаклланиши икки ва ундан ортиқ сиртларни, яъни платиналарни, ёки панелларни юқори механик кучланиш остида пресслаш орқали ҳосил қилинади. Бунга хом-ашё сифатида ёғоч платиналар ва толали пластиналарни қўллаш мумкин. Бунда қатламли материал шаклланади (13-расм).




Figure 16.16 The stacking of successive oriented fiber-reinforced layers for a laminar composite.

13-расм. Ламинар композитлар шаклланиш принципи

Қатламли, яъни сандвич типдаги композитлар шаклантриш одатда шиша асосли композицион материаллар олиш имконини беради. Сандвич панеллари икки ёки ундан ортиқ лист ёки пластиналар асосида шакланади. Бундай композитларнинг умумий кўриниши 14- ва 15-расмда ифодаланган.




Figure 16.17 Schematic diagram showing the cross section of a sandwich panel.

14-расм. Сандвич композит чизмаси.

662 • Chapter 16 / Composites





Figure 16.18 Schematic diagram showing the construction of a honeycomb core sandwich panel. (Reprinted with permission from *Engineered Materials Handbook*, Vol. 1, *Composites*,

15-расм. Сандвич композитлар панелларининг тавсирлари

Мураккаю компонентли ва кескин физик тахсирлага бар бералиган киомпозитлардан бири теннис тўпидпр (16-расм). Унинг таркибида бирқатор



16-расм. Теннис шарикнинг тузилиши ва композицион таркиби

функционал элементлар шарсимон қобиқ қилиб, маълум бир кетма-кетликда шакллантирилган. Муҳим қисми ички қобиғи бўлиб, у нанокомпозит материалдир. Нанокомпозитда вермикулит толалари ва винил резинаси мавжуддир. Сирти қобиқ билан қопланган.

Шундай қилиб ушбу мавзу диорасида турли композит материалларнинг принципал жиҳатлари қараб чиқилди ва уларнинг физик ва амалий тавсифлари таҳлил қилинди. Замонавий материал шунослик талабларига биноан композитларнинг қай даражада мукамаллик бўлиши, уларнинг ниҳоятда кенг ва салмоқли соҳа эканлиги ривожланиши улкан тарихдан бошланиб, ҳозирда уларга бўлган эҳтиёжнинг яна юқори ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида уларга бўлган талабнинг кундан кунга ошиб бораётганлиги таъкиблаб этилга ва унга изоҳлар ва мисоллар келтирилган.

Назоарт саволлари

1. Композицион материал ва композитлар нима?
2. Композитлар асосий турлари ва йўналишлари нималардан иборат?
3. Табiiй композитлар қандай мисоллар келтира оласиз?
4. Сунъий ва синтетик композицион материаллар қандай шаклланади?
5. Композитлар яратишнинг қандай физик омиллари мавжуд?
6. Керамик, металл ва полимер композитларнинг принципиал фарқлари?
7. Қотишмалар ва композитлар қандай фарқланади?
8. Композитлар фазалараро чегаралар нимани англатади?
9. Композитларда компонентлараро боғлар қай даражада бўлади?
10. Композитлар морфологиси ва хоссалари қандай боғлиққа эга?
11. Композитларда матрицанинг роли нимадан иборат?
12. Армирлаш нимани англатади ва композитларда роли қандай?
13. Толали армирлашда толаларнинг қандай турлари мавжуд?
14. Композитларда ноёб хоссалар қандай бошқарилади?
15. Аралашма ва композитлар бири биридан қандай фарқланади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2010– P. 1000.
2. Richard J. D. Tilley Understanding solids : the science of materials. -John Wiley & Sons Ltd, 2004. –P. 193.
3. Dieter Vollath Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners. – Wiley-VCH Verlag GbH &Co.KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.
4. Mustafa Akay. Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.
5. S. Siti Suhaily, H.P.S. Abdul Khalil, W.O. Wan Nadirah and M. Jawaid Bamboo Based Biocomposites Material, Design and Applications Additional information is available at the end of the chapter 2013. <http://dx.doi.org/10.5772/56057>
6. www.mitht.ru/e-library
7. www.crisp-prometey.ru
8. www.nanowerk.com/nanotechnology/labs/Tech. Uni. Berlin

4-мавзу: Нанозифика асослари, илмий-тадқиқот объектлари ва предмети, наноматериаллар яратилишидаги устуворлиги

Режа

1. Нанозифика предмети, нанообъектлар, наноструктуралар ва нанодисперс тизимлар шаклланиш принциплари
2. Наноматериалшунослик асослари, унда фундаментал ва амалий фанлар ҳамда технологиялар ва ишлаб чиқаришнинг ҳамжиҳатлиги.
3. Металл, керамика, полимерлар, композитлар асосида наноматериаллар шакллантириш имкониятлари.
4. Нанозификанинг нанообъектлар ва наноматериаллар яратишдаги роли ва устуворлиги.

Таянч иборалар: *нанообъектлар, нанодисперс тизимлар, наноўлчамли материаллар шаклланиши, нанометаллар, нанозаррачалар, наноструктуралар, нанокомпозитлар.*

1. Нанозифика предмети, нанообъектлар, наноструктуралар ва нанодисперс тизимлар шаклланиш принциплари

“Нанотехнология” сўзининг ўзида 2 та атамани “нано” ва “технология” терминларини кўрамир. Аввал иккинчи тушунчани аниқлаш лозим ¹.

Энциклопедик луғатда “технология” сўзи қуйидагича тавсифланган: у юнонча “течне” – “санъат”, “маҳорат” ва “билиш” + “логос” – “фан” қўшма сўз бўлиб, бирор бир маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ишлов бериш, тайёрлашни, ҳолати хоссасини, шаклини ўзгартириш жараёнларининг умумлашган услубини билдиради.

Технологиянинг вазифаси – табиат қонунларидан инсон манфаати учун фойдаланишдир. “Машинасозлик технологияси”, “сувни кимёвий тозалаш технологияси”, “ахборот технологиялар” ва бошқалар мавжуд.

Кўриниб турибдики, технологиялар бошланғич хом ашёнинг табиатига кўра бир-биридан ажралиб туради. Метал (темир) тузилмалар ва

¹ William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction.* John Wiley & Sons. Ins. 2010– P. 1000

информатсия (маълумот) орасидаги кучли фарқланишлар уларга ишлов бериш ва ўзгартириш услубларидаги фарқларни белгилаб беради¹

Технологияларни санаб ўтганимизда “юқори технологиялар” деган тушунчани эсга олмаслик мумкин эмас. Юқори технологиялар деб нисбатан яқинда пайдо бўлган, ҳамма жойда тарқалиб улгурмаган самарали бўлган технологияларни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Бу технологиялар асосан микроэлектроника соҳасига оид бўлиб, асбоб-ускуналарнинг жуда кичик ўлчами билан боғлиқ.

Минглаб йиллар аввал ота-боболаримиз триллионта атомларга эга бўлган тошларни олиб, улардан миллиард, триллионта атомларга эга бўлган қатламларини йўниб, камон ўқларининг ўткир учларини тайёрлашган. Улар кийин бўлган ишларни жуда усталик билан бажаришган. Ўша узоқ вақтларда тошларни бундай йўниш усулини ўйлаб топган одам уни юқори технология деб атаганда хато қилмаган бўларди. Масалан, 15-20 йил аввал уяли телефонларни “ҳигҳ-теч” турдаги ускуналар деб ҳисобланган. Ҳозирда эса “мобил телефони” билан ҳеч кимни ҳайрон қолдира олмайсан.

Шунинг учун ҳам жамият ривожланиши босқичида унга оид барча илғор технологияларни “юқори технологиялар” деб аташ жоиз бўлса керак.

Энди “нанотехнология” тушунчасининг ўзига таъриф берамиз.

Нано қўшимчаси (юнон “наннос” – “митти”) у ёки бу бирликнинг, бизнинг ҳолатда метрнинг, миллиарддан бир (10^{-9}) бўлагини (нанометр-нм)ни англатади. Атомлар ва жуда майда молекулалар 1 нанометр тартибдаги ўлчамга эга.

Ингичка сочнинг ўндан бир қалинлиги ўлчамидаги таркибловчили замонавий микросхемалар чакмоқ тош йўнувчилар стандартларида кичкина деб ҳисобланади, аммо триллионлаб атомларга эга транзисторларнинг ҳар бири ва микрочиплар ҳамон оддий кўз билан кўрилади.

Тошга қўлда ишлов беришдан бошлаб то кремнийли чиплар тайёрлашгача кузатиш мумкин бўлган технологиялар атом ва молекулаларнинг катта бирикмаларидан ташкил топган хом-ашёдан фойдаланади. Бу йўналишни “балк-технология” (инг. “булк” – тўп-тўп, тўпланган) деб аташ мумкин.

Нанотехнология ҳар бир атом ва молекулалар билан жуда аниқлик билан ишлаши лозим. У дунёни биз хаёлимизга келтираолмайдиган даражада

¹ William D. Callister Jr. *Materials Sciences and Engineering. An Introduction.* John Wiley & Sons. Ins. 2010– P. 1000

ўзгартириб юбориши мумкин.

Атом – (грек. “атомос” – “бўлинмас”) – кимёвий элементнинг жуда майда заррачаси бўлиб, бошқа атомлар билан бирлашиб мураккаб бирикмаларни – молекулаларни ҳосил қила олади [2].

Еътибор берсангиз “атом” сўзининг сўзма-сўз таржима қилиниши нотўғридир ва ҳақиқатдан атом зарядланган ядро ва манфий зарядланган электронлардан ташкил топган. Аммо бу сўзни қадимги грек файласуфи Демокрит ўйлаб топган ва ҳамма ундан фойдаланишга ўрганиб қолган.

Нанотехнология – *бу маълум атомар тузилишли маҳсулотларни, уларнинг атом ва молекулаларини жойлаштириш йўли билан ишлаб чиқариш усуллари йиғиндисидир.*

Нанотехнологияга берилган бундай таърифга кўра табиий савол туғилади: материалларни атом ва молекулалар даражасида манипулятсиялашимиз (бу ерда ишлашимиз) мумкинми? Бизнинг бармоқларимиз наномасштаб учун жуда ҳам катталиқ қилади-ку. Бу савол замонавий нано фанининг жумбоғи бўлса керак. Бу жумбоқни ечишнинг энг чиройли йўлини эрик Дрекслер ўзининг “Яратиш (барпо этиш, вужудга келтириш) машиналари” китобида таклиф қилди. Атомлар билан ишлаш учун у махсус наномашиналарни ёки **ассемблерларни** яратди.

Уларни кўз олдимизга келтириш учун аввало молекулалар қандай тузилганлигини расм орқали кўришимиз лозим бўлади. Бунинг учун биз атомларни мунчоқлар кўринишида чизамиз, молекулаларни эса сим орқали бир-бирига боғланган мунчоқлар гуруҳи деб кўрсатамиз. Атомлар юмалок шаклга эга (шарларга ўхшаш), молекуляр боғланишлари – сим бўлаклари бўлмаса-да, биз кўз олдимизга келтирган модел бизга бу боғланишлар узилиши ва қайта тикланиши мумкин эканлигини кўрсатади.

Наномашиналар атом ва молекулаларни ушлаб олишни билиши ва уларни хоҳлаган тартибда бир-бирига боғлай олиши лозим. Шунини таъкидлаш лозимки, бундай машиналар табиатда минглаб йиллардан буён муваффақият билан ишлаб келмоқда. Мисол тариқасида рибосомалар томонидан оксилни синтез қилиш механизмини келтириш мумкин.

Нанотехнологиялардан фойдаланишнинг имкониятлари битмас-туганмасдир: саратон хужайраларини нобуд қилувчи ва зарарланган тўқима ва аъзоларни тикловчи организмда “яшовчи” нанокомпьютерлардан тортиб, то атроф муҳитни ифлослантормайдиган автомобиль двигателлари бўлган асбоб, қурилмаларни яратиш келажаги мавжуд.

Нанотехнологиялар қуйидаги принципаал жиҳатларга эга бўлтб, уни амалга оширишда 1-расмда келтирилган кетма-кетлик устувордир [1].




Figure 1.1 To understand and apply nanomaterials, besides knowledge on materials science, a basic understanding of physics and chemistry is necessary. As many applications are connected to biology and medicine; knowledge in these fields are also of advantage.




Figure 1.2 Conventional goods are produced by top-down processes, which start from bulk material. Using mechanical or chemical processes, the intended product is obtained.


1-расм. Нанотехнология асослари ¹

Оқсиллар – барча ҳужайраларнинг ҳаёт фаолиятини таъминловчи зарурий таркибий қисмидир. Оқсилларнинг организмдаги (танадаги) роли хилма - хилдир. Танамиздаги барча ҳаётий жараёнларда унинг ўсиши ва кўпайишини бошқаришда иштирок этадиган оқсиллар – гормонлар ажралиб туради. Ёруғлик сезувчи махсус, оқсил – родопсин ҳисобига кўзимиз тўр пардасида тасвир пайдо бўлади. Актин ва миозин оқсиллари ҳисобига мушакларимиз қисқаради ва бўшашади, бунинг натижасида биз ҳаракат қила оламиз. Организмдаги барча кимёвий жараёнлар махсус оқсиллар – ферментлар иштирокида кечади. Уларсиз овқат хазм қилиш, нафас олиш, моддалар алмашуви, қон ивиши ва бошқалар содир бўлмайди. Оқсиллар ҳимоя функциясини ҳам бажаришади, организмга касаллик келтириб чиқарувчи бактериялар ёки захарлар тушса, улар иммуноглобулин оқсилларини ишлаб чиқаради ва зарарли таъсирларни йўқ қилади.

¹ Dieter Vollath *Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners.* – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co.KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

Оқсиллар ва улар фаолияти функцияларининг хилма-хиллиги билан танишганимизда, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг барча оқсиллари – мутлак инерт оқсиллардан то биологик фаол бўлган оқсилларгача – пептидли боғ деб аталадиган кимёвий боғлардан тузилган бўлиб, улар ягона стандарт занжирлар - **аминокислоталар** занжиридан ташкил топганини кўрамиз. Ташқаридан оқсил молекуласи ипдаги шодаларнинг кетма-кет жойлашишига ўхшайди ва унда шодалар ролини аминокислоталар молекулалари бажаради. Кўп оқсиллар таркибида бундай “шодалар” ўртача 300-500 та бўлади.

Табиатда барча аминокислоталар 20 та турда бўлади, уларни махсус “кимёвий алифбе”нинг йигирмата “ҳарфи” га ўхшатиш мумкинки, бу “ҳарф” лардан оқсиллар -300-500 ҳарфдан иборат “сўзлар” тузилган бўлади. Бундай йигирма ҳарф ёрдамида жуда кўп узун сўзлар ёзиш мумкин. Агар сўздаги ҳарфлардан биргинасини алмаштирилса ёки кўчирилса, сўз янги маънога эга бўлади, 500 рамзли сўзда имконий комбинатсиялар сони 20500 та бўлади.



а




Figure 3.2 Nanocrystalline material. The full circles represent atoms in the crystallized phase, whereas the open circles represent atoms at the grain boundary.


б

2-расм. Оқсилнинг тузилиши (а) ва нанокристалл материал (б)

Ҳар бир оксил занжири *фақат шу оксилгагина* хос бўлган, фақат маълум бир сондаги ва аминокислоталар комбинатсиясидан курилган кетма-кетликдаги у ёки бу оксилга ҳарактерли бўлган аминокислоталар ягона комбинатсиясигина уларнинг кимёвий ва биологик хоссаларини белгилаб беради. Бир дона аминокислота занжирининг ўрни ўзгартирилиши, алмаштирилиши ёки йўқотилиши оксил молекулалари хоссаларининг тубдан ўзгаришига олиб келади. Бундан келиб чиқиб, алоҳида оксилни синтез қилишда унинг тузилишидаги аминокислоталар занжирлари кетма-кетлиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш керак экан. Табиатда бундай маълумот махсус ташувчи – ДНК молекуласида сақланади, унда организмда мавжуд бўлган барча оксиллар тузилиши ҳақида маълумот бўлади ¹.

Бир оксилдаги аминокислоталар кетма-кетлиги ҳақидаги маълумотлар жойлашган ДНК молекуласининг бир бўлаги *ген* деб аталади. Шунинг учун ДНК даги маълумотни генетик маълумот дейилади. Ген эса ирсий материалнинг бирлиги ҳисобланади. ДНКда бир неча юзгача генлар бўлади.

ДНК молекуласи (дизоксирибонуклеин кислота) бири иккинчиси атрофига ўралган спиралсимон иккита ипдан иборат. Бундай қўш спиралнинг эни тахминан 2 нм бўлади. Узунлиги эса ундан 10 минг марта кўп – бир неча юз минг нанометрдир. Ирсий маълумотни ташувчи ДНК қўш спиралини топгани учун 1962 йилда олимлар Уотсон ва Крик Нобел мукофотига сазовор бўлдилар.



а




Figure 4.11 Schematic drawing of the experimental setup for nanoparticle synthesis applying laser ablation. The pulsed laser beam is focused at the surface of the precursor target that may be a metal or an oxide. The high-intensity laser beam causes a plume, a supersonic jet of evaporated

material, which is ejected perpendicular to the target surface, expanding into the gas space above the target. The particles formed by condensation in the plume are transported with the carrier gas to the powder collector.

б

3-расм. ДНК тузилиши (а) ва нанозаррачалар олиш қурилмаси (б)

¹. Dieter Vollath *Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners.* – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co.KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

ДНК иплари эса нуклеотидлар занжиридан ташкил топган, **нуклеотидлар** – органик материаллар бўлиб, бир-бири билан боғлиқ 3 та молекула: азотли асос, 5 углеродли шакар (пентоза) ва фосфор кислотаси қолдиғидан иборат бўлади. Нуклеотидларни азотли асосларнинг таркибига кирувчи 4 типи (тури): *аденин* (А), *гуанин* (Г), *цитозин* ва (Т) *тимин* номи билан номланган. Нуклеотидлар 4 турининг ДНК занжирида жойлашиш тартиби жуда муҳимдир - у оксиллардаги аминокислоталар тартибини, яъни уларнинг тузилишини белгилайди.

ДНКда оксил тузилиши дастурлаштирилганини тушуниш учун Морзе алифбосини эслаш кифоя, унда алифбонинг барча ҳарфлари, тиниш белгилари ва сонлар қисқа (нуқта) ва узун (тире) сигналлар комбинатсиясида белгиланади. ДНКда ҳам худди шундай шифр мавжуд экан. Худди Морзе алифбосида ҳар бир ҳарфга нуқталар ва тиреларнинг муайян кетма-кетлиги мос келтирилганидек, ДНК кодида нуклеотидларнинг маълум кетма-кетликда келиши оксил молекуласидаги маълум бир аминокислотага мос келар экан. ДНК кодини билиш – бу ҳар бир аминокислотага мос бўлган нуклеотидлар кетма-кетлигини билиш демакдир.

2. Наноматериалшунослик асослари, унда фундаментал ва амалий фанлар ҳамда технологиялар ва ишлаб чиқаришнинг ҳамжиҳатлиги.

Барча имконий сон, ҳарф ва тиниш белгиларини кодлаштириш учун бизга 2 та рамзни билиш кифоя қилар экан. Битта аминокислотани кодлаштириш учун эса биргаликда 3 нуклеотид ўзи етарли бўлади (4 та нуклеотиддан 64 та комбинатсия ҳосил қилиш мумкин, ҳар бирида 3 тадан нуклеотид бор: $4^3=64$). Бундай бирикмалар **триплет** ёки **кодон** деб аталади.

ДНК коди *бир қийматга эга* (1 триплет 1 тадан ошмаган аминокислотани шифрлайди) ва универсалликка эга, (яъни Ерда барча яшовчи ва ўсувчи – бактериялар, замбуруғлар, донлилар, чумоли, қурбақа, от, инсон – айна бир триплетлар айна бир аминокислоталарни шифрлайди). Ҳозирги вақтда ДНК коди бутунлай ошкорланган, яъни ҳар бир аминокислота учун кодловчи триплет аниқлаб қўйилган. Ўқувчига яна бир марта эслатамизки, ДНК кетма-кетлигида фақат бир нуклеотидни алмаштириш ёки четлатиш синтезловчи оксиллар тузилишини бузади. Генетик код тилга ўхшагани учун бунга яққол мисол қилиб ҳарфли триплетлардан тузилган қуйидаги иборани келтириш мумкин:

Бу иборада тиниш белгилари бўлмаса ҳам унинг маъноси ва мантиқи бизга тушinarли, иборадаги биринчи ҳарфни олиб ташласак ва уни яна триплетлар билан ўқисак, унда ҳеч қандай маъносиз нарса келиб чиқади:

Худди шундай генетик маъносиз нарса гендан бир нуклеотид тушиб қолганда ҳам пайдо бўлади. Бундай бузилган гендан ўтган оқсил организмда жиддий *генетик касалликларни* келтириб чиқариши мумкин (Даун касаллиги, қандли диабет, мушак дистрофияси ва бошқалар). ДНК информатсион матритсасидаги бундай хато шу оқсилни синтезлаш вақтида қайтараливеради. Худди китоб ёки газета нашр этириляётганда, матритсадаги хато қайтарилвергани каби.

Барча оқсиллар синтези учун матритса бўлган ДНК молекуласининг ўзи синтезлаш жараёнида иштирок этмайди. У фақатгина генетик маълумотларни ташувчидир.

Оқсил синтезида унинг тузилиши ҳақидаги маълумот аввал ДНКдан *рибосома* молекуласига – оқсил ишлаб чиқарувчи ўзига хос фабрикага етказилади. Бундай маълумотларни кўчириш *ташувчи* информатсион РНК (т-РНК, т-рибонуклеин кислотаси) молекуласи ёрдамида амалга оширилади, у ДНКнинг бир қисмининг аниқ нушаси, ойнадаги аксидир. И-РНК эса ДНК молекуласи бир ипи билан комплементар бўлган бир занжирли спирал.

ДНКдан РНКга генетик маълумотларни нусхалаш жараёни *транскрипсия* (лотин “транссриптио” – кўчириб ёзиш) деб аталади. Кўчириб ёзиш жараёнида махсус фермент – полимераза ДНК бўйлаб ҳаракатланиб кетма-кет равишда унинг нуклеотидларини ўқийди ва комплементарлик принципи бўйича И-РНК занжирини ҳосил қилади, яъни ДНК дан у ёки бу ген “чизма” сини олади.

Ҳар бир гендан хоҳлаган сондаги РНК нусхаларини олиш мумкин. Шундай қилиб, оқсил синтези жараёнида И-РНК перфокарта ролини бажаради, унга аниқ бир оқсил қурилиши “дастури” ёзилган бўлади.


Перфокарта – эски ҳисоблаш машиналарида дастур ёзиш учун маълум бир жойларида ёруғлик нури ўтиши учун тешикчалар қилиб қўйилган қаттиқ қозғоз бўлаги ёки тасмаси.

И-РНК молекуласи унга ёзилган дастур билан рибосома томон йўналади, у ерда оқсил синтезланади. У томонга яна оқсил қуриладиган материаллар – аминокислоталар оқими ҳам йўналади. Аминокислота рибосомага мустақил эмас, балки ҳаракатланувчи *транспорт* РНК (т-РНК) ёрдамида ўтади. Бу молекулалар турли аминокислоталар ичидан “ўзининг”

аминокислотасини ажрата олади, ўзига кўшиб рибосомага олиб боради.

Рибосомаларда оқсил синтезини *транслятсия* (лотин. “транслатио” - узатиш) деб аталади.


Оқсил молекуласи қурилиши давомида рибосома и-РНК бўйлаб “ўрмалайди” ва шу и-РНКга дастурлаштирилган оқсилни синтезлайди. И-РНК бўйлаб рибосома қанча узоққа кўчиб борса, оқсил молекуласининг шунча катта қисми “йиғилган” бўлади. И-РНК тасмасида, конвеердагига ўхшаб, бир вақтнинг ўзида бир оқсилнинг ўзини бир неча рибосомалар томонидан йиғиш давом этаверади (4-расм). Рибосома и-РНКнинг охирига етганида синтез тугайди.



4-расм. Рибосома оқсилнинг синтез жараёни

Энди рибосоманинг ишлаш механизмига тўхталиб ўтайлик. Расмга мурожаат қиламиз. Рибосома и-РНК бўйлаб бир текисда ҳаракатланмайди, тўхтаб-тўхтаб “қадамма-қадам”, триплет кетидан триплет тарзда ҳаракатланади. Рибосоманинг и-РНК билан тегишган ҳар қадамида унга уланган аминокислотали т-РНКнинг молекуласи “сузиб” келади. Олдин айтилганидек, ҳар бир т-РНК фақат “ўз” аминокислотасини танийди ва уни оқсил қуриладиган жойга келтириш учун бирлаштириб олади. Бу унда муайян аминокислотага мос триплет борлиги туфайли содир бўлади. Агар т-РНКнинг кодли триплети айна пайтда рибосомада бўлган и-РНК триплетига комплементар бўлиб чиқса, унда аминокислота т-РНКдан ажралиб чиқади ва оқсилнинг қуриладиган занжирига бирикади (оқсил молекуласига яна бир

“мунчоқ” қўшилади).



5-расм. Рибосома оқсилни синтез қилмоқда

Сўнгра, оқид т-РНҚ рибосомадан атроф муҳитга чиқариб ташланади. Бу ерда у аминокислотанинг янги молекуласини тутиб олади ва ишлаётган рибосомаларнинг хоҳлаганига олиб боради. Бизнинг рибосома эса и-РНҚ бўйлаб олдинга кейинги “қадам”ни бир триплет қадар қўяди. Аста-секинлик билан рибосома и-РНҚ триплет кетидан триплет ҳаракатланади ва бирин кетин оқсил занжири кўпайиб боради.

И-РНҚнинг бутун узунлиги бўйича ўтиб бўлиб, рибосома тайёр оқсил билан ундан “тушиб” қолади. Сўнгра, оқсил молекуласи хужайранинг шу турдаги оқсил зарур бўлган томонига йўналади, рибосома эса бошқа ихтиёрий и-РНҚ томон йўналади (рибосома ҳар қандай оқсилни синтезлай олади; оқсил ҳарактери фақат и-РНҚ матритсасига боғлиқ бўлади).

Шундай қилиб, рибосомалар оқсил ва РНКдан қурилган наномашиналар мураккаб молекулалар қурилишга дастурлаштирилиши мумкинлигини, яъни улар хоҳланган молекуляр тузилмалар ишлаб чиқариш учун табиий ассемблерлар (атомлар йиғувчи) бўлишини тасдиқлади^{2,3}

Ген инженерлари ҳозир биологик табиий материаллар: аминокислоталар, оқсиллар, ДНК молекулалари ва бошқалардан фойдаланиб, биринчи экспериментал сунъий наномашиналар қуришга ҳаракат қилишмоқда. Аммо, биологиксимон наномашиналар – бу органикадир ва

2. Feng Kai. In investigation on phase behavior and orientation factor of electrospun nanofibers. The Uni. of Tennessee, Knoxville (US), 2005. –P. 106.

3. Mustafa Akay. Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.

уларнинг имкониятлари чегараланган бўлади. Улар юқори температура ва босимда барқарорликни йўқотади ёки бузилиб кетади, нурланишлардан таъсирланади, қаттиқ материалларга ишлов бера олмайдилар, кимёвий агрессив муҳитларда ишлай олмайдилар. Шунинг учун ҳам инсониятнинг балк-технологияда яратган кўплаб ишланмаларидан воз кечиш тўғри бўлмайди. Ғилдиракдан компютергача – буларнинг ҳаммаси табиат “ўйлаб топмаганлардир”.

3. Металл, керамика, полимерлар, композитлар асосида наноматериаллар шакллантириш имкониятлари.

Биологиксимон тузилишларсиз айрим атом ва молекулалардан фойдаланиш қийин бўлади. Шунинг учун наномашина – ассемблерлар тирик ва техник системалар синтездан иборат бўлиши лозим. Дрекслер ассемблерга куйидагича таъриф беради:

Ассемблер – бу ўз-ўзини репликатсиялаш(кўпайтириш) хоссасига эга бўлган молекуляр машинадир, у амалда ҳар қандай молекуляр тузилишни ёки қурилмани содда кимёвий қурилиш блокларидан қуриши учун дастурланиши мумкин.

Ассемблернинг асосий вазифаси – бу атом ва молекулаларни берилган тартибда бирлаштиришдир. У ҳар қандай мақсадга йўналтирилган наносистемаларни – двигателлар, станокларни, ҳисоблаш ускуналарини, алоқа воситаларини қура олиши лозим. У РНК ёки ДНК занжирига ўхшаш, “перфолентали” алмашадиган дастурли универсал молекуляр робот бўлади.

Йиғувчининг ташқи кўринишини бир неча атом узунлигидаги манипулятор “кўлли” нанометр ўлчамидаги “кути”га ўхшаш деб тасаввур қилиш мумкин. Манипулятор учун бошланғич (дастлабки) материал бўлиб атомлар, молекулалар ва кимёвий фаол молекуляр конструкциялар (қурилмалар) хизмат қилиши мумкин. Йиғувчининг ичига манипулятор ишлашини бошқарувчи ва унинг барча ҳаракатлари дастури жойлашган ускуналар ўрнатилади. Мураккаб тузилишли катта молекулалар ташкиллаш катта жойлаштириш аниқлигини талаб қилгани учун ассемблер бир неча шундай манипуляторларга эга бўлиши керак.

Ассемблер нимаси биландир ўргимчакка ўхшаб кетади, у бир “оёқлари” билан сиртга ёпишиб турса, қолганлари билан атом кетидан атом тарзида мураккаб молекуляр тузилмаларни йиғади. Наноассемблернинг энг

оммавий схемаси расмда кўрсатилган (6-расм). Йиғувчиларни – саноат роботларини бошқаришда ишлатиладиган, қандайдир оддий тилда дастурлаштирилган ва инсон бошқарадиган одатий компьютерга уланган нанокомпютерлар бошқариши лозим. Инсон – оператор компьютерда алоҳидаги молекуляр тузилишидаги қандайдир конструкцияни моделлаштираётганини кўз олдимизга келтирайлик. Керакли объектни “чизиб” олиб у ассемблерларга буйруқ беради, у эса уни бирин-кетин (атомма-атом) қура бошлайди. Бироз вақтдан сўнг конструкторда берилган характеристикалар бўйича, инсон кўп иштирок этмаган, тайёр буюм пайдо бўлади ¹





Figure 5.3 Gold platelets. This special hexagonal shape was obtained by the addition of poly vinyl pyrrolidone to the solution used for precipitation [2]. Fig. 1a,b. (a) Electron micrograph of the gold platelets. The size of these hexagonal platelets is around 400 nm; the thickness is in the range from 25 to 60 nm. (b) Electron diffraction pattern of one gold platelet as depicted in Figure 5.3a. The hexagonal symmetry of the diffraction pattern shows that the electron beam was perpendicular to the faces of a platelet; which were (111) planes at the surface. (Reproduced with permission by The American Institute of Physics.)




Figure 5.2 Secondary electron micrograph of ZnO nanorods [1]. At one end, most of these nanorods show a bulge, which is typical for a synthesis via a gas-phase route. (Reproduced with permission of Springer.)

6-расм. Ассемблернинг ташқи кўриниши (а) ва наноструктуралар (б) и (в)

Ассемблерлар объектнинг тузилишини молекуляр даражада ёзиб олувчи, уни атомларга ажрата оладиган, **дизассемблерлар** – наномашиналар

¹. Dieter Vollath *Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners.* – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co.KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

билан биргаликда ишлаши мумкин. Масалан, қайсидир бир объектнинг нушасини яшаш учун, дизассемблер уни атомма-атом парчалаб атом турлари, уларнинг жойлашиши каби барча маълумотларни ассемблерга узатади, у эса кейинчалик объект нушасини хоҳлаганингизча марта ясаб бериши мумкин. Назарияда бундай нуша ҳақиқийсига ҳар томондан ўхшайди ва уни ҳар бир атомигача такрорлай олади. Дизассемблерлар олимларга нарсаларни ва уларнинг атом тузилишини яхшилаб ўрганишга ёрдам берадилар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ассемблерлар *репликация* (кўпайиш) хоссасига эга бўлади. Гап эволютсия ҳақида борганда, унда репликатор – бу ўзида содир бўлиши мумкин бўлган барча ўзгаришлар билан бирга ўз-ўзини нушалай оладиган (ген, мим ёки компьютер вирусига ўхшаш) объектдир. Ассемблер компьютер буйруғига биноан ёки уни ўраб турган муҳитга боғлиқ равишда ўз нушасини тузиш (яшаш) йўли билан кўпаяди (репликацияланади).

Шундай қилиб, ўзининг нушасини ясай оладиган бир дона универсал ассемблер ясаб олиб, биз бир неча соатдан сўнг, хаётимизни тубдан ўзгартириб юборадиган, шунақа майда ассемблерларнинг бутун кўшинига эга бўламиз. Ассемблерларнинг энг катта муаммоси, уларнинг дастлабки конструкциясини ясаб олишдир. Шунга қарамай, дунёдаги барча давлатлардаги лабораториялар буни амалга оширишда биринчилар қаторида бўлишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳозирги кунда Форесигхт Институте – нанотехнологиялар яратиш илғорларидан бири – молекуляр даражада оператсиялар бажара оладиган нано-манипулятор – “қўл” ва томонлари 50 нанометр бўлган кубчага жойлашадиган 8 битли сумматорни яратишда ҳаракат қилмоқда.

Оптимистларнинг фикрича, амалий нанотехнологияларнинг гуллаш даври асримизнинг И чорагидир. Пессимистлар буни асрнинг ўрталарига бориб юз беради деб ҳисоблашмоқда. Ҳозир келажакда қайси мутахассисликни танлашни режалаштираётганлар нанороботларни дастурлаштирувчи ёки молекуляр компьютерлар конструктори бўлиши ҳақида ўйлаб кўришса яхши бўлса керак. Чунки бир неча йиллардан сўнг бундай мутахассислар машҳур бўлиб кетадилар.

4. Нанозификанинг нанообъектлар ва наноматериаллар яратишдаги роли ва устуворлиги

Нанотехнологияларнинг бобоси деб грек файласуфи Демокритни ҳисоблаш мумкин. У 2400 йил олдин модданинг энг майда заррачасини

таърифлаш учун биринчи бўлиб “атом” сўзидан фойдаланган.

Швейсариялик физик Алберт эйнштейн эса 1905 йилда нашр қилинган ишида қанд (шакар) молекуласининг ўлчами тахминан 1 нанометрга тенг эканлигини исботлаб берган.

1931 йилда немис физиклари Макс Кнолл ва эрнст Рускалар биринчи марта нанообъектларни ўрганиш мумкин бўлган электрон микроскоп яратдилар.

1959 йилда америкалик физик Ричард Фейнман миниатюралаш келажагини баҳолай олган ишларини эълон қилди. Нанотехнологияларнинг асосий ҳолатлари, унинг Калифорния Технологик Институтида ўқилган (У ерда – пастда жойлар кўп) (“Тхере`с Плентй оф роом ат тхе Боттом”) деб номланган машхур маърузасида белгилаб берилганди. Фейнман физиканинг асосий қонунлари нуқтаи назаридан нарсаларни тўғридан-тўғри атомлардан ҳосил қилиш мумкинлигини илмий томондан тасдиқлаб берди.

Ўша вақтда унинг бу сўзлари фақат бир сабаб билан фантастикага ўхшаб кетар эди: айрим атомлар билан оператсиялар ўтказиш мумкин бўлган технологиялар (яъни атомни аниқлаб олиш, уни олиб бошқа жойга қўйиш) хали йўқ эди. Бу соҳага қизиқишни кучайтириш учун Фейнман, ким биринчи бўлиб китобнинг бир бетини игна учига ёзиб берса у 1000 доллар беришни ваъда қилди. Бу нарса 1964 йилдаёқ амалга оширилди.

1968 йилда Американинг Белл компаниясининг илмий бўлими ходимлари Алфред Чо ва Жон Артурлар сиртни нано-қайта ишлашнинг назарий асосларини ишлаб чиқишди.

1974 йилда япониялик физик Норио Танигучи илмий атамалар қаторига “нанотехника” сўзини киритди, у бу сўз билан ўлчамлари 1 микрондан кичик бўлган механизмларни (ускуналарни) аташни таклиф этди.

1981 йилда германиялик физиклар Герд Бинниг ва Генрих Рорерлар сканерловчи туннел микроскопини яратишди, бу ускуна материалга атомар даражада таъсир кўрсата олади. Улар 4 йилдан сўнг Нобел мукофотини олдилар.

1985 йилда Америка физиклари Роберт Керл, Херолд Крото ва Ричард Смоллилар диаметри 1 нанометрга тенг бўлган буюмларни аниқ ўлчай оладиган технологияни яратдилар.

1986 йилда туннел микроскопидан фарқли равишда барча материаллар билан ўзаро ишлай оладиган атомий- куч микроскоп яратилди.

1986 йилда нанотехнологиядан кенг омма ҳам хабар топди.

Америкалик футуролог эрик Дрекслер нанотехнологиялар яқин вақтлар ичида тез ривожланиб кетишини башорат этган китобини нашр қилди.

1989 йилда ИБМ компанияси ходими Доналд эйглер ўз фирмасининг номини ксенон атомлари билан ёзиб берди.

1998 йилда голландиялик физик Сеез Деккер нанотранзисторни яратди.

2000 йилда АҚШ ҳукумати “Миллий нанотехнологик ташаббус”ини эълон қилди (Национал Нанотехнологий Инициативе). Ўша вақтда АҚШ федерал бюджетидан 500 млн. доллар ажаратилди. 2002 йилда бу маблағ 604 млн. долларгача оширилди. 2003 йилга 710 млн. доллар сўралди, 2004 йилда АҚШ ҳукумати бу соҳадаги олиб борилаётган изланишларга 4 йилга мўлжалланган 3,7 млрд. доллар ажратди. Умумий равишда бутун дунёда бу соҳани ўрганишга киритилган маблағ 12 млрд. долларни ташкил этди!

2004 йилда АҚШ ҳукумати энди “Миллий нанотиббийёт” ташаббусини “Миллий Нанотехнологик ташаббуси”нинг бир қисми ҳисоблаб қўллаб қувватлади.

Нанотехнологияларни бундай тез ривожланиши омманинг катта миқдордаги ахборотни қамраб олишга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан.

Замонавий кремний чиплар (интеграл схемалар) турли техник заруратлар натижасида яна тахминан 2012 йилгача кичиклашиб бораверади. Аммо йўлакчасининг эни 40-50 нанометр бўлганда квант механик бузилишлар ошиб боради: электронлар туннел эффекти ҳисобига транзисторлардаги ўтиш йўлакларини тешиб ўта бошлайди. Бу эса қисқа туташув дегани. Буни енгиб ўтиш учун кремний ўрнига ўлчамлари бир неча нанометр бўлган углерод бирикмали наночиплар қўл келиши мумкин эди. Ҳозирги вақтда бу йўналишда катта изланишлар олиб борилмоқда.

Нанотехнология ускуналари. Материалларга макро-, микро ёки нанодаражада ишлов бера оладиган барча технологиялар мос катталикларни ўлчай оладиган воситаларсиз ишлай олмайдилар. Турли хил ўлчаш ускуналари ичида катта ва кичик масофаларни ўлчай оладиган махсус ускуналар мавжуд.

10^{-3} м (миллиметр) тартибигача бўлган кичик масофалар оддий чизғич ёрдамида ўлчанади. У билан масалан қалин картон қоғоз қалинлигини ўлчаш мумкин. Қоғознинг варағи қалинлиги ҳам ундай варақ кўп бўлса ўлчаш қийин бўлмайди ¹ Юз варақни бир тўп қилиб, чизғич билан ўлчаб, чиққан

¹ Dieter Vollath *Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners.* – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co.KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

катталикини 100 га бўлинг. Бу билан биз ҳар бир варақ қалинлиги бир хил деб ҳисоблаб, унинг бир варағи қалинлигини ўлчаган бўламиз.

Аммо, улардан ҳам майда ўлчамларга чизғич ярамайди. Чизғич билан сочининг бир туки қалинлигини ўлчашга ҳаракат қилиб кўрсак, фақат бир нарсани яъни у жуда ингичка ва ўлчови йўқ экан деган хулосага келамиз. Шунинг учун ҳам шундай ва бундан ҳам кичик бўлган ўлчамларни ўлчаш учун катталаштирувчи ускуналар лозим бўлади, бундай ускуналардан бизга маълум бўлгани оптик микроскопдир.

Оптик микроскоп бизга буюмнинг 0,25 мкм гача бўлган майда қисмларини кўриш имконини беради. Оптик тарзда ишловчи микроскопларни яхшилаш, такомиллаштириш йўлидан бориб ўлчамлари нанометр тартибдаги буюмларни кўрсата оладиган электрон микроскоплар яратилди. Электрон микроскоп атомлар панжараларини ажратиб, кўриб олиш имконини беради, аммо ундаги нуқсонларни аниқлаб бера олмайди. Шундай қилиб XX - асрнинг бошида, материалнинг сиртини кўра олиш даражада катталаштирмасдан тегиб туриш йўли билан ўрганиш ҳақида антиқа фикр келди. Бунда бизга ўша вақтга келиб туннел эффекти ёрдамга келди, унинг асосида 1981 йили биринчи аниқловчи туннел микроскопи (СТМ) яратилди.

СТМ ва туннел эффектини ўрганиш билан кейинроқ, мукамалроқ шуғулланамиз, ҳозир эса уни умумлаштириб кўриб чиқамиз.


Туннел эффекти – классик физикада унга ўхшаши бўлмаган янги квант механик эффектдир, шунинг учун ҳам изланувчиларда қизиқиш уйғотди. У элементар заррача табиатига хос бўлган корпускуляр-тўлқин дуализмига асосланган.

Классик механика нуқтаи назаридан маълумки, $E < V_0$ энергияга эга бўлган ҳеч қандай моддий жисм V_0 баландликдаги потенциал тўсиқдан ўта олмайди. Масалан, коптокни моддий жисм деб ҳисобласак, потенциал тўсиқ – бу жуда баланд девор бўлса, коптокни девор томонга етарли даражада баланд ташланмаса, унинг энергияси олдинда турган девордан ошиб ўтиб кетишига етмайди ва у тўсиққа урилиб орқага қайтиб тушади.

Аммо моддий жисм сифатида электрон кўрилса, унда потенциал тўсиқнинг баландлиги, электроннинг ҳусусий энергиясидан юқори бўлса ҳам аниқ эҳтимоллик билан худди “деворда” бирор бир “тешик” ёки “туннел” бор бўлганидек, электрон ўз энергиясини бироз ўзгартирган ҳолда, тўсиқнинг бошқа томонида бўлиб қолиши мумкин.

Бу бир қарашда тушунтириб бўлмайдиган туннелланиш эффекти

электроннинг ҳам корпускуляр, ҳам тўлқинсимон хоссали эканлигидандир. Электрон E энергияга эга бўлган классик зарра бўлганда, у ўз йўлида енгиб (ошиб) ўтиш учун катта энергияни талаб қиладиган тўсиқни учратиб бу тўсиқдан қайтиб кетиши лозим бўлар эди. Аммо у бир вақтнинг ўзида тўлқин ҳам бўлгани учун, у бу тўсиқдан худди рентген тўлқинлари моддий буюмлар ичидан осонгина ўтганидек ўтиб кета олади.



7-расм. Туннел эффекти


Шундай қилиб, ҳар қандай ўтказгич ёки яримўтказгич сиртида доимий равишда унинг чегараларидан термоэлектрон эмиссия натижасида эмас, балки туннел эффекти эвазига “чиқиб” кетган эркин электронларнинг маълум миқдорини кузатиш мумкин.

Агар иккита ўтказувчи материал олиб уларни бир-биридан 0,5 нм масофада жойлаштириб, уларни потенциалларнинг нисбатан кичик фарқи (0,1-1 В) билан қўшиб қўйсак, унда улар ўртасида туннел эффекти натижасида пайдо бўлган ва туннел токи деб аталадиган электр токи пайдо бўлади.

Худди шу тажрибани энди бизни қизиқтираётган жисм сиртига ўткир предметни, масалан, учи атом қалинлигидаги игнани яқинлаштирсак ва уни ўрганаётган буюмдан ўтказиб буюмнинг атом даражадаги тузилиши ҳақидаги маълумотларни олсак бўлади.

1981 йилда ИБМ компанияси ходимлари Г.Бининг ва Г.Рорерлар бу ходиса асосида биринчи **сканерловчи туннел микроскоп**(СТМ)ни яратишди ва 1982 йилда унинг ёрдамида тарихда биринчи бўлиб атомар ажратиш билан аввал олтиннинг, сўнгра кремнийнинг сирти тасвирини олишди.

Бу ихтиролари учун олимлар 1985 йили Нобел мукофотиغا лойиқ деб топилган. Тақдир тақозоси билан СТМнинг улкан имкониятларини дарров тушуниб етмаган баъзи бир наширётлар Бининг ва Рорерларнинг мақоласини, ихтироларига берилган таърифни унча қизиқиш уйғотмайди деган баҳона билан нашр этиш учун қабул қилмаганлар.




8-расм. СТМда монокристалл кремнийнинг устки кўриниши

СТМнинг ишчи органи – зонд – бу ток ўтказувчи метал игнадир. Ўрганилаётган сиртга зонд жуда яқин масофага ($\sim 0,5$ нм) яқинлаштирилади ва унга доимий кучланиш берилганда ўртасида туннел токи ҳосил бўлади, у эса экспоненциал равишда зонд билан намуна орасидаги масофага боғлиқ бўлади: орадаги масофа фақатгина $0,1$ нм қадар катталаштирилса туннел токи деярли 10 мартага пасайиб кетади. Худди шу ходиса микроскопнинг юқори даражада ажратиш қобилиятини таъминлайди.

Кузатиш тизими ёрдамида ток ва масофани доимий бирдай ушлаб туриб, зондни X ва Y ўқлари бўйлаб ҳаракатлантириб, рельефга мос равишда гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб СТМ сиртни ўргана бошлайди.

Бу ҳаракат ҳақидаги ахборотни компьютер кузатади ва текширилувчи буюм тасвири экранда зарурий аниқликда кўриш учун дастурланади. Намуналарни текшириш тартибига асосланган СТМ конструкциясининг 2 та варианты мавжуд.



9-расм. СТМнинг ишлаш схемаси


Игна учи доимий баландлик тартибида намуна устида горизонтал текислик бўйлаб ҳаракатланади, туннел ток эса ўзгаради (1.10а расм). Сиртнинг барча нуктасида ўлчанган туннел ток катталиги ҳақидаги маълумотлардан келиб чиқиб намуна қиёфаси кўриниши қурилади.

СТМнинг *доимий ток тартибида* тескари боғланиш тизими ишга туширилади. Бунда доимий туннел токни текширувчи ускуна баландлигини сиртнинг ҳар бир нуқтасига мослаштириш йўли билан қўйилиб турилади (10, б расм).

Иккала тартибда ҳам ютуқ ва камчиликлар бор. Доимий баландлик тартиби тезроқ, чунки бу тизим текширувчи мосламани юқорига-пастга жилдирмайди, аммо бунда фойдали маълумотни нисбатан силлик намуналардангина олиш мумкин. Доимий ток тартибида эса юқори аниқлик билан мураккаб сиртларни ўрганиш мумкин, аммо вақт кўп кетади.

СТМнинг энг зарур қисми бу механик манипулятордир, у зондни нанометрнинг мингдан бир бўлаклари аниқлигида сирт устида ҳаракатланишини таъминлаши лозим. Одатда механик манипуляторни пезокерамик материалдан тайёрланади.

Бундай материалнинг қизик хусусияти унинг *пезоеффе́ктивдир*. Унинг маъноси қуйидагидан иборат: пезоматериалдан тўғри бурчакли тўсин кесиб олиб, қарама-қарши томонларига металл электродлар суркалса ва уларга потенциаллар фарқи қўйилса, унда ток таъсири остида тўсиннинг геометрик ўлчамлари ўзгариши юз беради. Ва унинг тескараси: тўсинда кичкинагина бўлсада деформатсия юз беради, унинг қарама-қарши томонларида потенциаллар фарқи ҳосил бўлади. Шундай қилиб, токдаги кичик ўзгаришларни бошқара туриб, зонднинг жуда кичик масофаларга силжишига эришиш мумкин. Бунда тадқиқот микроскопи ишлаши керак.




10-расм. СТМнинг ишлаш тартиби (режими)

Амалий қурилмаларда одатда бир нечта ажратилган электродли юпқа деворли найча кўринишдаги пезокерамик манипуляторлардан фойдаланилади. Бошқарувчи кучланиш бундай манипуляторларнинг

чўзилишини ёки эгилишини келтириб чиқаради ва шу билан бирга зонднинг барча уч фазовий координаталар X , Y ва Z ўқлари бўйича ҳаракатини таъминлайди.

Замонавий манипуляторлар қурилмаси зонднинг текисликда 100-200 мкм га, баландлик бўйича эса 5-12 мкм га ҳаракатланиш диапазонини таъминлайди.

Туннел микроскопининг кашф этилиши сиртларни атом даражасида ўрганишга имкон берди. Аммо бу асбоб бир қатор чекланишларга ҳам эга. Туннел эффектига асосланганлиги учун у фақат электр токини яхши ўтказадиган материалларни ўрганишдагина қўлланиши мумкин.




11-расм. Пьезоманипуляторнинг схемаси

Аммо, ривожланиш, ўсиш бир жойда туриб қолмайди ва 1986 йили ИБМнинг Сюрих бўлими лабораториясида кейинги авлод микроскоплари – **атомий - куч микроскоплар**(АКМ) яратилди. АКМ ҳам сиртларни атом аниқлигида ўрганишга имкон беради, аммо энди электр ўтказувчилар бўлиши шарт эмас. Ҳозирги кунда айнан шундай микроскоп тадқиқотчилар қизиқишни уйғотмоқда³.

Атомий - куч ва туннел микроскопларнинг ҳаракат қонуниятлари амалда бир хил, фақат туннел микроскопиникидан фарқли равишда АКМнинг ишлаши атомлараро боғланишлар кучидан фойдаланишга асосланган. Кичик масофаларда (0,1 нм га яқин) икки жисм атомлари ўртасида итаришиш кучлари (12а расм), катта масофаларда эса тортишиш

³. Mustafa Akay. *Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.*


кучлари ҳаракатга келади (12б расм).



12-расм. АКМнинг ишлаш принципи

Тадқиқотлар учун яратилган атомий- куч микроскопда бундай икки жисм ўрганилаётган сирт ва унинг устида сирпанаётган игна учи бўлади. АКМда зонд сифатида олмос игнадан фойдаланилади. Сирт ва игна учи ўртасидаги F кучи ўзгарганда унга бириктирилган пружина оғади ва у датчик томонидан қайд қилинади. Эластик элементнинг (пружинка) оғиш катталиги сиртнинг релефи ҳақидаги маълумотга эга бўлади.

13-расмда атомлараро кучнинг игна учи ва намуна ўртасидаги масофага боғлиқлиги эгри чизиғи кўрсатилган.



13-расм. Намуна ва зонд учидаги атом ўртасидаги таъсир кучини улар орасидаги масофага боғлиқлиги


Игна сиртга яқинлашгани сари унинг атомларининг намуна атомларига тортилиши кучайиб бораверади. Игна ва сиртнинг тортишиш кучи то уларнинг электрон “булутлари” электростатик равишда бир-биридан

итаришиш ҳолатига келгунча давом этаверади, яна ҳам яқинлашишганда электростатик итариш кучи экспоненциал тарзда тортишиш кучини камайтиради. Бу кучлар атомлар орасидаги масофа 0,2 нм га яқин бўлганда мувозанатлашади.

АКМда ҳам СТМга ўхшаб сиртни текшириш икки усулда амалга ошиши мумкин: *кантилевер* (зонд) *орқали текшириш ва таглик билан текшириш*. Биринчи ҳолда текширилаётган сирт бўйлаб кантилевер ҳаракатланади, иккинчисида эса ҳаракатсиз намунага нисбатан тагликнинг ўзи ҳаракатланади.

Зонд ва сиртнинг ўзаро таъсирлашиш кучларини қайд этиш учун одатда зонд учидан қайтган лазер нурининг оғишини қайд этишга асосланган услубдан фойдаланилади. Нур махсус алюминийли кўзгусимон қоплам билан қопланган кантилевернинг учи томон йўналади, шундан сўнг махсус тўрт сексиялик фотодиодга ўтади.

Шундай қилиб, кантилевернинг озгина оғиши ҳам лазер нурини фотодиод сексияларига нисбатан силжишига олиб келади, бу эса ўз навбатида кантилевернинг у ёки бу томонга силжишини кўрсатувчи фотодиод сигналини ўзгартиради. Бундай система нурнинг 0,1 бурчак остида оғишини ўлчаш имконини беради.



14-расм. Лазер нурининг бошланғич ҳолатдан оғишини қайд қилиниши


АКМнинг электр намуналар ўтказувчан бўлишини талаб қилмагани учун у ДНК ва бошқа юмшоқ материалларнинг молекуляр ўтказгичли ва изоляторлик ҳоссаларини текширишга имкон яратади.

Зондли микроскопиянинг ривожланиши таърифланган қонуниятлар

амалда зонд учининг сирт билан ўзаро таъсирлашишининг ҳар қандай турида ҳам қўлланилиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Бу эса умумий номи текширувчи зонд микроскоплари (ТЗМ) деб аталувчи микроскопларнинг кичик-кичик намуналарини ҳам яратилишига олиб келди². Бугунги кунда уларнинг қуйидаги турлари маълум:

- туннел зондлар;
- атомий- куч зондлар;
- яқин майдон оптик зондлар;
- магнитик-куч зондлар;
- электростатик куч зондлар ва бошқалар.

ТЗМнинг бошқа баъзи турлари билан кейинги боблардан бирида тўлиқроқ танишамиз, ҳозирча уларнинг умумий чизмаси билан танишамиз.



15-расм. ТЗМ ишлашининг умумий таърифи

Ҳар бир текширувчи зонд микроскопининг махсус хоссалари бор. Аммо, уларнинг умумий чизмаси у ёки бу даражада юқорида айтилган қонуниятларга яқинлигича қолган. ТЗМ таркибига микроскопнинг электромеханик қисмининг ишлашини бошқарадиган зонд, қайд этган маълумотларни қабул қиладиган ва ёзиб оладиган, ҳамда улар асосида тасвир

² Dieter Vollath *Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners.* – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co.KGаA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

қўринишини тузадиган қисмлар киради. Бундан ташқари, махсус дастур изланувчига олинган тасвир билан хоҳлаган тарзда ишлаш учун (масштаблаштириш, айлантириш, кесимлар қуриш) сиртнинг қўриниб турган расмини таҳлил қилиб чиқиш учун имкон яратади.

Текширувчи зонд микроскопиясида қабул қилинган терминология инглиз тилидан келиб чиққанлигини кўрсатувчи изларни қолдирган. Масалан, кўпинча текширувчи игнанинг учини “тип” (тип), консол – «кантилевер» (сантислевер) деб аталади.

Бугунги кунда ТЗМ нанотехнологияларнинг асосий қуролидир. Такомиллаштиришлар натижасида улар ўрганилаётган намуналарнинг нафақат топологиясини (геометрик хусусиятларини), балки кўплаб бошқа характеристикаларини: магнитик ва электрик хоссаларини, қаттиқлигини, таркибнинг бир жинслилигини ва бошқаларни, нанометр ўлчамликлари даражасида аниқлик билан ўрганиш имконини беради.

Турли параметрларни аниқлашдан ташқари замонавий ТЗМлар нанообъектларни *манипулятсиялаш*, айрим атомларни тутиш ва уларни янги вазиятга кўчиришни таъминлайди, эни бир атомга тенг бўлган ўтказувчиларни атомар тарзда йиғиш имконини беради.

СТМ игнаси ёрдамида атомлар ўринларини алмаштиришнинг 2 та асосий усули бор: *горизонтал* ва *вертикал*. Ўринларни вертикал алмаштиришда керакли атом тутилгандан сўнг зондни бир неча ангстремга кўтариб туриб атомни сиртдан узиб олинади. Атомнинг сиртдан узилишини токнинг сакраши назорат қилиб туради. Бу ҳолда атомни узиб олиб бошқа жойга кўчириб қўйиш кўп меҳнат талаб қилади. Лекин, атомни горизонтал кўчириш сиртнинг ғадир-будирликлардан олиб ўтишдан кўра афзалроқ. Белгиланган жойга олиб борилган атом нина учини сиртга яқинлаштириб, кучланиш қайта улаш билан озод этилади ва жойига туширилади.

Ҳозирги кунда дунёда кўп турдаги ТЗМ ва унинг қисмлари ишлаб чиқарилмоқда. Уларни ишлаб чиқарган фирмаларнинг номлари: Дигитал Инструментс, Парк Ссиентифис Инструментс, Омисрон, Топометрих, Бурлеигх ва бошқалардир.

Назоарт саволлари

1. Нано – қўшимчаси қандай маънони англатади?
2. Балк – технология нима?
3. Нанотехнология таърифини айтинг.

4. Ассемблер нима?
5. Оксил синтезланиш жараёнини тушунтиринг.
6. И-РНК ва т-РНКлар нима вазифани бажаради?
7. Биринчи нанотранзистор қачон яратилган?
8. СТМ нима ва у қандай ишлайди?
9. АКМ ишлашини тушунтиринг.
10. Ўз – ўзини йиғиш деганда нимани тушунаси?
11. Фуллерен қачон кашф этилган?
12. Нанонайча қандай тузилган?
13. Нанонайча қўлланилишига мисоллар келтиринг.
14. Нанотехнологиялар қандай хатарлар келтириб чиқариши мумкин?
15. Ривожланган давлатларда нанотехнологияларга қандай эътибор берилмоқда?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Dieter Vollath Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners. – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.
2. Feng Kai. In investigation on phase behavior and orientation factor of electrospun nanofibers. The Uni. of Tennessee, Knoxville (US), 2005. –P. 106.
3. Mustafa Akay. Introduction to Polymer Science and Technology & Ventus Publishing ApS, 2012, - P.169.
4. William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2007. – P. 975.
5. www.mitht.ru/e-library
6. www.crisp-prometey.ru
7. www.nanowerk.com/nanotechnology/labs/Tech. Uni. Berlin
8. www.nanonewsnet.ru
9. www.nanobot.ru

5-мавзу: Наноструктуралар, нанотизимлар ва нанокомпозитлар шаклланиши, ноёб физик хоссалари ва амалий истиқболлари

Режа

1. Нанофизика ва нанотехнологиялар узвийлиги ҳамда устувор илмий-тадқиқот соҳалари ва йўналишлари.
2. Нанодисперс тизимлар, наномеханика, наноэлектроника, нанометалл ва яримўтказгичли наножиҳозлар ва наноматериаллар.
3. Оптик наносенсорлар, наноқатламли қуёш элементлари
4. Нанопленкалар, нанотолалар, наносорбентлар, нанотрубкалар, наногеллар, нанокомплекслар, нанокомпозитлар ва уларнинг амалий қўлланиши

Таянч иборалар: *Нанофизика, нанотехнология, нанодиспер тизимлар, наномезаника, наноэлектроника, наножиҳозлар, наносенсорлар, наноқатламли материаллар, нанотолалар, наносорбентлар,*

1. Нанофизика ва нанотехнологиялар узвийлиги ҳамда устувор илмий-тадқиқот соҳалари ва йўналишлари

Материаллар сифати юқори бўлиши учун улар атомлар ва молекулалар даражасида мукамал бўлишлари лозим. Бундай тузилмаларни тузишнинг нанотехнологик усулларида бири – бу ўзи-ўзини йиғишдир.

Ўз-ўзини йиғиш тирик табиатда кенг тарқалган. Барча тўқималарнинг тузилиши уларнинг хужайралардан ўз-ўзини йиғиши билан таърифланади, хужайраларнинг ўз тузилиши эса айрим молекулаларнинг ўз-ўзини йиғиши билан кафолатланади¹.

Табиатдаги наносистемаларнинг ўз-ўзини йиғиш механизмлари изланувчиларни унинг қонуниятларидан сунъий наноструктураларни қуриш учун “нуша қўчириб” олишга ундади. Ҳозирги вақтда табиий суяк тўқимасини такрорловчи наноматериаллар тайёрлашда сезиларли муваффақиятларга эришилди. Бунинг учун коллогеннинг табиий толасини такрорловчи, диаметри 8 нм га яқин бўлган толанинг ўз-ўзини йиғишидан фойдаланилади. Олинган материалга табиий суяк хужайралари яхши

¹ Dieter Vollath *Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners.* – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

ўрнашади, бу уни суяк тўқимаси учун “елим” ёки “шпатлёвка” сифатида ишлатиш имконини беради [2].

Электростатик ўз-ўзини йиғиш ҳам hozirги пайтда кучли ривожланган. У материал тузилишини одатий шароитларда ўзгартириш имкониятини беради. Бунинг учун ичида нанозаррачалар бўлган материалга қўйилган потенциаллар фарқини бошқариш асос бўлиб хизмат қилади [4].

Табиатдаги наноэффektлар: заройиб панжалар. “Унинг узунлиги 8 дан 30 см гача. Боши анча кенг ва кучли яссилашган, кўзлари қовоқсиз тирқишсимон қорачиқли, бўйни калта, танаси анча йўғон, синувчан. Танаси майда бўртмасимон ва донатор тангачалар билан қопланган. Эски ва Янги оламнинг иссиқ мамлакатларида яшамайди.” .

Бу ерда гап геккон – чиройли, хавфсиз бўлган, ўзининг ҳар қандай жойда ҳар қанақасига юра олиш хусусияти билан олимларнинг диққатини тортган калтакесак ҳақида бормоқда. Гекконлар нафақат тик қияликларга, деворларга чиқа оладилар, балки шифт ва дераза ойналарида ҳам бемалол юра оладилар.

Олимлар узоқ вақтлар мобайнида геккон қандай қилиб жуда силлиқ ва вертикал ойна бўйлаб, йиқилмасдан ва сирпанмай юришини, ҳаракатлана олишини тушуна олмас эдилар. Бундай табиий мавжудотни тушуниш учун кўплаб уринишлар бўлди.

Аввалига, гап ҳайвон панжаларидаги ноёб сўрғичларда деб тахмин қилинган. Аммо, аниқланишича, геккон панжаларида ҳеч қандай сўрғичга ўхшаган нарсалар йўқ экан. Геккон ойна бўйлаб шиллиққуртга ўхшаб ҳар қандай предметда ҳам ушланиб туришига ёрдам берадиган ёпишқоқ суюқлик ёрдамида ҳаракатланади деган тахмин ҳам ўзини оқламади. Бундай суюқликдан ойнада из қолиши керак эди, ундан ташқари геккон панжаларида бундай суюқлик чиқариб бера оладиган ҳеч қандай безлар ҳам топилмади.

Бу ҳолатга топилган жавоб бутун оммани хайратга солди: геккон ҳаракатланаётганда молекуляр физика қонунларидан фойдаланар экан. Олимлар геккон панжасини микроскоп остида диққат билан ўрганиб чиқдилар. Аниқланишича, унинг панжалари жуда ҳам майда тукчалар билан қопланган экан, бу тукчаларнинг диаметри инсон сочининг диаметридан ҳам 10 марта майдароқ экан. Ҳар бир тукчанинг учида сантиметрнинг 200 миллиондан бир бўлагичалик бўлган минглаб жуда майда ёстиқчалар мавжуд экан. Бу ёстиқчалар паст томонидан тўқима барглари билан тўсилган ва анча катталашатирилган, ҳар бир баргча юз минглаб ингичка тукчасимон

қилчалар, юзлаб кўраксимон учларга бўлинган, уларнинг ҳар бирининг диаметри 200 нм ҳолос экан!

Юз миллионлаб бундай тукчалар сиртдаги ҳар қандай майда текис бўлмаган жойларга ёпишиб олиш имконини беради. Кўзимизга ҳар қанча силлик кўринган ойналар ҳам гекконларга унга ёпишиб олиш имконини берар экан. Аниқланишича, бу ерда Ван-дер-Ваалс кучлари, бошқача айтганда молекулалараро таъсир кучлари ишлар экан. Ван-дер-Ваалс назарияси квант механикасига асосланган. Материаллар молекулалари жуда қисқа масофаларда итаришади, каттароқ масофаларда эса тортишади (АКМ ишлаши шу принципга асосланган).

Геккон панжасини сиртга қўйганда, наноқилчалар учидаги кўракчалар унга шундай зич ўтирадики, худди панжалар вертикал деворга ёки шифтга ёпишиб қолгандай бўлади. Геккон бўғинларини кучлантирса ва панжасини тортса – Ван-дер-ваалс кучлари йўқ бўлади ва у сиртдан енгилгина ажралади.

Ван-дер-ваалс кучлари жуда кичик, аммо геккон панжаларидаги тукчаларнинг жойлашиши анча катта таъсир майдонни қамраб олиб калтакесакка шифтда ўзининг беш бармоқли панжасининг фақат бир бармоғи ёки думи учи билан ушланиб туриш имконини беради ⁴.



1 -расм. Геккон панжасининг яқинлаштирилган сурати.

Буларни барчаси олимларни ўзлари яратган ихтиродан фойдаланишга туртки бўлди. Робот компаниясининг ходимлари аквариум деворлари бўйлаб вертикал равишда ҳаракатлана оладиган роботни куришди. Кейинчалик роботни сунъий туклар билан таъминлаш ва ёпиштириб турадиган кучни ошириш режалаштирилган. Иложи бўлса роботга геккон думи уланса, у учли

⁴ William D. Callister Jr. Materials Sciences and Engineering. An Introduction. John Wiley & Sons. Ins. 2007. – P. 975.

тошлар устида ҳам югура олади.

Калтакесаксимон роботларни тайёрлаш учун олиб борилаётган тажрибалар муваффақиятли чикса, буни турли соҳаларда – баланд иморатлар ойнасини ювишдан то узоқ сайёраларнинг тик йўллари бўйлаб сайёҳатга чиқишгача қўлланиши мумкин.

Бу қонуниятни ёпишқоқ лента, скотчга ўхшаш материалларни, тайёрлашда асос қилиб олиш мумкин, ундан қайта-қайта ва хатто вакуумда ҳам фойдаланиш мумкин (одатий скотч фазода ишламайди). “Қурук елим”лар деб аталувчи, ҳарактеристикалари диапозони кенг бўлган, электростатикага асосланган кучли ёпишқоқликни таъминловчи янги материаллар авлодини яратиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Инсонни вертикал деворда маҳкам ушлаб турувчи оёқ кийим ва қўлқоплар тайёрлаш мумкин. Улар нафақат алпинистлар ва чўққиларда ишлар олиб борадиган монтажчилар ҳаётини, балки бошқа одамларнинг ҳам ҳаётини енгиллаштирган бўлар эдилар.

2. Нанодисперс тизимлар, наномеханика, наноэлектроника, нанометалл ва яримўтказгичли наножиҳозлар ва наноматериаллар.

Демокрит ўзининг Коинотнинг атомистик қарашида дунё кўплаб “ғиштчалар”дан – ўзига хос ҳусусиятли кимёвий элемент ва унинг бирикмаларидан иборат эканлигига эътибор қаратган. “Оламини ташкиллаган ғиштчалари”нинг ҳусусиятлари бир хил бўлмаганидек, уларнинг тарихи ҳам бир хил эмас. Бир хил элементлар: мис, темир, олтингугурт, карбон кабилар қадимдан маълум. Бошқаларидан, улар ҳали кашф қилинмасидан туриб асрлар давомида топилмасдан туриб ҳам, инсон фойдаланган (масалан, кислород фақат XVIII асрдагина очилган). Учинчилари эса 100-200 йил олдин очилган, аммо ҳозирга келиб биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб қолишди. Уларга уран, алюминий, бор, литий, бериллий ва бошқалар қиради.

Тўртинчиларининг эса биографияси энди бошланмоқда...


1985 йилда Роберт Керл, Гаролд Крото ва Ричард Смоллилар кутилмаганда тубдан янги углеродли бирикма – *фуллерен*ни очдилар. Фуллеренларнинг ноёб хоссалари уларга жуда катта қизиқишни келтириб чиқарди. 1996 йилда уларга Нобел мукофоти топширилди.

Фуллеренлар ва углеродли нанонайчалар. Фуллерен молекуласи асоси углероддир – бу ноёб кимёвий элемент кўпчилик элементлар билан бирикиб турли таркиб ва қурилишга эга молекулалар ҳосил қилиш

хоссаларига эга. Мактаб кимё курсидан бизга маълумки, углерод 2 та асосий аллотроп ҳолатга эга: графит ва олмос. Фуллерен очилиши билан углерод яна бир аллотроп ҳолатга эга бўлди дейишимиз мумкин. Биз ана шу графит, олмос ва фуллерен молекулалари тузилмаларидир.


Графит қатламли тузилишига эга. Унинг ҳар бир қатлами тўғри олти бурчакли бир-бирига ковалент боғланган углерод атомларидан иборат.

Қўшни қатламлар кучсиз Ван-дер-ваалс кучлари билан бир-бирига боғланиб туради. Бунга мисол қилиб оддий қаламни кўрсатишимиз мумкин – сиз графитли стерженни қоғоз устида юргизсангиз, қатламлар аста-секин бир биридан ажралади ва қоғозда из қолдиришади.



2-расм. Графитнинг тузилиши

Олмос уч ўлчамли тетраэдрик тузилишига эга. Углероднинг ҳар бир атоми қолган тўрттаси билан ковалент равишда боғланган. Барча атомлар кристал панжарада бир- биридан бир хил масофада (154 нм) жойлашган. Улар ҳар бири бошқалари билан тўғри ковалент боғланган ва кристалда битта йирик макромолекула ҳосил қилади ⁶



3-расм. Олмоснинг тузилиши

С-С ковалент боғланишларнинг юқори энергияси ҳисобига олмос жуда мустаҳкам ва нафақат қимматбаҳо тош, балки метал кесувчи ва силикловчи ускуналар тайёрлаш учун ҳам ҳом-ашё сифатида ишлатилади.

⁶ www.nanometer.ru/

Фуллеренлар ўз номланишини архитектор Бакминстер Фуллер шаънига олишган, у бундай структураларни архитектурада фойдаланиш учун яратган (шунинг учун уларнинг яна бакиболалар деб ҳам аташади). Фуллерен футбол тўпига жуда ўхшовчи, 5-6 бурчак шакли “ямоқлар”дан тузилган *каркас тузилишига* эга. Бу кўпёқлар учида углерод атомлари жойлашган деб тасаввур қилсак, унда биз энг барқарор бўлган C_{60} фуллеренини оламиз.


Энг таниқли ҳамда фуллеренлар оиласининг энг симметрик бўлган вакили C_{60} молекуласида олтибурчаклиларнинг сони 20 га тенг. Бунда ҳар бир бешбурчак фақат олтибурчакли билан чегаралашган, ҳар бир олтибурчак олтибурчаклилар билан 3 та умумий томонга ва 3 та бешбурчаклар билан умумий томонга эга.

Фуллерен молекуласи тузилишининг қизиғи шундаки, бундай углерод “тўпи”нинг ичида бўшлиқ ҳосил бўлади, унга капилляр хусусиятлари ҳисобига бошқа материалларнинг атом ва молекулаларини киритиш мумкин, бу эса уларга, масалан, уларни хавфсиз кўчириш имконини беради¹.



4-расм. Фуллереннинг тузилиши

Фуллеренларни ўрганиш давомида унинг таркибида углерод атомлари сони турлича – 36 тадан 540 тагача бўлган молекулалари синтез қилинди ва ўрганилди.




5-расм. Фуллеренлар вакиллари а) C_{60} в) C_{70} с) C_{90}

¹ Dieter Vollath *Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners.* – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co.KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322

Аммо углеродли каркас тузилмалар хилма хиллиги бу билан тугамайди. 1991 йилла япониялик профессор Сумио Иидзима узун углеродли цилиндрларни аниқлади ва уларни нанонайчалар деб номлади.

Нанонайча – бу миллиондан ортиқ углерод атомларидан иборат молекула бўлиб у диаметри 1 нанометрга яқин ва узунлиги бир неча ўн микрон бўлган найча кўринишидадир. Найча деворларида углерод атомлари тўғри олтибурчакларнинг учида жойлашган.



б-расм. Нанонайчанинг тузилиши (структураси)

Нанонайчалар тузилишини кўйидагича кўз олдимизга келтириш мумкин: графит текислик оламиз (қоғоз), уни узун қилиб кесамиз ва цилиндрга “ёпиштирамиз” (ҳақиқатда нанонайчалар бошқача ўсади). Бу жуда оддий экан-ку – аммо бунинананонайчалар тажрибалар натижасида яратилгунча ҳеч бир назариячи олдиндан айтиб бера олмаган. Шунинг учун ҳам олимларга уни ўрганиш ва ундан хайратланишдан бошқаси қолмади.

Хайратланишга эса асос бор эди, чунки бу хайратга солган нанонайчалар одам сочи толасидан 100 минг марта ингичка бўлишига қарамадан жуда ҳам мустаҳкам материал бўлиб чиқди. Нанонайчалар пўлатдан 50-100 марта мустаҳкамроқ ва 6 марта кичик зичликка эга. Юнг модули – материалнинг деформатсияга қаршилиқ даражаси – бу нанонайчаларда оддий углерод толаларига нисбатан икки баробар юқори. Найчалар нафақат мустаҳкам, балки ўта қаттиқ мустаҳкам резина найчаларга ўхшайди. Механик кучланишлар таъсирида нанонайчалар ўзини бошқача, антиқа тутадилар: улар “узилмайди”, “синмайди”, оддийгина тарзда жойларини алмаштириб олишади. Нанонайчаларнинг бундай ўзига хос хусусиятларидан сунъий мускуллар яратишда фойдаланиш мумкин, улар бир хил ҳажмда биологик мускуллардан 10 баробар кучлироқ бўлиши мумкин, юқори температура, вакуум ва кўплаб кимёвий реагентлардан кўрқишмайди.

Нанонайчалардан ўта енгил ва ўта мустаҳкам композитсион

материаллар яратиш мумкин, улардан эса ҳаракатни қийинлаштирмайдиган ўт ўчирувчилар ва фазогирлар учун кийимлар тикиш мумкин, Ердан Ойгача бўлган битта найчали нанокабелни кўкнор уруғи ўлчамидаги ғалтакка ўраш мумкин. Нанонайчалардан ташкил топган диаметри 1 ммга унча катта бўлмаган ип, ўзининг массасидан юз миллиардга катта бўлган 20 т юкни кўтара олган бўлар эди.

Тўғри, ҳозир нанонайчаларнинг максимал узунлиги ўн ва юзлаб микрон – атомлар масштабидан жуда катта, шундай бўлса ҳам улар доимий фойдаланиш учун жуда кичиклик қилади. Лекин олинаётган нанонайчаларнинг узунлиги аста-секин ошиб бормоқда – ҳозир олимлар сантиметрли чегарага яқин келишди. 4 мм узунликка эга бўлган кўп қатламли нанонайчалар олинди. Шунинг учун ҳам олимлар яқин келажакда метр в юзлаб метрли узунликдаги нанонайчаларни ўстиришга эришадилар деб умид қилсак бўлади.

Нанонайчалар турли шаклларда бўлади: бир қатламли, кўпқатламли, тўғри ва спиралсимон. Бундан ташқари улар кутилмаган электик, магнетик, оптик хоссаларини намоиш қилишмоқда.

Мақсадга мувофиқ равишда найчалар ичига бошқа материаллар атомларини киритиш йўли билан нанонайчаларнинг электрон хоссаларини ўзгартириш мумкин.

Фуллеренлар ва нанонайчалар ичидаги бўшлиқлар анчадан буён олимлар диққатини тортар эди. Тажрибалардан кўринишча, фуллерен ичига қайсидир материалнинг атоми киритилса, бу унинг электик хоссаларини ўзгартириб юбориши ва хаттоки изоляторни ўта ўтказгичга айлантириб юбориши мумкин экан.

Шундай йўл билан нанонайчалар хоссаларини ҳам ўзгартириш мумкинми? Олимлар нанонайчалар ичига аввало гадолий атомлари киритилган фуллеренлар занжирини жойлашга эришдилар. Бундай ғаройиб структуранинг электик хоссалари оддий, бўшлиқли нанонайчалар ҳамда ичида бўш фуллеренли нанонайчалар хоссаларидан кучли равишда ажралиб туради. Бундай бирикмалар учун махсус кимёвий белгилар ишланган. Юқорида таърифланган структура қуйидагича белгиланади: Улардан (нанонайчалардан) фойдаланиш доираси жуда кенг. Нанонайчалардан, масалан, микроасбоблар учун симлар тайёрлаш мумкин. Уларнинг ғаройиблиги, ток улар бўйлаб умуман иссиқлик ажратмасдан ва жуда юқори кийматга – 10^7 А/см² га етади. Оддий ўтказгич бундай тоқларда дарров

буғланиб кетган бўлар эди.

Нанонайчаларни компьютер индустриясида қўллаш учун бир нечта ишланмалар ҳам ишлаб чиқилган. 2006 йилда нанонайчали матритсаларда ишловчи ясси экранли эмиссион мониторлар пайдо бўлди. Нанонайчаларнинг бир учига ўрнатиладиган кучланиш таъсирида бошқа учи электронлар таратишни бошлайди, улар фосфореценцияланадиган экранга тушади ва пиксель ёруғланишини келтириб чиқаради. Бундай ҳосил бўладиган тасвир нуқтаси жуда ҳам кичик: микронлар тартибида бўлади.

Яна бир мисол – нанонайчадан текширувчи микроскоп игнаси сифатида фойдланилади. Одатда бундай игна жуда ўткирлашган волфрамли игна кўринишида бўлади, аммо атомлар ўлчовида бундай игналар жуда кўпол бўлиб қолаверади. Нанонайча эса диаметри бир неча атомлар тартибидаги энг яхши игна кўринишида бўлади.

Нанонайчаларнинг ғаройиб электрик хоссалари уларни наноелектрониканинг асосий материалларидан бири қилиб қўяди. Улар асосида компьютерлар учун янги элементлар тайёрланди. Бу элементлар ускуналар ўлчамларини кремнийли асбобларга нисбатан бир неча тартибга кичрайишни таъминлайди.

Наноелектроникада нанонайчаларни қўллашнинг яна бир йўналиши – яримўтказгичли гетереотузилмалар, яъни “метал яримўтказгич” типидagi тузилмаларни ҳосил қилишдир.

Енди бундай қурилмаларни тайёрлаш учун иккита материални алоҳида-алоҳида ўстириш ва сўнгра уларни бир бири билан “пайвандлаш” шарт эмас. Нанонайчанинг ўсиш жараёнида унда тузилиш нуқсони (углеродли олтибурчакнинг бирини бешбурчакли билан адмаштириб қўйиш) ҳосил қилиш, яъни уни ўртасидан махсус равишда синдириб қўйиш йўли билан ҳосил қилиш мумкин. Шунда нанонайчанинг бир қисми метал хоссаларига, бошқаси эса яримўтказгич хоссаларига эга бўлади.

Нанонайчалар ички бўшлиқларида газларни хавфсиз равишда сақлаш учун яхши материаллардир. Бу биринчи навбатда водородга тааллуқлидир. Ундан автомобиллар учун ёқилғи сифатида фойдаланиш мумкин эди. Деворлари қалин, оғир ва хавфсиз деб бўлмайдиган баллонлари муаммосини ҳал этилса водороднинг энг катта ютуғи – унинг масса бирлигига (автомобил 500 км ҳаракатланиши учун ҳаммаси бўлиб 3 кг H_2 етарли бўлади) ажратиладиган катта миқдордаги энергия сарф қилишидир.

Сайёрамиздаги нефть захиралари бир кун келиб тугагини ҳисобга

олсак, водород кўплаб муаммоларнинг эффектив равишда ечилишига ёрдам берган бўлар эди. Яқин келажакда автомобилларни бензин билан эмас, балки водородли ёқилғи билан таъминлаш мумкин бўлади.

Нанонайчаларга нафақат атом ва молекулаларни алоҳида “қамаш”, балки материалнинг ўзини бутунлай “қўйиш” мумкин. Тажрибаларда аниқланишича очиқ нанонайча капилляр, яъни материални ўзига тортишиш хусусиятига эга экан. Шундай қилиб нанонайчалардан: оксил, захарли газлар, ёқилғи компонентлари ва эритилган металллар каби кимёвий ва биологик фаол материалларни ташиш ва сақлаш учун микроскопик контейнерлар сифатида фойдаланиш мумкин.

Атом ва молекулалар нанонайча ичига тушгандан сўнг нанонайчалар бир учидан очилади ва ичидаги материалларни катъий белгиланган дозаларда чиқариб беради. Бу ҳаёл эмас, бу турдаги тажрибалар кўплаб лабораторияларда ўтказилмоқда, нанонайчалар учларини “пайвандлаш” ва уни “очиш” оператсиялари замонавий технологиялар учун муаммо туғдирмайди. Бир томони ёпиқ нанонайча ҳозир яратилган.

10-15 йилдан сўнг бу технология асосида касалликларни даволаш ўтказилиши мумкин: айтайлик, бемор қонига олдиндан тайёрлаб қўйилган жуда фаол ферментли нанонайчалар киритилади, бу нанонайчалар организмнинг маълум бир жойида қандайдир микроскопик механизмлар тарзида тўпланишади ва маълум вақтда “очишилади”. Замонавий технология 3-5 йилдан сўнг бундай схемаларни амалга оширишга амалда тайёр. Асосий муаммо бундай механизмларни “очиш” ва нишон ҳужайраларни излаш учун оксил маркерларига интеграциялаш эффектив услубларининг йўқлигидир.

Вируслар ва нанокапсулаларга асосланган дориларни етказишнинг бундан ҳам самаралироқ усулларини ҳам яратиш мумкин. Нанонайчалар асосида айрим атомларни юқори тезликда аниқ тарзда ташиб берувчи конвеерлар ҳам яратилган.

3 Оптик наносенсорлар, наноқатламли қуёш элементлари

Ҳозир юзага келаётган муаммо ва хатарларга саноатда вужудга келган инқилоблар сабаб десак ҳеч ким инкор қилмаса керак. Бекорга кўплаб йирик замонавий олимлар келажакнинг нафақат ижобий, балки салбий томонларини ҳам кўриб чиқишни таклиф қилишаётгани йўқ. Билл Джой, Калифорния штати, Поло Алто, Сун Мисросистемс асосчиси ва етакчи олимнинг айтишича, нанотехнологиялар ва бошқа соҳаларда олиб

борилаётган изланишлар инсониятга зарари етгунга қадар тўхтатилиши лозим. Унинг фикрини яна бир гуруҳ нанотехнологлап "Форесигхт Гуиделинес"- "Инститит бошқарувчилари" кўллаб қувватладилар. Улар ҳам Джой каби нанотехнологияларнинг ортиб бориши ва ривожланиши назоратдан чиқиб бораётганини таъкидламоқдалар. Бу соҳадаги изланишлар оддий таъқиқлаш билан чегараланиб қолмасдан, балки давлат назорати ўрнатилишини таклиф қилдилар. Уларнинг айтишича, бундай ривожланиш кутилмаган фалокатларни келтириб чиқариши мумкин. Нанотехнология хавфи пайдо бўлиши 1986 йили Дрекслер томонидан яратилган "Яратувчи машина" яъни "Кулранг сўлак муаммоси" номини олган қурилмаси билан боғлиқ эди. Кулранг сўлакнинг хавфли томони шунда эдики, у нанометрли ассемблерларни ишдан чиқариб, бошқарув тизимини бузади. Бу технологияда ўз-ўзини бошқариш ва кўпайиш хусусияти мавжуд бўлиб, у йўлида учраган нарсалардан хом ашё сифатида фойдаланади.^{1,3}

Ўтказилган тажриба шуни кўрсатадики, ассемблер ҳар қанча ишончли қилиб яратилмасин, ундаги хатоликлар ва ўз-ўзини бошқаришга интилиш барибир кузатилаверади. Лекин ёддан чиқармаслик керакки, ассемблерда дастурлаш террористлар ёки безорилар, ҳаттоки замонавий компьютер вирусларини ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳам яратилиши мумкин.

Джой ўзининг кўлёмаларида, микромашиналарнинг ишлаб чиқарилиши ва улар жамиятда ўз ўрнини топиб улгургани ҳақида тўхталади. "Ҳажми молекуладек бўлган электрон кўринишдаги ассемблерлар ҳозир амалда қўлланилинмоқда"- дейди Джой. Кейинчалик эса у ўз-ўзини тиклаш биологик жиҳатдан эмас, балки технологик жиҳатдан бажарилинаётганини аниқлади. "Мана нима учун нанотехнологиялар хавф туғдирмоқда", - дейди Джой. Бошқа олимлар гуруҳи "кулранг сўлак" механизми хавф туғдирмаслигини таъкидламоқдалар. "Буларнинг барчасига бармоқ остидан қаралмоқда", - дейди Блок. Мухандисларнинг изланишларини чеклаб қўйилса, ривожланишдан ортда қолиб кетиш ва ўз-ўзини тиклаш хусусиятларига эга машиналар яратилмай қолиши мумкин. Биологик тизимга келсак, биринчидан, улар нанометр ҳажмида эмас, иккинчидан, ўз

¹ Dieter Vollath *Nanoparticles-Nanocomposites-Nanomaterials. An introduction for beginners.* – Wiley-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Boschstr. Weinheim, Germany, 2013. – P. 322.

